

Абдугани СУЛАЙМОН

ВАТАН СЕВГИСИ НАДИР?

Ақли расо ҳар бир одам она Ватанни эъзозлайди. Ҳурлик ва озодликни қадрлайди. Она алласидай тотли, нон ва жондай азиз Ватан муҳаббатини, саядат калити бўлмиш озодлик қадрини таърифлашга тил ожиз. Ватанини севган, ҳурлигини ёмон кўзлардан асрай олган, мудом ёруғ манзилларга интилган миллатгина порлоқ келажак ҳақида сўз юритишга ҳақли. Айтинг-чи, Ватан севгиси нима? Мутахассисларнинг эътирофича, ҳатто самодаги қушлар, сувдаги жониворлар ва даштдаги йиртқичлар ҳам бу туйғудан бенасиб эмас. Улар ҳам мудом ўз масканига интилади ва уни огоҳ бўлиб ҳимоя қилади. Жониворларки, табиат қўйнидаги яшаш муҳитига муҳаббат туйғусидан бенасиб эмас экан, оламнинг гултожи — инсон қандай қилиб она юртини севмасин ахир?!

Инсонлар тили, дили билан илтижо айлаган каби жонивору ҳайвонлар ҳам ҳоллари билан масканига тинчлик тилаб, Яратганга тасбеҳ айтади.

Ватан туйғусини ҳурлик ва озодликдан айри тасаввур этиб бўлмайди. Бинобарин, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов топиб айтганидай, халқимиз Ватанда беватанлик, ҳақсизлик жабрини кўп тортиган. Хайриятки, Яратганнинг марҳамати, Президентимизнинг жасорати боис мустақилликка эришдик.

Озодликни бир мева деб фараз қилсак, у мева биринчидан Холиқнинг қудрати, иккинчидан одамнинг ҳалол меҳнати эвазига ҳосилга киради. Она оқ сут бериб боласини улғайтиргандай, кишилар ўзи эккан мевани мунтазам парвариш қилиб, ўстиради. Ватанни севиш, ҳурликни қадрлаш — бу икки неъматни муқаддас билиш ҳар бир инсоннинг бир умрлик бурчидир.

“Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ”, деган гап бор. Афсуски, инсон аксарият ҳолларда қўл остида, кўз ўнгида турган неъматларни дурустроқ эъзозламай, ундан айри тушгандагина қадрига ета бошлайди. Тақдир тақозоси билан кўп йиллар чет элларда яшашга мажбур бўлганим учун бунга ўз ҳаётимда амин бўлганман. Ватан соғинчи юрагимни шу қадар ўртаганки, мудом Худога илтижо қилиб, она юртга етказгин деб муножот қилганман. Танг-

рига минг шукрлар бўлсинки, диёрим тупроғини кўзга суртишни насиб этди. Шу боис ўзга элларни орзу қилувчи, ўтиш даври қийинчиликларига сабр қилолмайдиган айрим одамлар ҳолига ачинаман. Ҳар ерда ҳам тошу тарози борлигини унутган бундай кимсаларга раҳмим келади.

Улуғ бобомиз Бобур ўзга юрт шоҳлигидан, ўз юрти гадолигини афзал билгани, диёрининг бир сиқим тупроғини олиб борган кишидан мамнун бўлиб, шу табаррук тупроқни кўзига суртгани биз учун катта ибрат бўлиши керак.

Халқимизда: “Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас”, деган нақл бор. Бу иборанинг асл маъносини таҳлил қилиб кўрсак, Ватани ва халқи қадрига чин дилдан етадиган мўмин инсоннинг сиймосини кўз олдимизга келтирамиз, шунда чуқур манتيқ чиқади. Мусофирчилик заҳматларини бошдан кечирган одам сифатида, умримнинг ўша лаҳзалари катта ҳаётий сабоқ берганини унутолмайман. Турмушнинг ҳар қандай зарбасини Тангрининг бандасига берган ҳикмати, ёғдирган раҳмати ҳамда синови деб қабул қилишни ўрганганим бунинг исботи бўлса керак. Дарҳақиқат, пўлат ҳам яхши тобланмагунча ундан ўткир тиг ясаб бўлмаслигини эсласак, Яратганнинг иноятини янада теранроқ англай оламиз.

Тарихда давр воқеалари қайта такрорланиб ва алмашилиб туради. Бугунги гуллаган Япония ўтмишини эсга олайлик: Хиросима ва Нагасакида атом бомбаси портлагандан кейин мамлакат инқирозга юз туган, халқ турмуши қийинчиликлар гирдобиде қолган эди. Давлатнинг таназзулдан қутулишида асосан япон миллатпарварларининг хизмати катта бўлган. Улар халқ ичида юриб, одамлар қалбида Ватанга муҳаббат, унинг ёруғ келажакига ишонч туйғуларини уйғотди. Инқироздан чиқишнинг ягона йўли бирдамлик эканини уқтирди. Табиийки, бундай ҳаракат ўз самарасини берди. Ҳар бир фуқаро онгли равишда бор маблағини умумманфаат йўлида хайрия қилди. Натижада, Япония қисқа фурсатда оёққа туриб, юксалиш сари қадам қўйди.

Ваҳоланки, барчага аён: Япония ҳеч қандай ер

ости ва ер усти бойликларига эга эмас. Кунчиқар мамлакатининг энг муҳим бойлиги японлардаги чинакам фуқаролик туйғусидир. Қолаверса, фан-техника ривожига, интеллектуал салоҳиятни юксалтиришга бўлган эътибор ҳам Япониядаги тараққиётнинг асосий омилларидир.

Қайси бир халқ ёки миллат чинакамига ривожланиш йўлига қадам қўймоқчи экан, мозийдаги ибратли ҳодисалардан, яъни 50-йилларда японияликларнинг: “Бизга Ватан нима берди?”, — дейишдан кўра: “Биз Ватанга нима бердик?” — деб фикрлай олиши даражасига етганлигидан ибратланмоғимиз, муайян хулосалар чиқармоғимиз керак.

Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Президент Ислом Каримов раҳбарлигида шундай йўл тутди. Маънавиятга, маърифат юксалишига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ўстириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш тараққиётнинг муҳим шарти этиб белгиланди.

Шубҳасиз, бундай катта мақсадларга эришиш муайян муддатни талаб қилади. Бу йўлда айрим қийинчиликлар, муаммоларга дуч келиниши ҳам табиий ҳол. Қолаверса, бу муаммолар шўро замонидаги нотўғри сиёсатлар натижасидир. Ватан ва унинг озодлигини қадрловчи инсонлар масала моҳиятини тўғри ва теран тушунади.

Лекин таассуфлар бўлсинки, аввалги қарамлик даврини қўмсовчи, миллий ғурур туйғусидан маҳрум кимсалар йўқ эмас. Бундайларга Ватан, миллат деган тушунчалар мутлақо бегона. Улар учун фақат биргина мақсад бор — манфаат. Шунинг учун ҳам бу хил нодон, калтабин тоифа тарих ва келажак учун заррача қадрли эмас.

Ҳар бир ҳодиса халқона ҳикматларга таяниб баҳоланса, энг тўғри хулосага олиб келади. Биноба-

рин, гулнинг хуш бўйидан лаззатланмоқ учун, унинг тиканига ҳам бардош бермоқ керак.

Холиқ сирли табиатни икки қутбдан иборат қилиб яратди. Масалан, эркак ва аёл, иссиқ-совуқ, кеча-кундуз ва ҳоказо... Ер, молекула, атомларни ҳам икки қутбдан бино қилиш орқали бу дунёдаги бандалар унинг иккинчи қутби — у дунёнинг ҳам борлигига ишонишга ишора қилади... Ҳаётсевар, ақли расо инсон танглик кетидан кенглик, яхшилик келиши муқаррарлигини англайди. Бу қутлуг жараёнда ўзининг ҳам ҳиссаси бўлишига интилади.

Маънавий бутунлик, жамият аъзолари ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарининг мустаҳкамлиги, эртанги кунга ишонч—тараққиётнинг муҳим омилларидир.

Сир эмас, бугун дунёда одамлар орасига фитна уруғини сочишга уринаётган, ҳатто бу ёвуз ниятларини амалга ошириш учун чексиз маблағлар сарфлаётган Ҳақ ва халқ лаънатлаган ёвузлар мавжуд. Табиийки, Ўзбекистоннинг ўзаро тенг муносабатларга таянувчи ташқи сиёсати, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрўйи кундан-кунга ошиб бораётгани бундай манфур гуруҳларга маъқул эмас. Шу боис улар мамлакатимизнинг халқаро нуфузи юксалишига халақит бермоқчи бўлади. Уни обрўсизлантирмоқни умид қилади. Разил ниятларига етиш учун фитна ўчоқларини ковлаб, гулхандай ловулатмоққа уринади. Андижон воқеалари, ундан муқаддам юз берган террорчилик ҳаракатлари шундай жиноятчиларнинг кирдикорларидир.

Бугун дунё жамоатчилиги гувоҳ: улар ҳеч қачон ўз мақсадларига эришган эмас ва эришолмайди ҳам.

“Кўкка туфласанг, юзинга тушади”, — дейди доно халқимиз. Шунга қиёсан айтиш мумкинки, кўпнинг тинчлигига раҳна солишга уринганлар эл назаридан қолади. Халқимиз анойи эмас. Мақсадимиз қатъий ва аниқ; ёруғ манзилларга интилган истиқлол карвонига ҳеч қандай куч тўсиқ бўла олмайди.


«Ёшлик» ЖУРНАЛИ 2006 ЙИЛ УЧУН ОБУНАГА ЧОРЛАЙДИ!

Муҳтарам муштарийлар! Азиз журналхонлар! Келгуси йил ҳам биз билан ҳамнафас, ҳамсуҳбат бўлишни истасангиз, гўзал, жозибали шеърий асарлар, бадиий баркамол, завқ-шавққа лиммо-лим қисса ва ҳикоялар ўқиб баҳра олишни хоҳласангиз «Ёшлик» журнаliga обуна бўлишни асло унутманг!

«Ёшлик»да сиз нафақат бадиий асарларни, балки ижтимоий-сиёсий, адабий мавзудаги бошқа қизиқарли мақолаларни ҳам ўқийсиз, эл-юртга машҳур санъаткорлар, ҳофизлар суҳбатидан баҳраманд бўласиз.

Келинг, янги 2006 йилда ҳам дийдорлашиб турайлик! Биз Сизни ҳамшиша соғинамиз. Обуна индекси:

якка обуначилар учун - 822, ташкилотлар учун - 968



“МЕНИ ИНСОН РУҲИЯТИНИНГ ЧЕКСИЗ ҒАЛАЁНЛАРИ ҚИЗИҚТИРАДИ...”

Ёзувчи Хайриддин СУЛТОН билан суҳбат

— Хайриддин ака, келинг, суҳбатимизни анъанавий савол билан бошласак: адабиётга қандай кириб келгансиз? Биринчи ҳикоянгиз қачон, қаерда нашр қилинган?

— Бу саволга жавобни сал олдинроқдан — яъни, қандай қилиб ёзишга ҳавас пайдо бўлганидан бошлаш ўринли бўлар, деб ўйлайман.

Бешинчи синфда ўқиб юрганимда (1968-69 йилларга тўғри келади) “Регистон узра қизил байроқ” деган катта бир китобни ўқиб қолдим. Бу октябр революциясининг аллақайси санасига бағишлаб нашр этилган шеърлар, насрий ва драматик асарлар тўплами эди. Ана шу тўпламдаги баъзи асарлар таъсирида семизгина бир “пьеса”ни қандай ёзиб қўйганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Бу “пьеса”да босмачиларга қарши курашган пионер боланинг жасорати мадҳ этилар эди. Илк “ижодим намунаси” билан танишган она тили ва адабиёт ўқитувчимиз Ҳамиджон ака Юнусов менга энг содда ва тўғри маслаҳатни берди — яъни, фақат ўзим яхши билган, кўриб-яшаб турган ҳаётни ёзиш.

Афсуски, ўзим кўриб-яшаб турган ҳаёт, воқелик у пайтда мен учун жозибадор туюлмади. Мен бундай жўн, ғариб “материал” кимни ҳам қизиқтирарди, деб ҳисоблардим. Назаримда, адабий асар учун алоҳида воқеалар, мароқли, ғайриоддий хомашё талаб этиларди. Шу сабабдан бўлса керак, кейинчалик 10-синфда ўқиб юрганимда Артур Конан Дойлга таассуб қилиб, Шерлок Холмс ҳақида узун бир ҳикоя ижод қилдим. Албатта, у бошидан охиригача китобий руҳ билан сугорилган бир нарса эди, лекин мен учун болалик йилларининг ёдгори сифатида эсимда қолган.

1973 йили ТошДунинг журналистика факультетига ўқишга кирдим. Биринчи курсдалигимизда “Дебоча” деган номда қўлёзма курс журналини чиқара бошладик. Ёш қаламкашлар орзу-ҳавасининг мужассами бўлмиш бу мажмуанинг илк сонидан менинг Америка ҳаётидан олиб ёзилган “Турмага қайтиш” номли ҳикоям ҳам ўрин олган эди. Журналимизнинг шу сонини муҳтарам адабиётшунос домламит Ботирхон Акрамов синчиклаб шарҳлаб берди. У кишининг ҳам менга берган маслаҳати — ўзим кўриб-яшаб турган ҳаётни тасвирлаш, қаҳрамонларни мана шу воқеликдан қидириш, оддий воқеа-ҳодид-

салар замиридаги бошқалар кўра олмайдиган бадий маъно ва моҳиятни топа билишга даъватдан иборат эди.

Бу орада университетдаги таълим, адабиёт сирлари билан яқиндан танишиш имкони, кутубхона мутолааси аста-секин ўз таъсирини кўрсата бошлади. Айниқса, замонавий чет эл адабиёти муаллими, марҳум Талъат Солиевнинг дарслари менинг онгимда, адабий қарашларимда жуда катта ўзгариш ясади.

Раҳматли домламит Г.Мопассаннинг “Дўндиқ” деган машҳур ҳикоясини уч дарс мобайнида гоёқ батафсил, чуқур адабий таҳлил қилиб берган эди. Ўша маърузанинг мазмуни, оҳанглари ҳозиргача эсимдан чиққан эмас. Реалистик, мумтоз проза асари қандай принципларга қурилиши, тагдор матн, қаҳрамон руҳини ифода этиш деган масалаларни англаб етишда шу уч соат дарс мен учун ҳақиқий университет бўлган эди. Афсуски, ҳаётда бундай адабиёт муаллимлари кам бўлар экан...

Матбуотда босилиб чиққан биринчи асарга келадиган бўлсак, 1976 йили, учинчи курсда ўқиб юрган пайтда “Тошкент оқшоми” газетасида “Миркарим чол” деган кичкина бир ҳикоям чоп этилди. Ўша пайтда ушбу газетанинг адабиёт бўлими мудири бўлган Ўткир Ҳошимов бу ҳикояга муҳаррирлик қилган эди. Ҳикоядаги асосий қаҳрамон — студент тилидан баён этилган бир жумла кўпчилик эътиборини ўзига тортган. Мана ўша жумла: “Ўзи, қўйлагимнинг кири ўзимга оғирлик қиладию, бу чолники нимаси энди...” Шундай мазмундаги гапни мен бир вақтлар отамдан эшитган эдим, ўрни келганда ишлатиб юбордим.

Шу тариқа бирин-кетин машқларим матбуотда босила бошлади: “Номус кучли” “Меҳнат ва турмуш” журналида, “Чоллар палатаси”, “Ой ботган паллада” ҳикояларим “Гулистон” журналида, “Чайладаги тўрт киши” “Шарқ юлдузи” журналида. Ва уларнинг айримлари шу журналларнинг йиллик мукофотларига ҳам сазовор бўлди. Агар шу жараённинг номи “адабиётга кириш” деб аталса, мен студентлик давримда шу йўлни босиб ўтдим.

— Ҳикоя жанри тўғрисида нима дея оласиз? Адамасам, бу жанр сизга жуда яқин, жуда аҳамиятли...

— Ҳикоя — энг гўзал ва энг тугал жанр. Устоз Эркин Воҳидов раҳматли Төлиб Йўлдошга бағишлаб ёз-

ган шеърда “шоирнинг зўри — тўрт сатрда билинур” деганидек, прозаикнинг зўри ҳам айнан ҳикоя жанрида намоён бўлади. Икконим, қурбим етса, мен фақат ҳикоя ёзган бўлур эдим.

— Ижод жараёни ҳар кимда ҳар хил кечади. Устоз Абдулла Қаҳҳор бир саҳифани то кўнгли тўлмагунча қайта-қайта кўчириб ёзганини ва ҳар сафар ёзганларига сайқал берганини эътироф этган. Сизнинг ҳикояларингизда ҳам одамни зериктирадиган ортиқча тафсилотлар учрамайди. Бу сизнинг сўзга, ўз ижодингизга нисбатан талабчанлигингизни кўрсатади, ёзиш жараёнингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Ижодий жараён ҳақида... Ёзаман, ўчираман, оққа кўчираман. Абдулла Қаҳҳор каби ҳар саҳифани беш-ўн марталаб ёзишга менда сабр-тоқат, чидам етишмайди.

— Ҳикояларингиз сюжети асосан ҳаётнинг кундалик воқеаларга асосланган. Уларда гайритабиий, яъни ўқувчи дафъатан ҳазм қила олмайдиган унсурлар учрамайди. Шу ҳақда бир нарса дея оласизми?

— Бу саволга жавобан ҳазил тариқасида айтишим мумкинки, “биз образ-моброзна тан олмаймиз, биз тўппа-тўғриси ёзамиз”. (шоир Акмал Пўлатнинг Москвадаги Марказий Адабиётчилар уйида сўзлаган нутқидан. Айнан бундай: “Мы образ-мобраз не признаем, мы пишем прямо”)

Агар жиддий гапирадиган бўлсак, ёзувчининг услуги унинг характеридан, олган инсоний ва адабий тарбиясидан, мавжуд бадиий анъаналардан келиб чиқади. Қолаверса, ёзаётганда қандай китобхонни кўзда тутганингиз ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, ҳар қайси асарнинг материали ҳам ўзига хос услубни талаб қилади. Масалан, “Кўнгул озодадур” қиссаси маълум маънода гайритабиий услубда битилган.

— Ижодда мумтоз ва замонавий адабиётнинг қандай анъаналарига таянасиз ва иш кўрасиз? Қайси ҳикоянависларни устоз деб биласиз?

— Бундай анъана ва тажрибалар жуда кўп, уларнинг барчасидан ҳам ижодкор озми-кўпми баҳраманд бўлади, таъсирланади — қайси бирини айтмай?

Ҳикоянавислардан А.Чехов, Р.Тагор, А.Қаҳҳор.

— Ҳар бир санъаткор ўз ижоди орқали адабиётга қандайдир янгилик олиб киради, ўзига хослигини намоён қилади. Ижодингиз, хусусан, ҳикояларингиздаги бадиий изланишлар, топилмалар, Сизнингча, нималарда кўринади?

— Бу саволга муаллифнинг жавоб бериши аввало, қийин, қолаверса нокамтарлик бўлса керак. Буни аниқлаш, исботлаш — адабий танқид, адабиётшуносликнинг вазифаси, деб ўйлайман.

— Асарларингизга билдирилган фикрларга, танқидга қандай қарайсиз?

— Жўяли, тўғри фикрлар бўлса — доимо қабул қилганман. Чунки бундан мен ёзган бадиий асар фақат ютишига ақлим етади. Шундай фикр билдира олишга қодир санокли инсонлар бор ва уларнинг танқиди ҳам, мақтови ҳам мен учун бирдек қадрли. Лекин кўпинча сиз тоғдан келсангиз, боғдан келадиган танқид ҳам борки, бундай қарашларга қандай муносабатда бўлишни ҳам билмай қоласиз.

— “Ё, Жамшид!” ҳикоянгиз бошқа асарларингиздан кўп томонлама фарқ қилади. Унга В.Распутиннинг “Ма-

рияга пул керак” қиссасидан “Раббим де, Мария!” жумласини эпиграф қилиб келтиргансиз. Ҳар иккала асарда ҳам инсоннинг иложсизлик ҳолати, руҳий изтироб акс эттирилган. “Ё, Жамшид!”нинг яратилишига ўша асарнинг таъсири бўлганми?

— Студентлик пайтимизда бир ҳамқишлоқ дўстим қиморбоз амакисининг бошидан ўтган воқеани менга айтиб қолди. Кейинчалик бу менга “Ё, Жамшид!” ҳикоясини ёзишга туртки бўлди. “Марияга пул керак” қиссасини ҳам тахминан шу пайтларда ўқиган эдим. Менинг мақсадим — В.Распутиннинг “панжасига панжа уриш” эмас, балки қаҳрамонлар тушиб қолган иложсиз вазиятдаги миллий характер, миллий менталитетни акс эттиришдан иборат эди. Бу икки асарни қиёсий ўрганиш икки хил менталитет ҳақида ўзига хос хулосалар чиқаришга асос беради.

— “Уч юз олтмиш тўрт кун” деган ҳикоянгиз шаклан ўзгача. Унинг ёзилиш тарихи ҳақида гапириб берсангиз.

— “Уч юз олтмиш тўрт кун” ҳикояси — икки дўстнинг умр йўли ҳақида. Бу ҳикояга ўзим ҳаётда кўп кузатган бир ҳақиқат асос қилиб олинган. Яъни, дунёда шундай ношукур одамлар ҳам борки, бошқалар уларга доимо, умрбод яхшилик қилиши керак. Гўёки, ҳамма улардан қарздор. Бундай кимсаларга йил — ўн икки ой — уч юз олтмиш тўрт кун меҳр-мурувват кўрсатсангиз-у, худо уриб қандайдир сабабга кўра уч юз олтмиш бешинчи куни яхшилик қилиш қўлингиздан келмай қолса, тамом. Шу заҳоти ёмонотликқа, сотқин, ўғри-муттаҳамга чиқасиз. Шундан хулоса — яхшиликни ҳам яхшиликнинг қадрига етадиган одамга қилиш керак. Шу маънони қандайдир рамзий-фалсафий йўсинда ифода қилиш эҳтиёжи шундай бадиий шаклни вужудга келтирган бўлса, ажаб эмас.

— Устоз Асқад Мухтор “Чинакам бадиий асар ҳамма вақт жавобсиз саволдир” деган эди. Баъзан бадиий асарда кўтарилган муаммо жавобсиз, очик қолади. Ўқувчи анча вақт бу ёғи нима бўларкан, қаҳрамонларнинг кейинги тақдири қандай кечаркан, деган савол гирдобида юради. Бу ҳол асарнинг таъсирчанлигини, яшовчанлигини ошириш учунгина зарурми, Сиз нима дейсиз?

— “Чинакам бадиий асар ҳамма вақт жавобсиз саволдир” деган фикрга тўла қўшиламан. Баъзан бадиий асарда кўтарилган муаммога жавоб ҳаётнинг ўзида йўқ. Минг уринманг, қанчалик донишманд бўлманг, шу муаммонинг ечимини умуман тополмайсиз. Ҳаётнинг бешафқат, аччиқ ҳақиқатини юракдан ҳис қиладиган ижодкоргина буни англай олади. Йўқ, бундай ҳол, менинг назаримда, асарнинг таъсирчанлигини, яшовчанлигини ошириш учун эмас, балки унинг ҳаётлигини таъминлаш учун керак, холос.

— Ҳикоя ёзганда асосий эътиборни нимага қарата-сиз: танланган мавзугами, қаҳрамонлар характеридами ёхуд сюжет ва конфликт тасвиригами?

— Ҳикоя ёзганда.. билмадим, ҳозир умуман ёзма-япман, ёзолмаяпман, илгарилари ҳикояга бутун эътиборни қаратардим-қўярдим.

— Шахсий услуб ҳақида нима дея оласиз?

Бу борада “Услуб бу — инсондир” деган машҳур таърифга қўшиламан. Шахсий услубга эга бўлиш учун ёзувчи аввало шахс бўлиб шаклланиши зарур.



— Адабий жамоатчилик ўз вақтида сизнинг ижодингизда (ҳикояларингиз назарда тутилмоқда) В.Шукшинга ўхшашлик, ундан тасирланиш ҳақида фикр билдирган эди. Зеро, бу фикр бошқа, сизга тенгқур ёзувчиларга нисбатан ҳам айтилган эди.

— Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 80-йилларида Василий Шукшин ижоди собиқ иттифоқ ҳудудида бениҳоя машҳур эди. Айниқса, вилоятлардан етишиб чиққан аксарият адиблар Шукшиннинг “қишлоқ прозаси”дан ибрат олишга интилар эдилар. Бу улуг ёзувчи рус қишлоғининг бор дарду ҳасрати, қувонч ва қайғуларини, бетакрор характерларни зўр маҳорат билан тасвирлай олган эди.

Ҳикояларимнинг В.Шукшин ижодига ўхшаш жиҳатлари ҳақида гапирганда, айтиш лозимки, 1980 йили Ўткир Ҳошимов билан ҳамкорликда ушбу муаллифнинг “Чол, қиз ва офтоб” номли ўн босма тобоқдан иборат ҳикоялар тўпламини ўзбек тилига таржима қилиб нашр эттирган эдик. Табиийки, ҳар қандай яхши асар таржимасидан ниманидир ўрганасиз, маҳорат сирларидан ошно бўласиз. Шу маънода менинг ёзганларим ҳам бундан мустасно эмас.

— Аксарият адиблар ижодида маҳаллий ўзига хослик бўртиб туради. Масалан, Сурхон қолорити деганда кўпинча тўпори, дангалчи тоифа кўзга ташланади. Ўз ижодингиз мисолида бу хусусдаги фикрингизни билмоқчи эдим.

— Маҳаллий колорит, бу — бадиий ижоднинг ўзига хос зарур элементи, лекин уни шунчаки ҳою ҳавас (самоцель) ёки адабий олифантик воситаси қилиб олмаслик керак. Табиий равишда асар билан бирлашиб кетса, матнда “мен маҳаллий колоритман” деб “қичқириб” турмаса — нур устига нур бўлади.

Ўз ижодим мисолида... мен бунга атайлаб интилган эмасман. Лекин асарларимни ўқиган баъзи ҳамқишлоқларим шу “маҳаллий колорит”ни адашмай, бехато топиб олишганини айтиб юришади.

— Бадиий асар тили, сизнингча, қандай бўлиши керак? Бунда нималарга асосий эътибор қаратилиши талаб этилади?

— Бадиий асар тили соф, содда, самимий, мардона бўлиши керак. Бунинг талаблари жуда кўп, лекин адиб авваламбор жонли халқ тилини, мумтоз адабиётимиз тилини ҳар томонлама чуқур билиши зарур, деб ҳисоблайман.

— Сиз ва сизга замондош ёзувчилар самарали ижод қилган ўтган асрнинг 80-йиллари ҳикоячилиги ҳақида адабий танқидчиликда турмуш икир-чикирларини тасвирлаш етакчилик қилади, дея фикр билдирилган. Бироқ, айнан шу даврда ҳикоячилик энг гуркираб ўсган дейишга асосимиз бор. Бу давр ҳикояларида бир қарашда оддий, кўпчилик эътибор ҳам қилавермайдиган кундалик муам-

моларнинг умум аҳамиятига молик жиҳатлари очиб берилган, ана шу оддийликдан муҳим бадиий ҳулосалар чиқарилган. “Катта адабиёт” нуқтаи назаридан шу тўғри йўлмиди?

— Ўтган асрнинг 80-йиллари ўзбек адабиётида қандайдир ўзига хос кўтарилиш даври бўлди. Адабиёт мафкуравий кишанлардан қутулиб, ўзининг ҳақиқий ўзанига — ҳаётийлик, ҳаққонийлик, халқчиллик ўзанига қайтишга интила бошлаган эди. Шу билан бирга, ўзбек прозасида шу даврда бутун совет прозасида бўлгани каби, “тарихий-революцион, ишлаб чиқариш, агросаноат, ишчилар темаси” каби бозори чаққон мавзуларга жавоб берадиган катта-катта “адабий гишт заводлари” ҳам гуриллаб ишлаб ётар эди.

Шундай бир вазиятда миллий ўзлигини, адабиётнинг асл моҳиятини англашга интилган ёш ўзбек адибларининг бир қарашда оддий бўлиб кўринадиган турмуш икир-чикирларидан поэтик маъно ахтариши бежиз эмас эди. Нафсиларини айтганда, бу пайтда мен мансуб бўлган адиблар авлоди бешинчи синфда адабиёт ўқитувчим айтган ҳақиқатга амал қила бошлаган, яъни фақат ўзи яхши билган, ўзи кўриб-яшаб турган ҳаётни бўямай-бежамай ёзишга киришган эди. Ўйлайманки, каттами, кичикми, лекин бадиий адабиёт нуқтаи назаридан бу тўғри йўл эди.

— Ҳикояларингиз орасида композиция жиҳатидан янгилик деб ҳисоблайдиганларингиз қайсилар?

— Такрор айтишга тўғри келади: мен бирорта ҳикояни композиция жиҳатидан янгилик яратаман, деган мақсадда ёзган эмасман, мазмун қайси шаклни талаб қилган бўлса, улар шундай туғилган. Очигини айтадиган бўлсам, мени шаклий, услубий изланишлардан кўра моҳият, инсон руҳиятининг чексиз галаёнлари кўпроқ қизиқтирган.

— Асарларингиздаги зиддиятлар тасвирида ички коллизия устунлик қилади. Қаҳрамонларингиз ботиний зиддиятларга мойил. Буни қандай изоҳлаган бўлардингиз?

— Фикрлайдиган, виждони олдида ҳар куни изтиробли саволларга дуч келадиган қаҳрамонлар албатта ботиний зиддиятларга мойил бўлади.

— Бугунги ҳикоя қандай бўлиши лозим деб ўйлайсиз: мавзуи, қаҳрамони, талқини, шакл-шамойили?..

— Э, агар бугунги ҳикоя қандай бўлиши лозимлигини билганимда эди, Абдулла Қодирий айтмоқчи, “сўз билан билжираб ўтирмас, шартта сувратини чизиб кўрсатган бўлардим. Фақат бунинг учун менга раъно гулининг суви кўпроқ керак бўларди”.

Шоҳсанам СОПИЕВА
суҳбатлашди



Бахтиёр ГЕНЖАМУРОД

НАВОЛАРГА

СИФМАС

САРКАШ

ТУЙГУЛАР



Кеча оқишом бир сулув қиз:
«Дунё алвон гул... — деди, —
Қўёш ботиб, чиқса юлдуз,
Гулзордан гул юл...» — деди.

«Богимизда гулистон бор,
Боришига йўқ йўл, — деди, —
Қизнинг кўнгли қилдан ҳам тор —
Боққа ўғри бўл», — деди.

Қаҳ-қаҳ кулди: «Қизил гул — мен.
Богда қийнар чўл... — деди, —
Қўрқсанг ўғри бўлишдан сен,
Йигит бўлмай йл...» — деди.

Сочлари бўйра, Шамол,
Тиласин қийма, Шамол.



Қирқ ўрим кокилларин
Тарқатиб ўйна, Шамол.

Қадамнинг яшил, Шамол,
Нафасинг асл, Шамол.
Ёқут, зар, инжулардай
Йўлимда сочил, Шамол.
Бўйнимга осил, Шамол,
Чечакдай очил, Шамол,
Дардларимни айтдим мен,
Қалбингга яшир, Шамол.

ТИЛАК

Ватанини кўшишқа сиздирмоқ... Йўқ! Йўқ!
Наволарга сизмас саркаш туйгулар.
Онанг боққанини кўшишқа солмоқ —
Онангни мақтамоқ эриш туюлар.

Умрим ўттар. Кўн ва Туннинг ораси —
Сенинг шипалогинг... Сенинг кўчогинг.
Онажон, сен менинг кўзим қораси,
Онажон, ўзингга келар ўхшагим.

Иилатаётмирмиз тошини, темирни,
Иморатинг — тошдан, кўзинг — темир.
Тўтроқдан ийланган гўзал умрнинг
Ҳақиқий онаси эрур фақат Ер.


Тошида одам турқи, темирда — забон
Вақтининг хукми билан бари емирилар.
Манов гул дунё ҳам қолмайди омон,
Юмиамаса азар қалби темирлар.

ҚРИМ СЎҚМОҚЛАРИ (Туркум)

«Лўлилар кўчиб кетди Боқмасаройдан» —
Соз-суҳбатсиз қолди пинҳон булогим.
Туманли сўқмоққа термулиб қарайман.
Туманли тақдирнинг йўқдир туроғи.

Сел-ёмғир юваёттир қадам изларинг,
Сел-ёмғир ўчирмоқчи ёдимда не бор —
Оҳ, Қора денгиз каби теран кўзларинг!
Қизил, ям-яшил чодир. Кишигаган отлар...

Отлар депсинадилар... Тошдан ўт сочар,
Тошларга изи тўшмас яланг оёқнинг...



Лўлиларнинг галаси қайга ошиқар?!
Лўлилар, ахир, ўтроқ эли қабғининг?

Саволга жавоб йўқдир. Қоф тоғларининг
Чўнг хайбат, савлати, қояси — тик жар.
Тошида сийнанг сийланган кўчогларининг,
Яланг оёқларининг илқилиги бор...

Асрийлик ва нозикликнинг бу даргоҳида
Аёзга, офтобга эътибор бердим мен.
Апрелнинг эркалашин шунчалар соғинган
Қизил лолаларнинг яноғида
табассум яшинаб,
Қора қояларнинг ийглаб турганини
кўрдим мен.

Энг қадимги Алан иморатларин
Минг йиллик томири мармар тошлардан.
Толстовдан мангит кўнғиротларин
Ўтмишин сўроқлай бошладим,
Тўтиё айладим «Жуҳут қалъа»ни:
«Дарагини айтинг етти бобомнинг!»
Тил-забонсиз қаққайган Қирқ ўр



қоятошларнинг
ўнгирларида
аён бўлди етти бобомнинг руҳи —
қалбим қалтиради.
Етти қават ернинг остидан зилзиладай
ингрнади
Қарайим осмонининг момақалдироғи.

* * *

—Асрларга эргашар, асрларнинг карвони,
Замонларга эргашар замонларнинг даврони,
Боқчасарой тахтида тожи давлат қолмади,
Нега адо бўлмайди кўздан шашиқатор ёшлар?!

—Дард деганнинг қилмиши инсонга парво қилмас,
Ғам-андуҳнинг оташи, замонга парво қилмас,
Бу дунёнинг минг иши ёлгонга парво қилмас,
Шунга адо бўлмайди кўздан шашиқатор ёшлар...

* * *

Кўзимдан тўқилманг, кўзим ёшлари...
Суюнган тоғимнинг тоши тегди деб.
«Есердан эр чиқар» — Эл болалари
юртининг таёғин ейди кўп.

Муштлишиб эр етар элининг есири,
Аламлар тилгайди юрагин, қалбин.
«Шойирлар—тебранган телба»си бўлар
Ҳам йиглаб, ҳам қулиб қуйлаган халқин.

Кўзимдан тўқилманг, кўзим ёшлари...
Тош билан урганни тош билан урмоқ...»
Йўқ...йўқ...
Телбаликни кўй энди, қалбим.
Ҳам йиглаб, ҳам қулиб
Бир қўшиқ битиб,
Суюнган тоғинга алвидо айтгил...

«Есердан эр чиқар». Элининг тентаги
тоғлар тоши тегиб айланар тизга.
Тош билан урганни ош билан сийлаб,
Парвона бўлади сон неча мингга.

Кўзимдан тўқилманг, кўзим ёшлари...

Шашир ўткирлашар қайралган сайин.
Таёғини кўп еган муштлишгич келар.
Манкорлик, манманликдан қочиб, атайин
Адолат тоғига адл суянар.

Хайр энди, тошини менга отганлар.
Алвидо, алданган гўдак ишончим...
Бугун асов қалбим ғамга ботганда
Тоғ ким у дала ким—барин тўшурдим...

Далаларга кетдим... «Алвидо тошлар...
Гўдак умидларим — алдамчи тилак.
Ўзимда қолинглар, ачиқ кўз ёшлар,
Ўзимда қолинглар, иссиқ кўз ёшлар.
Бевафо ишончим, хайф сизга юрак.

Кўзимдан тўқилманг, кўзим ёшлари...

УКУЗДАРЁ БИТИКЛАРИ

«Той-қулундай тепшиган
Талишиб эммак эмишган...»
Нух пайгамбардан қолган юрт,
Етти иқлимни олган юрт —

Укуздарё қиргоғида
«Етти қароқчи»дай ёнган юрт,
огзи бир-алтов, тўрттов-туғал:
олти ога, тўрт ичи,
«Қутадагу биллик» кўнган юрт.

Шарқ томони Тинч уммон,
Ғарб, Жануб — олам жаҳон,
Осиё бу тегирмон,
Эдилда ун тортган юрт.

Ота ерининг тойлари
Депсиниб ойга кишинаган,
Уртида қумуш сувлиқни
Юлдузим деб тишлаган.
Нух пайгамбар чўлиги
Улуғ Турк отга минган юрт.

Қорда тугилган қора қулни
қора айғир бўлиб иргиса,
Қирқ йигит қорда қора бўлиб,
қиз сочидай қоп-қора
қуйруқ-ёлли бир қучоқ
Туг кўтариб чопган юрт...

ОҚ БАЙТАЛ

Дупур... дупур... — дупурлар...
Бойловдаги оқ байтал,
Ойдин тўнда дириллар,

Ойга қараб кишинайди,
Дардин уқар банда йўқ —
Илқичи тушунмайди.

Тўқилган думи-ёли,
Айғирдай қора булутлар
қутуриб иргимайди...

темирдай курак тишлар
гижирлайди... бўзтўрғай
чақирар оқбайтални.

* * *

Ёлғизман, ёлғизман чўлу саҳрода,
Кўза-кўза шароб кўнглим юпатмас,
Ўзимни тоширдим Ҳаққа—Худога,
Елкамда иккита зилдай-зилдай тош.

Бирови қора тош — тундай қоп-қора,
Бирови оптоқ тош — тунлар илйиди.
Осмонга, осмонга — юлдузларга қараб,
Юрагимда-бўрилар,
Бўрилар улийди!..

ОРЗУНИНГ УШАЛИШИ

Чўллар кўзгалади, кўллар кўзгалади,
Осмонни соғинган қушлар кўзгалади,
«Толмас шунзорим» деб — Гуллар кўзгалади;
Менинг армонларим —
Осмон армонларим.

Тоғлар кўзгалади, тоғлар кўзгалади,
Дардим юрагимда ёнган кўз қолади.
Бир умр от бўлган тойлар кўзгалади,
Менинг армонларим — Достон армонларим.


Дарбанд кўзгалади, йўллар кўзгалади,
Қалам, бел ушлаган кўллар кўзгалади,
Ухлаб ётган Қоблан-уллар кўзгалади,
Ойй-ёв, армонларим-тошқин
Армонларим...

Чинлар кўзгалади, сувлар кўзгалади,
Бобом асраб келган туғлар кўзгалади,
Ота юртим, сенда Баҳор-ёз бўлади,
Достон-армонларим, Осмон-армонларим.

* * *

«Қир бошини қор олар,
Хон бошини хон олар».
Рухлари қул бандалар,
Бўйини синиқ, ҳам бўлар.

«Қир бошини қор олар,
Хон бошини хон олар».



Оч қолса эланмайди,
Бирова тиланмайди.
Асли асилзодалар.

«Қир бошини қор олар,
Хон бошини хон олар».
Асл қушининг боласин
Парвози баланд бўлар,
Қанооти тоълмас бўлар.

«Қир бошини қор олар,
Хон бошини хон олар».
Палағи наст йиғитлар
Маккор бўлар, шум бўлар...
Қорни тўйса қул бўлар.

«Қир бошини қор олар,
Хон бошини хон олар».
Зоти асил йиғитлар
Юлдузи мўл Тун бўлар,
Булути йўқ қул бўлар.

Икки елкадаги икки фаришта
Гуноҳ-савобимни эзиб ўлгурмас.
Кўнглим муддаосин оппоқ қозғозга
Менинг ўзим каби ҳеч ким битолмас.

Тошдай гадир-будир шеърларим учун
Мен ҳали Аллоҳга жавоб берурман.
Кимларни йиғлатдим, кимга жабр этдим?!
Қабрга гуноҳим бирла кетурман.

Дўстимиз деб онт ичган ўмровли беклар
Ташлаб кетди мени чўлдаги чоҳга —
Қандай унутарман —
Мен ҳам бандаман
Ҳақ олдим бўйинимга тушган гуноҳга.

Тонгдан изладим мен сени, Тангрим...
Сентябрдай салқин булоқ кўзлари.
Яшира олмабди кўчкани, оқма кум
Яланг оёгининг изларин...

Тақаси темирдан отлар тўғи,
Синдириб кетибди қайр оғочини,

Бир билак тўлишган қамиш қиёғи
Яшира олмабди уч төл сочини...

Мунгли бир челагинг сувнинг ичинда,
Бир челагинг ўқсир кумга кўмилган.
Тишимни тишимга кўйдим...
Тушундим:
«Ўшамиз мазмунини умрининг?!»

Кўёшининг остидан кўтарилди чанг,
Отларнинг излари — кўёшига етган.
«Отадирган бўлсанг, поклашиб от, тонг!»
Дебон мен дарвишлар йўлидан кетдим.

Билиб-билмай қилган гуноҳларим бор,
Кўнглим гоҳо тўлин, гоҳида ярим.
Бир ёғим боғ-бўстон, бир ёғим тик жар,
Менга ёр бўлгайсан, Парвардигорим.

Гоҳ гулзор, гоҳида сирпанчиқ йўлим,
Фаришта эмасман, лекин бор орим.
Гоҳо қалтиради довулда кўлим...
Кечир, меҳри чексиз Парвардигорим.

Кўмларнинг устига сўқмоғим тўшиди,
Кўммоқчи бўлдилар Иблис алайҳилана.
Кўноннинг шайтидан юлдузлар ўчди
ва тошлар отилди кўкдаги ойга.

Соқоли белига тушган бир қарри
Тоннинг этагида саксовул ёқди.
Бўри боласининг қорнини ёриб,
Ловуллаган гулхан ичига отди.

Менга ёр бўлгайсан, Парвардигорим,
... Чирллаб йиғларди бола бўлтириқ.
Тўқсонни қоралаб қолган бу қарри
Тинди норастани ўлдириб...

Минг қатла шукрона айтаман, Тангрим,
Чеккан полаларим етганлигига,
Гоҳ қулаб, гоҳ туриб интилган умрим,
Тўрт фасл ичидан ўтганлигига.

Минг қатла шукрона айтаман, Тангрим!

Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар...
Менда энг Буюк зот, энг Буюк бахт бор.
Этиқларим эски, ямогим тоза.
Олис юлдузлардан келади садо:
«Қалбининг тўрида бир олтин тахт бор».

Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар...
Менда қисқа умр ва қисқа вақт бор.
Ҳар босган қадамим — тош йўл, темир йўл,
Гулга бурканган йўл, гоҳо кўмир йўл.
Минг шукр, бандага аталган бахт бор...

Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар...
Қалбимда қора йўқ, қалбимда оқ бор.
Оқ қозғоз-саждагоҳ, қўшигим юрак.
Бундан ортиқ дунё менга не керак —
«Анал ҳақ!»
Биродар, кўнглимда Ҳақ бор.

Аллоҳу Акбар, Аллоҳу Акбар...

ИНСОН

Сенинг табиатинг жумбоқдир, Инсон,
Оламда не бўлса зуваланда жам,
Барча табиий фанлар хоҳаси зотан
Жисмингда, жонингда эрур муҷассам.

Терингнинг остида яшар ашаддий
Маҳлуқлар оламин бош перментлари.
Улуғ Менделеев даврий жадавалин
Реакцион кимёвий элементлари.

Жисмингда ўт ва нур, антиқа ток бор,
Тортилиш кучлари, магнит майдони.
Юрагингда — сирли Галактикалар,
Фаришта ва иблис учар айланиб.

Тангрим яратганда тўпроқдан сени
Нақд қирқ йил ёмғирда ийлаб, тиширган.
Роса бир кам қирқ йил кўйиб ғам селин,
Сўнгра бир йил шодлик нурин туширган.

Шунинг учун ёвузликка мойилсан,
Гуноҳ ишга бошлар қадаминг, йўлинг.
Шайтоннинг шаҳрига кириб, кейин сен
Фаришта булоғида ювасан кўлинг.

Нурга қолдирмайсан юракда ўрин,
Ўзингни шох билиб, ўзни йўлайсан,
Асло узолмайсан Иблисининг тўртин,
Қобилдек Ҳобилини қонга булайсан.

Нафсинг аждаҳоси катта оғизлик,
Кўксингда юрагинг қаттиқдир тошдан.
Илондан илонга етмас ёвузлик —
Ким бўлдинг Юсуфни қудуққа тайлаб?!

Айланиб Азозил кўеирчоғига,
Тоғ каймоқ, мол-давлат ўймоқ истайсан.
Фанимни дўст тутиб, отажонингни —
Мирзо Улуғбекдан сўймоқ истайсан.

Бу ахир ўтмиши-ку деб ўзимизни
Юпатмоқ бўламиз, ўзни алдаймиз.
Минг йил йиринг босган қалб кўзимизни
Тарих суви билан юва олмаймиз.

Мардлик нишони бор олтин тарихда —
кутуллик қулликдан, қор-ёмғирлардан.
Истибдод тўнидан чиқдик ёруққа,
Озод бўлдик совет фиръавинлардан.

Инсон, сен шукрона қилмайсан, бироқ
Ор-номус виждонни, эркин сотасан.
Ҳали нафсага қулсан, сен кесик қулоқ,
Мардларнинг бошига тошлар отасан...

Тўйиб еб бўлган бу юртнинг паловин,
Кўзингни ёғ босиб, ошқинлаб кетдинг,
Кўтариб террорнинг қора яловин
Мўмин-муслимларнинг бошига етдинг.

...Элу юрт тилади Тангри Таолодан:
«Туғилсин илоҳий бир фарзандимиз...»
Халққа мўжда келди Арши Аълодан —
Соғ бўлсин юртпарвар Президентимиз.

Одам Ота — Оллоҳнинг эрка бандаси.
Ҳақ бизга ўзгача меҳр қаратган.
Эгам бизни севар, бунинг белгиси —
Одамни ўзига менгаб яратган.

Ўқ отиши, портлатиши — одам ўлдирши...
Қул Инсон, дунёдан шуми умидинг?
Гар билсанг, одамга қараб ўқ узиши
Тангрига қариши ўқ узиши билан тенг.

Сенинг табиатинг жумбоқдир, Инсон,
Дунёда не бўлса зувалангда бор.
Қалбингдан Иблисининг лашкарин кўвсанг,
Кўёшдек нур сочар Меҳр бегубор!

* * *

Қирқ йил карвон тортдим олтин арчани,
Чўллардан тоғларга, тоғдан чўлларга.
Кўйи ўркачи қирқ нор юриб чарчади,
Харидор топмадим қирқ минг элларда.

Олтин арчани қирқ қайиққа ортдим,
Жаннат излаб туйдим чексиз уммонга.
Шамол тўрди, оппоқ елканлар тортдим,
«Беҳишт бизда», - деди сўтдай тўманлар.

Туманлар ичида қоялар кўрдим,
Қора қушлар кўрдим, оқ тўйиши бордир.
Сув париларидек сулувлар кўрдим,
Гулдан арқон эшар — жодуеи дордир.

Оқ туман ортида чақмоқ чақилди —
Қизил қилич ўйнаб тўрди елкамда.
Кўк булут даргазаб найзасин урди —
Дил қони сочарди оппоқ елканга.

Кўйи кўллаб эшакни эшаман: «Ё, Ҳақ!...»
Қирқ қайиқ қирқ тўйишан кўйишида — пардай.

Бошимдан муздай тер қуйилар бўлоқ,
Оқ урдим: «Яратган қуч-қувват бергай!»

Эшаклар кўл бўлди, кўлларим эшак,
Бағоят хатарли бўлди сафарим.
Қайиқ қобирасин чайнади тишлаб,
Ҳасаднинг одамхўр ақуллари.

«Букилмас ирода бер, - деб ёлбордим, -
Йўлга сол, ақлимдан озмасдан халак,
Мен ахир балонинг оғзига бордим,
қирқ қайиқни асра, қирқ чилтон малак!»

Кўк булут ёрилиб олтин нур тулиди —
Олтин қадаҳ тутган малаклар экан.
қирқ қултум тириклик шаробин ичдим,
Бу неъмат тақдирдан, фалакдан экан.

Оқ булутли баланд тоғдек нурафшон
Хизрга дуч келдим, етдим ниятга.
Тўрт тарафим қиладир чунон
қайта туғилгандек келдим ҳаётга.

Чатнаб синиб кетар улкан айсберглар.
Оқ тоғлар эҳтимол мазорим бўлмай
Ўйладим, мазормас бу кўринган ер,
Молимга харидор бозорим бўлмай.

Малаклар қаноти оқ елкан бўлди.
Шукур, умидимга элтиди сафарим.
Хизр кўлин очиб, дуолар қилди —
Менга ёр бўлгансан, Парвардигорим.

* * *

Бир юз бешига кирган момо кампирга,
Ақл тиши чиққан доно кампирга,
Чевара келини бир савол берди,
Чевараси бисёр эна кампирга.

— Моможон, дунёда ёрқин юлдуз ким?
Моможон, дунёда шодмон гул қиз ким?
Дейдилар дунёда муҳаббат бордир,
Муҳаббатда бахтли бўлган ул қиз ким?

— Йиғитлар кўз солса — шу қиз бахтлидир,
Юраги ёз бўлса — шу қиз бахтлидир!
«Бир олтин иморат қургаймиз», — дебон
Йиғит оғиз солса — шу қиз бахтлидир.

— Моможон, дунёдан кўнглим қолади,
Бир нарсани билмай, ичим ёнади.
Яшаган эканман бахтли қиз бўлиб,
Бахтиёр келинчақ қандай бўлади?

— Келинчақ-гул, кўёв-булбул бўлади,
Гулга булбул кўнса, кўнзил тўлади.
Келинчақ сочини силаса кўёв,
Шундай келинчакнинг бахти кулади.

— Моможон, шод бўлдим. Охири савол,
Ҳаётдан келтирдинг яна бир мисол.
Айтинг-чи, дунёда ҳаммадан сулув,
Ҳаммадан бахтиёр аёл қай аёл?



— Ҳаммадан, ҳаммадан, ҳаммадан афзал,
Кўёшдан, юлдуздан, ойдан ҳам гўзал,
Ҳаммадан бахтиёр, ҳаммадан сулув —
Боласин эмизиб ўтирган аёл!

Бир юз бешига кирган Момо — Онадай,
Ақл тиши чиққан доно — Онадай,
Эвара, чевара, дувара кўринг
Бир аср яшаган Она — момодай.

* * *

Чўлларга қарайман... Карвон кўринмас,
Тоғларга қарайман... Кўрғон кўринмас,
Ёлғиз дарвешдирман - армонларим эс,
Этик билан сув кечдим-оёғимда муз.

* * *

Уйингизда бир туп олма бор,
Уйимизда бир туп олма бор,
Икки уйнинг олмаларини
Оёқларин севган солма¹ бор.

Сизнинг уйда гуллайди олма,
Бизнинг уйда гуллайди олма.
Баҳор, ўтар, ёз ўтар-бир дам
Кўз келарин билмайди олма.

Яшил япроқ ётинар олма,
Меваларга мўл бўлар олма.
Солма тилин тушунмайди у,
«Олма бер!...» деб ялинар солма.

Ҳар тарафдан эсар шамоллар,
Олма бандин кесар шамоллар.
Икки ўйнинг оралигида
Япроқ - армон тушар Шамоллар.

**Қорақалпоқ тилидан
Рустам Мусурмон
таржималари**

Салма — ариқ



Нормурод НОРҚОБИЛОВ

Белбоз



Қисса

Отамурод тонги куёш нурига йўғрилган қишлоқда ўзига нисбатан туғилган адоватни ички бир туйғу билан қайта ҳис этаркан, унинг муқаррар оқибати эрмуш мавҳум хавфни қидиргандай, ёнбағирликнинг кунгай томонида пала-партиш сочилган қишлоқ уйларига, қуйидаги тезоқар сой ёқалаб чўзилган қуюқ ёнғоқзорга, чўққиси яккам-дуккам арчалар билан безалган қаршидаги баланд қояга ва кўкиштов ғубор оғушида сокин мудраётган тоғларга бир-бир боқаркан, маънос ва дилгир нигоҳи ҳовли этагидаги бостирмага ёндош тушган чоғроқ кулбада тўхталди. Кичкина деразаларига қизғиш парда тугилган ҳатто шу кулба ҳам ўзига таҳдидли тикилиб тургандек туюлди.

Бир қарашда теварак ғоят осойишта эди.

Қушлар чуғури, енгил эпкиндан силкинаётган япроқлар саси, пастдаги сойнинг бир маромда гувиллашига қоришиқ қишлоқнинг англрсиз шовури, булутсиз кўкда бемалол дайдиמוқ истагида тоғ чўққисига тирмашган офтоб нурининг аллаловчи тафти—бари соз ва ғоят ажойиб эди. Аммо бу фусункорлик қишлоқнинг қай бир буржида биқиниб ётган ўша номаълум хавф ҳализамон мазкур тароватга соя ташлайдигандек эди.

Кеча тушдан сўнг Зумрадни сой бўйида ҳоли учратгандаёқ бу ерда ортиқ ўраллашиши яхшиликка олиб бормаслигини пайқаб ултурганди. Кўзи ҳар дақиқда кийикдек лик сакраб қочмоққа шай турган жувонда экан, ўзига ўқдек қадалган нигоҳни сезмай қолмади. У беихтиёр ортига ўгириларкан, наридаги буталар орасидан адоватла тикилиб турган йигитчага кўзи тушди. Отамурод бошда ажабланди, сўнг уни жувоннинг хешларидан бири бўлса керак деб ўйлади. Кўнглида ёмонлик йўқлигини билдириб, хижолатомуз илжайди. Йигитчанинг эса бир туки қилт этмади. Бақадек қотиб тураверди. Кўзларини олиб қочмоқдан ўзга иложи йўқлигини англаган Отамурод жувон томонга қайриларкан, уни жойида топмади. Зумрад кумга сингандек ғойиб бўлганди. Аммо “кейин” дея шивирлаши қулоқлари остида қолганди. У жувонни қидириб, ёнғоқзор бағрига сингган сўқмоққа, юқорига ўрлаган тор йўлакка аланг-жалаңг боқаркан, тирик инсонга эмас, рўёга дуч келгандек ҳис қилди ўзини. Бу етмагандек, буталар орасидаги йигитча ҳам кўринмас, хилват бу гўшада ёлғиз ўзи қолганди.

Аламдан гудраниб сўкинди.

— Ёввойилар!

Ахир у айна шу дақиқани қанчалик интиқлик билан кутмади. Бир парча мактуб орқали билдирилган кўнгил изҳорига жавоб олмоқчи эди, холос. Мактубни шаҳардан атай келтирган совға-саломлари орасига қис-

тириб узатганди. Гапни узоқ-узоқлардан бошламай, ярали кўксимга тоғ чечагини тақмоқчиман, шунга сиз нима дейсиз, дея мақсадини очиқ баён этганди. Ва шундан бери жувоннинг оғзини пойлайди. Аксига олиб, у тутқич берай демасди. Ошиқманг, ошиқмай туринг, деганга ўхшаш сирли ва илтижولي қарашдан нарига ўтмасди.

У алами келиб, дуч келган тошлардан бирига чўқди. Тор йўлакдан ўзи томон энаётган жувоннинг отаси Сардор чолга кўзи тушди. Алами ғазабга айланди: “Булар ҳар бир қадамимни пойлашаяпти шекилли!”. Аммо бу нарса чолнинг ҳурматиға ўрнидан қўзғалмоғига монелик қилмади. Сардор чол, елкасида ўроқ, хушҳол кулимсиради.


— Қўйларга пича ўт ўрай деб тушувдим.

Отамурод жилмайган киши бўлди. Шу тобда кўнглига чироқ ёқса ёришмас, чолнинг қаршисига келиб чўққалашидан эса баттар гаши келди. Бироқ буни билдириб бўлмасди. Чол уй эгаси. Боз устига... Йўқ, қизимни узоққа бермайман деб турса, нима ҳам қиларди. Негаки, бу ер шаҳар эмас, тоғликларнинг эса ўз феъли, ўз тутуми бор. Айрим қарашлари-ку ҳеч бир ўлчамга сиғмайди.

Сардор чол йигитга синчков назар ташларкан, чўнтагидан носқовоғини қидира-қидира, негадир жўшиб оқайтган сойга бир муддат тикилиб қолди. Сўнг эса ўроқ сирти билан гарданини қашлай-қашлай, узундан узун бир ривоятни сўзламоқни бошлади.

Йигитнинг тушунгани шу бўлдики, бир замонлар бу қишлоқни ёв босибди. Қишлоқ эркаклари душман кўлига тушмаслиги учун бола-бақраю қиз-жувонларни кутуриб оқайтган мана шу сойга чўктириб, ўзлари тенгсиз жангда ҳалок бўлишган экан. У замонларда тоғда қор мўл, сойда сув сероб, томдай-томдай тошларни худди хасдай оқизиб кетаркан, ҳозир ҳам шиддати ёмон эмас, тушган одамнинг тирик қолиши гумон эмиш. Буни қарангки, қишлоқни ёв босганда, Худонинг каромати билан бир қизча-ю, бир ўғил бола дўлана тергани тоққа чиқиб кетишган экан. Улар кўни-кўнжини мевага тўлдириб қишлоққа қайтишса, ҳамма ёқ вайрон... Хуллас, қишлоқдаги кейинги авлод мана шу икки норасидадан тарқаган экан. Улар айиқни тоға, бўрини ака, охуни хола билиб улгайишган экан. Шунингчун бу қишлоқ йигитлариди айиқнинг ҳайбати, бўрининг важоҳати, қизларида эса охунинг ҳуркаклиги мавжуд экан. Аммо қизларининг гўзаллиги бошга битган бало, айрим пайтларда қонли мижароларга сабаб бўларкан.

Чол шуларни ҳикоя қиларкан, сўнг ўзини бу қишлоққа бегоналигини, аёли эса асли шу ерлик эканлигини қистириб ўтди. Йигитнинг ажабланиб қараб қўйга-



нини сезгач эса, кейинги жумлани шошқалоқ бир тарзда ифода этди:

— Лекин мен бу ерга хотин деб келмаганман. Тарихи узун бунинг...

Отамурод коса тагидаги нимкосани илғаса-да, бу билан нимага шаъма қиляясиз, деган маънода иддаоли қараш қилди. Бироқ Сардор чолнинг ўткир нигоҳига бардош беролмай, кўзларини олиб қочди. Сўнг ер остидан унинг елкасидаги ўроққа разм солди. Қизи ҳақида гап очсам, ўроғи билан тушириб қолса керак, деган ўйга борди. Шунда юраги тубидан қайсар бир туйғу бирдан бош кўтарди. Кўнглимга тушов солмоққа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Агар ошиқ кўнгилни англаёлмас эканлар, майли, айиқдайин гижимласинлар, бўридай гажи-синлар! Булар тоққа хўжайин, кўнглимга эмас!

У бу сафар чолга тик қаради. Бироқ энди чолнинг нигоҳи одатдагидек мулоийм тортган, мезбонлиги эсига тушгандай, одобла боқарди. Шунга қарамай, кўзлари тубидан ҳануз совуқ бир ифода аримаган, салгина ноҳўя сўздан бу нарса ададсиз қаҳрга айланиши мумкиндек эди.

Отамурод ҳовли ўртасида тик қотганча, тобора кўтарилаётган тонги офтоб нуридан фусункор тус олаётган тоғу тошларга дилгир назар ташларкан, ортидаги шарпани илғаса-да, қайрилмади. Қайрилмаса-да, нелигини яхши билади. Чол обдастани ҳозирламоқда, кампири эса у ҳозиргина тарк этган ўринни йиғиш билан банд. Ҳар сафар шу— уйғониб ташқарига чиқиши билан чол обдастага уннайди, кампири тўшагини йиғиштиришга тушади.

— Бетди чайинг, меҳмон.

Йигит юз-қўлини наридан-бери юваркан, орада ҳадикланиб чолнинг афтига боқди. Ундан адоват аломатларини қидирди. Йўқ, Сардор чолнинг қарашлари мулоийм, ҳатто бир қадар меҳрли эди. Бундан йигитнинг кўнгли андак таскин топиб, яна ҳовли этагидаги эшик-деразалари ёпиқ кулба томон қаради. Қизингиз кўринмайди, деб сўрагиси келди. Ботинмади. Ичи қизиб кетаётган эса-да, сўроёлмади. Биладики, ташрифи қишлоқ йигитларига малол келгандек, сўрови чолга ёқмайди. У кўп юримли одам сифатида кечаёқ шуни фаҳмлаб етгандики, бу қишлоқнинг йигитлари анча чатоқ. Улар боши очиқ аёли тугил, кўтир итига даҳл қилдирмайди.

Бу хил туйғу Отамуродга бегона эмасди.

Оқшомлардан бирида ўнг ён кўшниси, художўй бир кампир эркак зотидан нолиб қолди. Дедики, маҳаллада ҳақиқий эркак қолмади, агар бор бўлганида, маҳаллани наҳс бостириб, буйтиблар қараб ўтиришмасди. Отамурод маҳаллада янги эди. Кўпчиликни яхши танимасди. Аммо кампирнинг гапларини ўзига олди. Ёмғирли тунлардан бирида қаршидаги тул аёлнинг дарвозасига тиргалган нотаниш кимсанинг йўлига кўндаланг бўлди. Буниси, эшигини оч, дея хиралик қиларди. Униси ё ноз қиларди, ё аразли эди. Ҳар ҳолда эшик очмай, кетинглаб турарди. Аммо буниси ўзига етганча сур экан, кетишни хаёлига келтирмасди. “Кетинг кўп куявермасин, — деди Отамуродга иршайиб. — Келиша олсак, икковимизга ҳам етади. Ё сенга бошқача ваъда берганми у?” Йигит юрагида тугилган нафратни сўзда ифода этиб беролмади. Зеро, бундай онларда сўз ожизлик қилади. Натижада, у бор ғазабини муштумига жамлади... Эртасига эса бу воқеа маҳаллада роса гап бўлди. Отамурод аёл таллашиб уришганга чиқди.

Ўшанда нимани таллашиб ёқалашганини Отамурод ҳануз тузук йдрок этолмайди. Чинданам нимани ҳимоя қилди у — маҳалланинг шаъниними ё аёлнинг қадриними? Бу ҳақда бош қотиришни кўлда истамаса-да, тубан ва жирканч нарсага қарши чиққанини яхши фаҳмлайди.

У қўлидаги намиққан сочиқни сим дорга ташлаб, ортига ўтириларкан, чоғроқ супачадаги тузалган дастурхонни кўриб, ичидан зил кетди. Чойни ичиб, жилмоғи шарт. Ортиқ судралиши яхши эмас. Унинг эса ҳеч кетгиси йўқ эди. Умрида илк бор тузалган дастурхон кўзига ёмон, жуда ёмон кўриниб кетди.

* * *

Сардор чол дастурхон теварагига истамайроқ чўккан йигитнинг авзойини зимдан кузатаркан, ичдан унга раҳми келди. Аммо иложсиз эди. Негаки, ҳовлисида йигитнинг ортиқ даражада ўралашиши ўзининг ҳам шаънига яхши гап олиб келмайди. У буни кечаёқ сезган. Йигит, кетгиси келмай, атай машинасини чўқилаб ўтирганида, қайнисининг ўғли Акрам қора бошлиқ икки йигит ҳовлисига кириб келган.

— Меҳмонингизни мошинаси бузилиб қопти деб эшитдик, — дея Акрам қора чол билан қуюқ сўрашган.

— Темир чўқилиб юрган одамлармиз, ёрдамимиз тегиб қолар деб келавердик, — деган иккинчиси.

Учинчиси лом-мим демаган. Қалин қошлари остидан ўкрайиб қараб кўйиш билан чекланган.

Уч йигит ҳаш-паш дегунча машинани созлашган. Камерага ел бериб, атай узилган симларни улашган ва машина ўт олган.

— Энди сизга оқ йўл, меҳмон! — деган Акрам қора куракдек кафтини йигитга узатиб.

— Қичаб ҳайдасангиз, қоронғи тушмай давондан ўтиб олишингиз мумкин, — деган иккинчиси.

Учинчиси хўмрайиб қараб қўя қолган.

Аммо бу ҳол чолнинг ҳамиятига қаттиқ теккан. Ҳар ҳолда меҳмон уники. Бир қизини эплаб ҳимоя қилишга ҳали қуввати етади. Иккинчидан эса, меҳмон йигит ҳали бирон шубҳали хатти-ҳаракатга йўл кўйганича йўқ. Шунингчун давон йўлининг нобоплигини баҳона қилиб, йигитнинг кетмоғига изн бермади.

— Бугун кеч, эртан йўлга чиқарсиз, — деди.

— Унда меҳмонни биздикига оп ўтинг, почча, кўзи сўйганман, — деди Акрам қора ўлганининг кунидан илжайиб.

— Баҳонада гурунглашиб ўтирамыз, — деди иккинчиси.

Учинчисининг чехраси баттар тундлашди.

Йигитларнинг бемаврид кўмагидан ичдан энсаси қотган Отамурод чолнинг гапидан сўнг тезгина моторни ўчиради. Одоб юзасидан йигитларга раҳмат айтган бўлади. Чол эса мийиғида жилмаяди: “Кўмак баҳонасида сени қишлоқдан ҳайдамоқчи эди, нодон! Булар келдими, демак, қишлоққа ёмон бир гап ўрлаган. Ҳай, омон бўлсак, не гаплигини билиб олармиз”.

Отамурод яна бир тун қолишидан, Сардор чол эса йигитларнинг ташрифидан мамнун эди. Демак, ҳали орият бутун, бу йигитлар қишлоққа бегонани оралатиб қўймайди. Айниқса, Акрам қора бобоси Абдурахмон чавандозга жуда тортибди. Тили ширин, боқушлари салобатли. Унга қолса, меҳмонни уйига олиб кетса-ю, эрталлаб ўзи кузатиб қўя қолса. Бироқ бу қилиғи ўз қадрини билган одамга сира тўғри келмайди. Чол тутоқиб, бир меҳмонни кузатмоққа чоғи келмайди деб ўйлайсанми, нима, ўладиган жойдаманми, деб бақириб бермоқчи ҳам бўлди-ю, бир амаллаб ўзини босди. Ҳар ҳолда Акрам қорани койиб бўлмайди. Бобоси олдида қарздор. Эсласа, ёмон туш кўргандай, ҳануз эти сесканади.

Ўшанда милтиқ қақилмаганди. Тепкини кўтариб, уч бор босса-да, милтиғи отилмаган. Ўқини алмаштири-

ганда эса, бошига тушган соядан бир зумга чалғиган. Тепасида хотиржам турган ҳайбатли кимсани ёқтирмай қараган. Бу одамларга нима бўлган ўзи, ҳатто тинчгина ўлишингга ҳам қўймайди-я, деб ўйлаган. Нотаниш кимса қўлидаги яроғини тортиб олиб қўядигандек, уни бағрига босган. Кимса эса пинак бузмаган, наридаги тубсиз жарга ишора қилиб деган:

— Жонингда қасдинг бор экан, буйтиблар куйманмай, анову жардан сакраб қўя қол! Этинг суягингга араллашиб, осонгина жон берасан!

Сардор милтигини маҳкам бағрига босганча тураверган. Нима ҳам десин. Кимса эса қўлидаги буклогли қамчи дастаси билан иягини қашлай-қашлай, унга бошдан-оёқ разм соларкан, шафқатдан йироқ оҳангга сўраган:

— Бошингга на мусибат тушдики, буйтиблар овлоқ жойда ўлмоқ истаб қопсан?

— Шу... одамзоддан кўнгил қолган, амаки!

— Чатоқ! — Кимса бош чайқайди, лекин ҳаракатида ачиниш сезилмайди. — Бу ишга аёл киши аралашганми дейман?

Сардор жавобдан қочиб, ерга боқади.

Кимса ортиқча ижакилашни бас қилиб, теваракка хаёлча термулади. Сўнг йигит эсига тушиб қолгандай, унга ўгирилади.

— Унда бундай қилсак, — дейди гавдасига мос йўғон ва салобатли овозда. — Шу бугунча меникида меҳмон бўсанг. Сал тафтинг босилармиди дейман-да. Агар жудаям ўлгинг келаётган бўлса ва бунга қасам ичган бўлсанг, эртан ҳам улгурасан бу ишга. Бугунча шу ишни қимай турсанг девдим. Нима дейсан?

Сардор, калака қилмаяптими, деган ўйда сергак боқади. Йўқ, у жиддий эди.

— Йўқ, мен шу ерда қоламан, — дейди сўнг қайсарлик билан.

— Йўқ, қомайсан!

— Ҳоли қўйсангиз яхши бўлармиди дейман-да.

— Ҳоли қўйиш йўқ-да.

— Худди товди хўжайинидай муомила қиласиз-а одамга.

— Ўзиям шу-да, — Кимсанинг гап оҳанги янада ўқтамлашади. — Бу товнинг хўжайини мен бўламан! Анови қор босган чўққилар ҳам менга қарашли. Ишқилиб, кўзинг нимаики илгаса, бари меники. Ўлмоқни эвини қилолмадингми, измдан юрасан-да, энди. Аммо лекин дунёдаги ҳеч бир иш ўлмоққа арзимайди. Мабодо одам ўлдириб қочиб-почиб юрган бўсанг, ҳукуматга ўзим обориб топшираман сени!

— Ўлдирмоқчи эдим, ўлдиролмадим!

— Унда ўзингниям ўлдирма!

— Кўксим куйиб кетаяпти-да!

— Ғамга теринг юпқалик қипти-да.

— Одам боласини кўрарга кўзим йўғу, сиз ғам дейсиз!

— Унда дардинг оғир экан. — Кимса хўрсинган бўлади.

— Мен жийдалиқ Абдурахмон чавандоз бўламан. Эшитган чиқарсан? Айтганча, ўзинг қайси қишлоқдансан?

— Беватанман! Қишлоғим бор эди, энди йўқ.

— Нима, кўчки тагида қолдим қишлоғинг?

— Ундан баттари.

— Чинданам ғаминг қаттиқ экан. Тур, кетдик!

Унга қандай эргашди, ўзиям билмайди. Абдурахмон чавандоз не воқеа юз берганини ортиқ суриштирмади. Дарвоқе, сўраган тақдирда, айтишга тили ҳам бормасди.

Ўша тунда юз берган воқеа хотирасида абадий сақланиб қолган. Эласа, ҳозир ҳам юраги симиллаб кетди. Икки гуноҳкор банданинг қилмишидан лол туриб қоларкан, жигарим дегани кўзига чўп суққанига ҳеч ишонгиси келмади. Отмоқ истаб қўлига яроқ тутганда эса, улар қочиб бўлишганди.

Сардорга ҳодисадан кўра, моҳияти кўпроқ таъсир қилади. Аёлига ишонарди, еру кўкка ишонмасди уни. Тоғасининг ўғли эса ука ўрнидаги одам эди. Ота-онасидан эрта етим қолиб, тоғасининг қўлида ўсгани боис, унинг болаларини “укам” дерди. Унга яқинлари — “ука”-си ва аёли хиёнат қилганди. Яқинларинг хиёнат қилди-ми, бу дунёда яшашдан маъни йўқ, дея бир ўқ билан кўнгил азобига чек қўймоқчи эди, яроғи панд берди. Худди осмондан тушгандай қаршисида Абдурахмон чавандоз пайдо бўлди. Бундан чиқди, бу дунёдан ҳали насибаси узилмаган экан.

— Шундай деб беватанман де? — дея сўради йўлда Абдурахмон чавандоз шунчаки.

— Ҳа, беватанман, — дейди Сардор алам тўла оҳангга. — Аввалига улоқмоқчи эдим. Жондорга кўшилиб, айиққа ошна тутинмоқчи эдим. Бўмай кетди-да, кейин...

— Жондорлар сени қабул қимайди, — Абдурахмон чавандоз чўрт кесади. — Айиқлар эса сенга ўхшаганлардан ор қилади.

— Ҳали ҳайвондан харобсанг денг?

— Осмондан келаяпсан! — Абдурахмон чавандоз истеҳзоли жилмаяди. — Одам бўлганим учун жониворлардан пешман деб юрибсанми? Улар ҳақида фикринг кемтик экан.

— Мендан не ўтди, сиз билмайсиз-ку.

— Айтмасанг, қаердан билай.

— Айтгиллиги йўқ-да!

— Унда айтма.

Абдурахмон чавандоз не воқеа юз берганини кейинчалик ҳам суриштирмади. Бу ҳақда ўзи ҳам бировга тиш ёрмади. Бу ҳодиса юраги тубида қолди. Оғриғи, азоби, мудҳиш хотираси қолди.

Агар Отамурод шунчаки гурунг учунгина гап қўшмаганида, Сардор чол ҳаливери хотиралар гирдобидан чиқолмасди. Шунингчун йигитнинг гапини бошда англамади.


— Нонларингиз ширин экан, — дея қайта таъкидлади йигит.

— Ҳа-а, — деди чол хаёлини базўр жиловлаб. — Тегирмоннинг унида. Магазиндики бундай ширин чиқмайди.

У гап орасида йигитнинг кулба томон ўғринча қараб қўйганини сезди. Унга раҳми келди. Буйтиб қийналиб ўтирмай, қизимнинг қўлини ўзимдан сўраб қўя қолмайсанми, деган ўйга борди. Бироқ ичидагини тилига чиқаришни хаёлига келтирмади. Бу шунчаки ўй эди ва ҳар қандай ўй ҳам сўзда ўз ифодасини топавермайди...

* * *

Отамурод собиқ хотинидан кўп азоб тортган эсада, ҳануз севмоқ, унинг таъбири билан айтганда, бирор бир ожизага паноҳ бўлмоқ илинжида яшарди. Айрим оқшомлари шаҳарнинг шимолий қисмида қад ростлаган кўп қаватли уйлар томон йўрғалаб қолиши шундан эди. У қизғиш қоламали эшикни ҳаяжон ила аста қоқаркан, соғинч тўла нигоҳни кўрмоқ истайди. Афсуски, ҳар сафаргилек таъмагир кўзларга рўпарў келади. Эшик очган жувоннинг назари ўз-ўзидан унинг қўлидаги нарсаларга кетиб қолади. Бу ҳолат сониянинг юздан



бир улушида юз берса-да, Отамурод аёл нигоҳида ёлқинланган таъма учкунларини пайқамай қолмайди. Қалбидаги соғинч ҳислари ўрнини надомат эгаллаб улгурмай, жувон унинг бўйнига осилади. Соғингани ва севишини айтади. Бу гапларга йигитнинг жон-жон деб ишонгиси келса-да, жувон тимсолида қандайдир хатарни англагандай бўлаверади. Сўнг бу хонадонни кўнгли гаш ҳолда тарк этади. Қидирган нарсасини тополмай, бекорга овора бўлган кишидек ҳис этади ўзини. Олам кўзига кир кўришиб, бозор шовқин гашига тега бошлайди. Мижоз кутиб, майдонча четидаги чойхонада валақлашиб ўтирган шериклари даврасига бориб кўшилгиси келмайди. “Камаз” русумли машинаси кабинасини дидига мослаб жиҳозлаб олган эмасми, кабинага биқинганча, маҳзун хаёлга ботади.

Сардор чол қия очиқ кабина эшигини аста чертганда, у мискин ва тушқин кайфиятда мудраб ўтирарди.

Кузалган мошгуруч соқоли соғлом чехрасига гоят ярашиб тушган нотаниш бу чол бунгача чойхонадаги ҳайдовчилар билан бир-бир гаплашиб чиққан, аммо у айтган нархга ҳеч ким рози бўлмаган. Тоғ йўли оғир, овора бўлишга арзимайди.

Чол айтган манзилга Отамурод умрида бормаган эса-да, негандир дарров рози бўла қолди. Тезроқ йўлга тушса-ю, гала-говурга тўла бу бозордан узоқлашса.

Кўнгли шунини истади.

Чолнинг бир неча қопдан иборат юкини машинага ортиб, йўлга тушаркан, шаҳардан чиқаверишда барча қирақаш ҳайдовчиларга хос ўй миясини тирнаб ўтди: “Сал чўғи кам бўлди-ёв...” Бу ўй машина дастлабки қияликка тирмашгандаёқ, писанда йўсинда, сўзда ўз ифодасини топа қолди: “Йўлнинг бунақалигини билганимда, ўйлабгина келардим-а”. Аммо Сардор чол тўғри сўзга ўрганган одам, бу хил илмоқли гапларга парвоям қилмади. Жим кетишни ноқулай билиб, ўз ташвишларини баён этди. Бу йил мева-чева зўр бўлибди-ю, картошканинг мазаси қочибди. Бориниям тўнғизлар кавлаб ташлаётганмиш. Довонни қор босмасдан туриб рўзгор учун керакли нарсани гаплаб олиш керак эмиш...

Аммо чолнинг дарди йигитга ёт эди. Менга деса, ўша қишлоғингда бир умр қолиб кетмайсанми. Неча пуллик ишим бор бу билан менинг. Ундан кўра машинанинг кучанишига қаранг, зўриққанидан тўкилиб тушай десапти...

Йўл бўйи бинойидек сўзлашишган, бироқ бир-бирларининг дардига бутунлай бефарқ бу одамлар тушган машина қишлоқ четидаги ҳовлига гуриллаб кириб борганда, кун пешиндан оққанди. Ичдан тезроқ изига қайтмоққа ошиқиб турган йигит пешайвонли уйга қарама-қарши тушган кулбадан югуриб чиққан қизга кўзи тушди-ю, ҳамма нарсани унутди. Рул чамбарагини маҳкам тутганча бақадек қотиб қолди.

Ёқасига кашта чатилган қирмизи кўйлакли бу қиз оҳудек чаққон, қайрилма қошлари остидаги каттақон шаҳло кўзлари кишига шу қадар ишонч ва самимият билан боқардики, юрак ўз-ўзидан ҳапқириб кетарди.

Қўлоғи бозорнинг гала-говурига кўниккан, ҳар уч уйнинг бирида қўлбола дўкончаси бўлган, шом тушмай аёлидан тортиб эркакларигача кўчага чиқиб оладиган сершовқин маҳаллада яшаб келаётган йигитга овлоқ бир масканда шундай бир паривашни учратиш фақуллода ҳодисадек туюлди. Пешвоз чиққан қизнинг қарашларида, кўйингки, бутун вужудидан шундай бир самимият балқиб турардики, унинг қошида қусур хаёлларга бориш гуноҳдек эди. У табиатнинг ноёб бир чеча-

гидек кишини ўзига мафтун этаркан, кўнгилда беихтиёр унинг бўйидан тўйиниш, кўркидан баҳра олиш истаги туғиларди.

Аммо бу бир лаҳзалик ҳолат.

Довдирашдан базўр ўзига келган одам ичдан тошиб келаётган бу истакка йўл йўқлигини дарров фаҳмлайди.

Отамуродни эса қизнинг ҳусни-жамоли эмас, боқишларидаги сокинлик ва хокисорлик ўзига мафтун этганди. Негаки, ўзи яшайдиган маҳаллада уйлар зичдек, одамлар қанақадир жиззаки, нигоҳлари оғир ва меҳрсиз эди. Торлик ҳамма нарсанда—турмуш тарзидан тортиб, муомилаю муносабатда ҳам яққол акс этиб турарди. Тоғликларда эса бунинг акси—худди юксак тоғлардан улгу олгандек, уларнинг қарашларида ажиб бир улғуворлик мавжуд эди.

Одатда, Отамурод борган жойида ҳеч қачон узоқ қолмасди. Юкни туширарди-ю, дарҳол изига қайтарди. Бу сафар эса чолнинг биргина таклифиданоқ супа томон интилганини сезмай қолди. Бироқ чой устида бўлиб ўтган суҳбатда, чол шундай бир гап қилдики, йигитнинг назарида, олам хира торгандай туюлиб кетди.

У бамайлихотир гурунг бераётган уй эгасига бақрайиб боқаркан, унинг сўзлари ортиқ қўлоғига кирмас, тасавурида жонланган воқеа бутунлай хаёлини банд этиб қўйганди. Каклик овига чиққан куёв йигит, бостириб келаётган қор кўчкиси, чиллалик келиннинг долфарёди — барини аниқ-тиниқ кўраркан, қалбида рашка ўхшаш нимадир уйғонганини ҳис этди. Ўчоқ бошида қуймаланаётган қизга, яъниким жувонга гамгин қараш қилди.

Чолнинг кейинги гаплари ундаги қизганиш ҳиссини баттар кучайтирарди.

— Ўзиям ғайрати ичига сиғмаган йигит эди-да. Қишнинг чилласи демаган, чимилдиқда ўтирган келинчагини ўйламаган... Шундан бери қизимиз бевалик азобини тортмоқда.

Уй эгаси бу гапларни нечун айтди? Қизига маҳлиё бўлганидан гаши келдими ё бошқа бирор сабаби бормиди? Қошларини чимириброқ сўзлашига қараганда ниманидир фаҳмлагандай эди.

Аслида йигит ўшандаёқ Сардор чолнинг кўнглига анча ўтиришганди. Йўлдаёқ Отамуроднинг қирриқлардан эмаслигини, ўз таъбири билан айтганда, тузуккина бола эканини пайқашга улгурганди. Бу хил йигитлар муҳит таъсирида салгина ўзгаргандек туюлса-да, лекин ҳамма эслигича қолаверади. Чол бунга бозор майдонидаёқ амин бўлган. Чойхона сўрисини тўлдириб ўтирган ҳайдовчилардан бири деганди: “Сиз айтган нархга бу ердагиларни кўзғотишингиз қийин. Лекин чеккада турган ҳув анову “Камаз”да биттаси бор. Фойда-зиён деб турмайди. Бизди гурунгни унча писанд қилмай, кабинасида газет ўқиб, шеғир ёдлаб ўтиради. Илтимос қилсангиз, йўқ демайди у».

Чол уни кабинада бутунлай тесқари, яъни эзгин ва мудроқ ҳолатда учратаркан, чўчиб, жавдираб боқишиданоқ тузук йигитлигини фаҳмлаганди. Йўлдаги илмоқли гаплари эса касб тақозоси юзасидан қилинган шунчаки инжиқлик эди. Одам боласи шу, қанчалик яхши бўлмасин, муҳитнинг таъсири қоқса енгил кетадиган гарддек барибир унга кўнган бўлади.

Асил эса гарддан айнинамайди.

Қизи ҳақидаги гапидан кўзланган мақсади эса, меҳмоннинг этини ўлдириш, қизига нисбатан қизиқишини сўндириш эди. Бунга ҳов бирда уйига бир тун меҳмон бўлиб кетган овчи йигит сабаб бўлганди. Қизига беихти-

ёр ошиқ бўлиб қолган овчи йигит ҳе йўқ- бе йўқ, эртаси куниеқ совчи юборганди. Аммо қиз деб ўйлаганлари эр кўрган жувон чиқиб қолгач, шўрлик совчилар шу қадар ноқулай аҳволга тушишгандики, эсласа, ҳануз чолнинг етмиш етти томири тортишади.

Ўшанда жувон ҳақидаги ҳақиқатни билгач, Отамурод андак маъюсланган. Йўлдаёқ унутиб юборсам керак деб ўйлаган. Йўқ, бунинг акси бўлган. Жувоннинг ёш қизалоқларникидай беғубор боқишлари йўл бўйи уни тарк этмаган. Симёғочлардаги яккам-дуккам чироқлар нуридан хира ёришган маҳалласига кириб келаркан, қулогига чалингани кўшни хотинларнинг даҳанаки жанги бўлган. Шунда ҳаёлини бутунлай банд этиб қўйган жувонни сершовқин бу маҳалладан қизганган. Булоқ сувидек тиниқ нарса экан, бу бўтанага аралашиб кета олармикан, деб ўйлаган. Сўнг бу ўхшатиши ўзига эриш туюлиб, ҳовлисига кирган, бу ердан кўчиб кетмоқ керак, деган ҳаёлга борган. Илгари ҳам бу ҳақда ўйлаган, лекин ҳозиргидек қатъий эмасди. Ичкарига кирган ерда, бостирма тагидаги капалакнусха қурилма ёнида тўхтаган. Унда тоғ томонга учмоқни истаган ва шундагина жувонни севиб қолганини англаган.

Кўкка парвоз этиш унинг учун шунчаки орзу эмас, азалий иштиёқ эди.

Токи инсон тирик экан, орзулари йўлида, ундан бирор наф етиш-етмаслигидан қатъи назар, ҳамиша ҳаракату изланишда бўлмоғи лозим. Бу унинг, негадир ўзгаларнинг ғашини келтирадиган, фикрларидан бири эди. Ҳаёлидаги тасаввур аниқ ҳисоб-китоблар асосида тикланаётган капалакнусха қурилмаси эса, шу каби фикрларнинг амалдаги ифодаси эди. Таниш-билишлари эса унинг бу уринишлари устидан қулишгани қулишган, дейдиларки: "Ҳай, бу зорманданга бир марта учдинг ҳам дейлик, кейин нима қиласан буни? Ё кейин кўргазмага қўйиб қўясанми?" Айни шу "кейин"и Отамуродни мутлақо қизиқтирмасди. Кўнгли парвоз истарди, тамом-вассалом. Бироқ бу истагини тушунадиганлар йўқ, масхараловчилар эса хоҳлаганча топиларди.

Аёлига талоқ айтarkan, уйдан ўзи билан олиб кетган бирдан-бир нарсаи мана шу капалакнусха машинаси бўлган. Ва шу кўннинг эртаси орзусига етишмоғига саноқли сониялар қолганди. Афсуски, "машина" гилдираклари бедапоядаги чуқурга тушиб, қанотларини синдириб олган. Бир ҳисобда бу яхши бўлган экан. Негаки, ўшанда юраги тўла алам эди. Осмону фалакка кўтарилиб, сўнг ер-парчин бўлмоқчи эди. Чунки аёли уйдан чиқиб кетишга мажбур қилгани етмаганидек, мактабига келиб роса тўполон кўтарган, ўқувчилари ҳузурда шарманда-ю шармисор қилиб кетганди-да.

Ўша кеч айнадан бери яқинига йўламай қўйган қурилма теварагида ўралашаркан, тоққа парвоз қилиш истагидан ўртанарди. Ақли-ҳушини ўғирлаб қўйган тоғлик жувон қошига қанот чиқариб учгиси келарди. Ўткир чироқ нурида машинани тузатиш билан банд бўларкан, қаршидаги дарвозага келиб сўйналган кимсани пайқамай қолмади. Тор кўча хиёнат эшигининг аста очилиб, секин эпилганини ўзгала қулогидан яширолмади.

Салдан сўнг жойи алмашган қизалоқнинг уйқусираб йиғлагани эшитилди...

* * *

— Маҳаллани наҳс бостирдинг, ё кўчиб кет, ё ҳаммани ўзингга илакиштиравермай, бирини танда!

Ўша ёмғирли тундаги муштлашувнинг гувоҳи бўлган кўшни аёл кўрқувдан рангги ўчиб, унга тикиларкан,

Отамуроднинг пўписа қилмаётганини англади. Бир ҳаёли, ишонган қуроли—шаллақилигини ишга солмоқчи бўлди. Аммо йигитнинг авзойидан ҳайиқди. Қизиқ, жувон шармандалиқдан эмас, инсондан чўчиди. Шу пайтгача эркаклар унинг учун бир пул эди. Қош-кўзини сузиб, мана-ман деганини ўз ноғорасида ўйната оларди.

Буниси эса ҳеч эвриладиган эмасди.

У йигитни кўчиб келган куниеқ кўз остига олганди. Бир-икки ишва қилиб ҳам кўрганди. Бироқ янги кўшни жуда жиддий чиқиб қолди. Жувонни таажжублантирган нарса, ўзи аллақачон кўникиб улгурган иллатга ўзга нигоҳ билан қараш мумкинлиги эди. Маҳалла эркакларининг биронтаси бу ишидан жирканмасди. Қайтамга, кўнглини овлаб, бир тун қўйнида ётиш пайида бўлишарди. Бу эса йўқ ердаги шартлар билан бошини қотирмоқда. Ё сен кет эмиш, ё мен. Кетсанг кетавермайсанми!

Жувон қаршисида ғазабнак турган йигитга бошдан-оёқ тикиларкан, шу дамгача ҳеч панд бермаган маккорлигини қўллаб кўрмоқчи бўлди.

— Акам бўлинг! — деди кўзига ёш олиб. — Ҳимоя қилинг мени!

Бироқ йигитнинг кўнгли юмшади. Кўзи аёлнинг этагидан тутиб турган қизалоқда эди.

— Норасиданинг олдида шу ишни қилгани уялмайсанми! — деди оғир нигоҳини қайта аёлга қадаб. — Уволку бу ахир!

Отамуроднинг ғазабланганича бор эди. Чунки ўзи шаҳарнинг шимолӣ қисмидаги кўп қаватли уйлاردан бирида турувчи жувоннинг хонадонида тунлари шунинг учун қолмасдики, аёлнинг кўзлари жавдираган ўғилчаси бор эди. "Бари никоҳдан кейин, — дерди ҳирсини қитиклаётган шайтоннинг измига бўйсинмасликка тиришиб. — Ҳалоллага нима етсин!" Бироқ бу масалада жувон ўктамроқ экан, бир сафар ўғилчасини онасиникига бериб юбориб, йигитнинг васлига етишмоққа эришганди. Йигит эса бу хил муносабатни ҳеч бир таъмасиз, соф муҳаббат туфайли юзага келишини истарди. Ҳар сафар аёлнинг жон олғувчи табассуми қаршисида ожиз қоларкан, ичида улкан кураш кетарди ва оқибат, ҳаммаша ақли голиб чиқарди. Иккинчидан, болаларни яхши кўргани учунми, бола феъли ҳам йўқ эмасди. Болага ўхшаб йўқ нарсалардан қувонар, шунингдек, тезда кўнгли ҳам қоларди. Норасида олдида гуноҳга йўл қўйишни кечирилмас ҳолат деб биларди. Кўшни жувонни шунинг учун ҳам жуда ёмон кўрарди.

Собиқ аёли унинг ана шу заиф томонини мўлжаллаб зарба берганди. Биладики, эри мактабни яхши кўради, болалар эса жони-дили. Судга қаноат қилмай, мактабда тўполон кўтариши шундан. Тўполондан сўнг Отамуродни мактабда ортиқ қолишга юзи чидамади. Оғайнисининг машинасини олиб, бозор майдонига чиқди. У бўлиб ўтган бу воқеалардан жуда қарахт эди. Қолган барча ҳаракатлари мана шу қарахтлик оғушида бўлгандек эди. Ва бор аламини янги нонхўрни унча ёқтирмай қаршилаган Ботир довонгдан олди. Энди у жилд кўтариб юрган кечаги муаллим эмасди. Бир кечада ҳамма нарсадан мосуво бўлган аламзада эди. Ўлар ҳўкиз болтадан қайтмас дегандек, Ботир довонг билан эркакчасига гаплашиб қўя қолди.

Аммо аёллар на собиқ хотини, на кўшни жувон билан бу хилда гаплашиб бўларди. Улар нафратдан бошқасига ярамасди. Бироқ йигитнинг нафрати баҳор ёмғиридай ўткинчи эди. Қанчалик кучайса, шунчалик тез тинарди. Кейин топган аёлини севмоқ истади. Ўзига кўрғон,



ўғилчасига ота бўлмоқни ўйлади. Шунда билдики, киши табиатида мавжуд одамийликни ҳеч бир нафрат маҳв этолмас экан. Одам боласи қандай тугилган бўлса, шундайлигича, яъни яхши ёки ёмонлигича қолавераркан.

— Чойдан ичинг, меҳмон!

Отамурод бошини кўтариб, қаршисидаги чолга қаради. Хаёлга ботганидан хижолат тортгандай, маҳзун жилмаяди. Эрталабдан бери қорасини кўрсатмаётган Зумрадни ўйлаб, умидсизликка тушаётганини ҳис этаркан, қизнинг кўнглини сўрамай, тўғридан-тўғри совчи юборган ёшлик кезларини эслади. Кейин хотини кўп бор юзига солган, сизга сўйиб тегмаганман, отам мажбурлаб берган, деб. Худди шу нарса сабабми ё жувонда қандайдир бир сир борми, аввало унинг кўнглини овлашни ўйларди. Агар у ризолик берса, чолнинг оёғига бош уришга ҳам тайёр эди.

Аммо бу кечаги орзу эди. Жувон "кейин" дея умидлантирувчи алланимага шаъма қилгандай эди. Бугун эса гўё қочиб кетгандай, ҳануз қорасини кўрсатмаётган эди. Айтишларича, бу қишлоқ қизлари йигит томонни ёқтирмаса, ортиқ кўзга ташланмай қўя қоларкан.

Наҳотки шундай бўлса!

Шу пайт йигитнинг қулоғига ёқимли бир гап чалингандай бўлди.

— Таом пишгунча чой билан қоринди алдаб турамизда энди, меҳмон.

У, шартмиди шу, бекорга овора бўпсизларда, дея мингирласа-да, ичдан ғоят шодланди. Негаки, вақтни бир оз чўзмоқча зўр имкон эди-да бу. Тагида гуриллаб ўт ёнаётган қора қозондаги овқатнинг сира пишмаслигига ҳам рози эди у.

Йигитнинг беихтиёр жонланганини сезган Сардор чол мийиғида кулимсиради. Аслида эса, ўзи ундан кам безовта эмасди. Қизининг қаерга кетганлигини ўзича тусмоллаётган бўлса-да, қандай кайфиятда қайтишидан бутунлай беҳабар эди. Агар қизи ҳаливери қайтмаса, демак, йигит умидини узгани маъқул. Эшигига ортиқ танда қўйишидан маъни йўқ. Зумрад зоҳиран юмшоқ кўрингани билан, анчагина қайсар. Кўнгли чопмаган кимсага қорасиниям кўрсатмайди. Бу ҳол илгариям бир-икки бор содир бўлган. Ўшанда чол қизининг қатъиятидан лол қолганди. Шунга қарамай, қизнинг беваалиги чол-кампир учун улкан дард эди. Тезроқ жойини топиб кетишини исташарди.

Сардор чол бугунги синоат ҳақида кампирдан сўрашга оғиз жуфтланди-ю, истиҳола қилди. Қачондан бери аёлларнинг сирига қизиқадиغان бўлиб қолдингиз, дейишидан ийманди.

Ахир кампирида Абдураҳмон чавандознинг қони бор, ўктам ва чўрткесар. Меҳри, меҳри қатори қаҳри ҳам дарё. Аксарият аёлларга ўхшаб ҳуда-беҳуда нарсаларга аралашавермайди. Аралашар бўлса, ҳар қандай ишни бир ёқлик қилмасдан қўймайди. Кечаги йигитларнинг мулоийм келиб, мулоийм чиқиб кетишларининг боиси шундан. Кампири овозини кўтарган кимсани ёқтирмайди. Шу битта қизимнинг бошини кўриқлашга ўзимниям кучим етади, сенларга пишириб қўйибдими бу ерда, дейишдан ҳам тоймайди.

Бу қишлоқнинг удуми шу—уйингдаги меҳмонга кўшнининг ити ҳам ҳурмаслиги керак.

Сардор чол бу ҳикматни биринчи бўлиб Абдураҳмон чавандоздан эшитганди. Довонда милтиғи чақилмай, Абдураҳмон чавандоз уни ўз қишлоғига бошлаб келаркан, тўққиз боларли уйини бўшашиб деганди:

— Кетсанг, ана катта йўл, қолсанг, мана уй. Бу қишлоқда уйга келган меҳмонга қўшнининг итиям ҳур-

майди. Мабодо ҳалиям жонингга қасд қилиш фикридан воз кечмаган бўлсанг, мана яроғинг. Мен буни манову миҳга осиб қўяман. Хоҳлаган пайтингда олмоғинг мумкин. Фақат неки номаъқулчиликка қўл урсанг, аввалига танангга бир ўйлаб ол. Ҳозирча меҳмоним экансан, чиқиб мезбонлигимни қилай.

Абдураҳмон чавандознинг ўктамлиги, айниқса, ҳеч нарсани сўраб-суриштирмаслиги Сардорга жуда ёқиб тушганди. Сўраган тақдирдаям, сўйламоғи жуда оғир эди. Сўйлаш туғул, эслашнинг ўзи қийин эди. Аммо ҳарчанд эсламасликка уринмасин, хотира дегани бамисоли қора қўзғундай бостириб келаверарди.

Ўшанда айқашиб ётган яланғоч таналарга кўзи тушганида, дастлаб унда газабдан кўра, ҳайрат кучлироқ эди. Чирмашиб ётганларнинг бири ўзининг жуфти ҳалол-ю, иккинчиси "ука"си эканлигига ҳеч ишонгиси келмади. Тоғасининг шаҳарда ўқийдиган укасини ўз укасидай кўрарди. Орамиздан ҳеч бўлмаса шу ўқисин деб, ҳар келганида чўнтагига пул солиб кўярди. Бу сафар тупканининг тагидаги бир оғайнисидан пул олиб қайтганди. Мана, чўнтагида дўппайиб турибди. Эрталаб ўзи автобустга чиқариб қўймоқчи эди.

Сардор кўз ўнгидаги шармандаликни идрок этолмай тураркан, йўлдан озганларнинг қонида жўш ураётган шайтон фурсатдан фойдаланиб, лип этиб унинг елкасига миниб олган. Қулоғига шивирлаган: "Ўлдириш керак! Ҳаяллатмай отиб ташлаш керак! Яроғинг нариги хонада турибди. Олиб чиқ-да, иккаласиниям шартта отиб ташла!" У шайтон кутқусига учиб, қўшни бўлмага отилиб киради. Яроғини осонгина топади-ю, аммо ўқларга келганда, раҳмон халақит беради. Ўқ жойланган қутичани топиши қийин кечади. Пайпасланиб қидиради, қани энди, лаънати қути топила қолса.

Милтигини ўқлаб чиққанда эса, шармандали тўшақ вайрон... Зинокорлар аллақачон ғойиб бўлишганди.

Тонг қоронғисидан мудраб ётган қишлоқ бу синоатдан беҳабар. Милтиқ тутган йигит ҳовлида беҳуда кезинади.

Аламдан ҳайқирмоқ истайди.

Овози чиқмайди.

Уйга қайтиб кирмоқни ўйлайди. Киришдан жирканади. Газабдан қилт-қилт титраганча, уй пештоқларига, деразаларига боқади. Хаёлидан, бу уйда энди қандай яшайман, деган ўй ўтиши билан, яроғини деворга суяб, ошхонадан керосин тўла идишни олиб чиқади.

Тонги қоронғиликни парчалаб, уйи лангиллаб ёна бошлаганида, у аллақачон дўнгликда эди. Яхши ит ўлигини кўрсатмайди, дея боши оққан томонга кетиб борарди. Қасос олиш, ўлдириш истаги сўниб, ўз жонига қасд қилмоқ кутқуси кучайганди. Бу кутқу етовиди қанча юрди—билмайди. Йўлда дўппайган чўнтагидаги пулни сезиб, уларни шамолга сочиб юборди.

Нотаниш бўлоқ бошида бир зумга тин оларкан, етимлигидан ўксинди. Жигарнинг хиёнати туфайли тоғаси ва бошқа хешларидан айрилганини ўйлади. Ортга, қишлоғига йўл йўқлигини англади. Юз берган воқеани тоғасига қайси тил билан айтади. Дарвоқе, айтгани билан нима ўзгаради? Майли, бу мудҳиш сир сирлигича қола қолсин. Тоғаси қўлига косов тутиб, жасадини кул орасидан қидираверсин. Воқеани эшитса, минг куяди, ўлган дея гумонланса, бир куяди.

Ўша куни ҳаво намхуш, булутли эди. Куёшдан дарак йўқ, кўнглида маҳзунлик кучайгандан кучаярди.

У қўлидаги яроғини кўксига тираганини сезмай қолди. Елкасидаги шайтон эса баттар пишанг берарди:

”От! От ўзингни! Яшаб нима қиласан бу бевафо дунёда! Биргина ўқдан сўнг барини унутасан!”

Аммо умри бор экан, тўсатдан келиб қолган Абдурахмон чавандоз барига чек қўйди. У унутишни истаган ҳодисалар эса бир умрга хотирасида миҳланиб қолди. Дастлаб ёмон, жуда ёмон қийналди. Ҳайтовур айиқ воқеаси орага тушиб, бир оз чалғиди.

Тонглардан бирида эшик кескин очилиб, остонада Абдурахмон чавандоз пайдо бўлди.

— Айиқ овига қалайсан? — дейди гулдирарган овозда. — Биз айиқни тоға, жондорни оға деб улғайган одамлармиз. Хеш деб биламиз уларни. Аммо-лекин кутурганини аяб ўтирмаймиз. Қоратошда айиқ бир кишига ҳужум қилпти. Қани, лаллаймай, милтиқни қўлингга ол! Баҳонада оёқни чигалини ёзиб келасан.

Энди билса, айиқ жожеаси уни сескантириб, тушкунликдан асраган экан. Ўзга бир жоннинг ўлими уни ҳаётга қайтарган экан. Ўшанда Сардор чол ўлимга рўпарў келиб, унинг совуқ нафасини туймоққа улгурганди.

— Товда айиқ кўпга ўхшайди, — деди Отамурод ўз навбатида унинг хаёлини бўлиб. — Кеча пастда тезакларини кўргандай бўлдим.

— Улар бизга тоға-да, — дея кулди Сардор чол. — Индамасак, ҳовлигаям кириб келаверади.

— Қанақасига? — Йигит ҳайратини яширмайди.

— Шунақасига.

— Отмайсизларми?

— Йўқ.

— Нечун?

— Нечунлигини кеча сўзлаб бердим шекилли.

— Мен эртак деб ўйлабман.

— Биз эртак сўзламаймиз.

— Бунақада товни айиқ босиб кетмайдими?

— Босмайди, — Чол енгил хўрсинди. — Нега деганда, дўстлари қатори ганимлариям кўп. Уларни биз орувлаймиз, бошқалар аяб ўтиришмайди. Кунботишга қараб юрсангиз, Сувлоқ деган қишлоққа дуч келасиз. Одамлари чатоқ, сувдагини тутиб, осмондагини отиб ейишади. Бундай олиб қарасак, уларам товлик, бизам товлик, фарқ эса катта. Жониворлар қаерда кўп ўралашади, қадр топган ерида-да. Лекин кутурган жониворни аяб турмайди. Жон беришига кўмаклашамиз. Сизди ёшингизда биттасига бет бўлганман. Ўлишимга сал қолган. Айиқ кутурган экан, қовурғамни эзиб ташлаган. Мана шу момонгиз оёқлатган мени. Жонимдан тўйиб юрган пайтим эди, сўнг ўлимни истамай қўйганман.

— Қанақасига?

— Тарихи узун бунинг.

Чол кулимсираркан, йигитнинг чанқоқ нигоҳини пайқаб, ҳикоя қилмоқ истагини туяди.

* * *

Ўлим бу сафар ҳам четлаб ўтганини ўша тўққиз болорли уйда ҳуши ўзига келиб билди. Шифтга тикилиб ётаркан, не воқеа юз берганини тезда англаёлмади. Шарпани илғаб, эшик томон бош бураркан, қўлида ёғоч коса билан кириб келган қизнинг ташвишманд қиёфасидан ўз аҳволи тузуқ эмаслигини фаҳмлагандай бўлди. Танида кўзғолган кучли оғриқдан шуури тиниқлашиб, тириклигидан ғоят ажабланди. Бу бир мўъжизадай туюлди. Яхши эслайди, кўкси ва яғринидан яраланган айиқ бор бўйича унинг устига босиб тушганди. Йиртқичнинг қайноқ нафаси юзига урилганида ҳушини йўқотдими ё кейинми, аниқ эслаёлмасам-да, тирик қолганидан ажабланган кўйи, бошига келиб чўнқайган

қизнинг хагги-ҳаракатларини зимдан кузатаркан манглайига босилган нам латтадан сесканиб тушди. Шунда бутун вужудига азоб бераётган оғриқ ўчоқларини аниқ ҳис қилди. Кўкси ва қорнида чидаб бўлмас оғриқ бор эди. Дастлаб миясига келгани шу бўлди: ”Ишқилиб, ичак-чавоғим жойидамикан?”

Кўрпа остида шалвираб ётган қўллари беихтиёр пайнасланишга тушганди. Қиз, тек ётинг, дегандай қош чимирди. У чаккаларида бармоқ учларини ҳис қилиб, оҳиста кўзларини юмди.

Кейин қишлоқда яроқ тутишга қодир йигитлар сароб бўла туриб, Абдурахмон чавандоз нечун ўзини танлаганидан ажабланди. Ажабланиши шубҳа-ю гумон билан алмашинди: ”Минг қилсаям бегонаман-да, ўлса ўлиб кетавермайдими деган чиқар”. Бирдан ўзини бахтсиз сезиб, мижжалари ёшланди. Бегона қишлоқ, бегона тоғ остида ётиши ёмон кор қилди. Тоғаси қуриб берган уйма ўт қўйиб, мана, етти ёт бегоналар орасида хешсиз, биродарсиз ётибди. Тоғаси қидираётган чиқар. Ё ёниб кетган дея гумон қилдимикан? Тоғасининг ўғли шаҳарга кетгани аниқ. Хотини қайси гўрга бош уриб борди экан. Ҳойнаҳой, эрим уйдан ҳайлади, дея отасиникига боргандир. Балки ўйнаши билан шаҳарга қочиб кетгандир.

Ўшанда нега хотинини қидирмади? Ҳазаб устида уни топиб, қонига беламади! Қаҳри чексиздай эди, аммо қаҳридан умидсизлик ва руҳий тушкунлик устиворлик қилди... Қизиқ, яқингача ундан бахтли одам йўқдай эди. Кўрасида беш-олти моли, уйида гўзал хотини, шундоққина биқинида меҳрибон тоғаси. Буни қарангки, бир сонияда бари саробга айланди. Аёли қочди, уйи ёнди. Ўзи эса ити танимаган ёт бир қишлоқда шифтга тикилиб ётибди.

— Вой, манову кишининг йиғлашини!

Сардор ўзига келиб, кафти сирти билан яноқларини суртди. Ўзига ҳамдардлик билан қараб турган қизга хижолатомуз боқди.

— Амаки қани? — деди шундагина Абдурахмон чавандозни эслаб. — Тирикми ишқилиб?

Қиз, тирик, деган маънода бош ирғаб, эшик томон юрди.

Абдурахмон чавандознинг омонлиги Сардорни унча қувонтирмади. Кўнглида адасиз иддао бош кўтарганди: ”Қишлоқда шунча йигит бўла туриб, ажалга мени рўпарў қилди-я. Минг қилсаям бегонаман-да”.


Аламли ўйлардан янада тиниқлашган шуурида бўлиб ўтган воқеалар секин-аста ёрқинроқ жонлана бошлади. Айиқ қутилмаган ердан чиқиб келди.

Улар Қўшсув теварагини кўздан кечиришаётган эди. Кўнғир айиқ қоя тубидаги буталар орасидан чиқиб қолди. Абдурахмон чавандоз қутуриб ташланган йиртқичга кетма-кет ўқ узди-ю, эпчиллик билан ўзини четга олди.

— От! — дея ҳайқирди милтигини қайта ўқлашга уринаркан. — Отсанг-чи!

Сардор ўкирганча устига бостириб келаётган айиққа ҳар иккала ўқни бўшатишга базўр улгураркан, ортига тисарилаётиб, тошга қоқилди. Чалқанчасига йиқилди. Йиртқич унинг устига босиб тушди.

Кейин эшитса, Абдурахмон чавандознинг сўнгги сонияларда узган ўқи жонига ора кирган экан. Узилган ўқлардан бири жониворнинг қулоғини, бири эса миясини титиб юборган экан. Жони узилаётган йиртқичнинг биргина панжа силкишиёқ йигитни абгор қилган экан. Улкан панжаси билан бир уришда ҳўкизни йиқитадиган ҳайбатли жониворга одам боласи нима бўлибди, хасдек бир гап-да.



Ўлимга илк бор юзма-юз келган Сардор лаҳзанинг ўндан бир улушига тенг вақт оралигида кўп нарсани, яъни тирикликнинг нақадар омонатлигини, ҳаётнинг ғоят ширинлигини, тирик жон борки, ўлимга осонликча бўй беришни истамаслигини, сўнгги нафасигача талашиб-тортишишга ҳозирлигини, бунақа пайтда нурга йўғрилган борлиқ ўзга бир тус олишлигини англашга улгурди. У қоронғилик қаърига сингиб кетаркан, сўнгги сонияда сезгани йиртқичнинг қонга тўла нигоҳи бўлди. Унинг кўзларига жазаво қаторида, чорасизлик, аллақандай ададсиз илинж учқунлари ҳамда ҳаётга ташналик бор эди.

Бироқ у бу ҳақда ортиқ ўйламасликка тиришар, ўзича Абдурахмон чавандоздан ўпкаланиб ётарди. Қўйиб берса, пиқиллаб йиғлашга ҳам тайёр эди-ю, қизнинг қайтиб кириб қолишидан ийманиб турарди. Хуллас, ёлғизлик қаттиқ қор қилиб... Аммо дунёда шундай кишилар борки, уларнинг туриш-турмушию хатти-ҳаракатидан ҳаёт нафаси уфуриб туради. Бундайларнинг кенг кўксига бир зумга бош қўйишинг биланоқ ҳар қандай дарддан халос топгандай бўласан. Уларда тириклик деб аталган қудратли бир куч мужассамки, эзгин хаёлларингни қувиб, яшашга иштиёқ уйғотади.

Эшикдан гуриллаб кириб келган Абдурахмон чавандоздан шу нарсани ҳис қилган йигитнинг гумонлари тумандек тарқаб кетди. Чавандознинг соғлом чеҳрасига ёш боладай жавдираб, ютиниб боқди.

— Қалай, ўзингга кеп қолдингми? — деди Абдурахмон чавандоз гуриллаб. — Қўлинг бут, оёғинг соғ, қовурғаларинг бироз лат еган, холос. Ҳечқиси йўқ, ҳадемай отдай бўп кетасан. Аммо қойилман, сира ўзингни йўқотмадинг. Эмасам, иккимизни ҳам тапшидай эзиб ташларди у. Бунақа жониворни икки-уч ўқ билан йиқитиш қийин-да.

Сардор инграниб қўйди.

— Ҳи-и, ўлим осонмикан? — Абдурахмон чавандоз истеҳзоли жилмайди. — Сен эса Худо берган ширин жонингдан осонгина воз кечай деб ўтирибсан. Ўлим нелигини ўз кўзинг билан кўргин деб эргаштириб чиқдим сени. Эмасам, қишлоқда йигитлар камми. Айтганча, доvon орти қишлоқларидан бирида қизиқ воқеа бўпти. Бир йигит хотинини ҳайдаб, уйига ўт қўйиб, бошини олиб кетганмиш. Тагин сен бўлмагин у? Тусмолимча сенсан-ов. Воқеага қараганда, аёл кишидан каттароқ гап қочганга ўхшайди. Акс ҳолда йигит одам уйига ўт ёқиб, кўкрагига милтиқ тираб юрмасди. Рангнинг кўп ўчмасин, не гап ўтганини сендан сўраётганим йўқ-ку. Гап шу, бугундан бошлаб сен шу қишлоқнинг фарзандисан. Менинг жигаримсан! Яраларинг битиб, ўйноқлаб кетсанг, ҳали уйланаман дерсан. Ҳаёт-да бу. Агар ниятингни сўзда айтолмасанг, чакмон остидаги манову белбоғни ўрта миҳга осиб қўй. Шунчаки белбоғ эмас, авлодимиз ”тил”и бу! Тил андишага борганда, бу сўзлайди. Тушунмадим дейсанми? Тушунишинг шарт эмас, айтганимни қилсанг бас. Қолган гапни эса кейин гаплашаверамиз. Қишлоқда қолиш-қолмаслигинг ўзинга ҳавола. Ҳозир эса тезроқ оёқлаш пайида бўл!

Ўшанда у Абдурахмон чавандознинг ўктам гапларидан руҳ олганди, қувват олганди. Назарида, ҳозир қарши-сида жони ҳалак ҳолда эзилиб ўтирган Оғамурод ҳам шу хил кўтаринки хитобларга жуда муҳтождек эди. Афсуски, у Абдурахмон чавандоз эмас, камсуқум бир одам. Ҳозирги ҳикояси эса йигитни чалғитиш, аниқроғи, гурунг учун эди. Ахир меҳмоннинг олдида мум тишлаб ўтиролмайдими-ку.

Сардор чол шуни аниқ билардики, агар бугун қизи томонидан тайинли бир жавоб бўлмаса, йигитнинг яна қишлоққа келмоғи жуда қийин кечали. Бу сафар-ку тўрт-беш қоп ёнғоқни баҳона қилиб келди. Ана, машина устида кераксиз буюмдай уюлиб ётибди. Йигит асл мақсадини яширган бўлса-да, чол аллақачон барини фаҳмлаб улгурганди. Нега деганда, арзон-гаров мева-чева илинжида келганлар ҳеч вақт совға-салом тўлдирилган ялтироқ кути билан ташриф буюрмайди. Кейин бир тийин устидан ўлиб-тирилиб тортишади. Сўнг харид қилган нарсасини олишади-ю, худди ёв қувгандай дарров изига қайтишади. Ўша ялтироқ қутида бир гап борлигини чол қизининг хатти-ҳаракатиданоқ пайқаганди.

Бироқ чолнинг ташвиши бутунлай бошқа томондан эди. Қишлоқдан йигитнинг эсон-омон чиқиб кетишини ўйларди. Кеча қишлоқда кимдир хунук гап тарқатибди. Чол не гаплигини шомга яқин мулоимгина бўлиб келиб-кетишган уч йигитнинг авзойидан сезганди.

Улар аяб ўтиришмайди.

Чол мана шунисидан хавотирда эди.

У аллақачон гум бўлган қизини йигитгина эмас, қозон бошида куймаланаётган кампири ҳам илҳақ кутаётганини фавқуллода фаҳмлаб қолди. Кампири атай имиллаган қўйи, сой томонга, киши билмас, қараб-қараб қўймоқда эди.

Айиқ тўғрисидаги гурунг орасида тилга олиб ўтилган белбоққа йигит қизиқиб қолганида, чол бу ҳақда ҳам гапирмоқчи эди. Йигит қизиқмагач, у хотиралари билангина чеклана қолди.

Ўшанда ипак билан безак берилган қирмизи ранг қадимий белбоғни икки тоқча оралигидаги катта миҳга осгани билан ниятини илгатиш жуда қийин кечганди. Ахир қандай қилиб айтсин. Айтса, Абдурахмон чавандоз ўлдириб қўядигандек эди.

Абдурахмон чавандоз бир-икки сўровдан сўнг, ниманидир сездии шекилли, қиасташи бас қилди. Йигитнинг очилишини кутди.

Сардор эса ҳануз жим. Ҳатто қайдандир дарагини эшитиб келган тоғасига ҳам бу ҳақда оғиз очмади. Тоға эса, тўсатдан ғойиб бўлган жиянидан роса ўпкагина қилди. Сабабини сўраб-суриштирди. Бўлиб ўтган хиёнатдан тоғанинг беҳабарлигини сезган Сардорнинг айтган гапи шу бўлди.

— Ичимда бир касалим бор экан, унга шу қишлоқнинг ҳавоси даво экан.

— Ҳаво дейсанми? — Тоға баттар ажабланди. — Бизам товда яшаймиз шекилли?! Ё бу ернинг ҳавоси сутга чайилган эканми, ёки асалга қорилганми? Ҳай, унда нега уйингга ўт қўйдинг? Бунисига нима деб баҳона топасан?

Сардор дастурхон четини букиб, ёзганча тўнғиллайди:

— Ичи тўла микроб экан, ёқиб юбордим...

Абдурахмон чавандоз мезбон, тоғанинг чойига қаради, овқатига қаради, лекин суҳбатига аралашмади. Тоға ҳайрон кетди, кўзларини намлаб кетди.

Эртаси эса миҳдаги белбоғ тўсатдан ғойиб бўлиб қолди. Абдурахмон чавандознинг аёли уни қизининг хонасидан топиб чиқди. Чавандоз белбоғни тутамлаб, узоқ ўйга толди. Тошга ўтириб ўйлади, ҳовлига чиқиб ўйлади, тоғларга боқиб ўйлади. Сўнг йигитни қаватига чорлади.

— Ниятинг қолишми, кетиш? — деб сўради.

— Ҳозирча кетиш ниятим йўқ, — Сардор ердан кўз узолмай гапирди. Қора терга тушиб, вужуди қалтираб сўзланди: — Кейин... бир гап бўлар!

— Унда иморатга ер танла!

Сардор тевааракка кўз солди. Бу танлаши қийин бўлди.
— Иморатни анову газгага сол, — дея кўмакка келди Абдураҳмон чавандоз. — Бу газанинг қишлоққа ҳеч даҳли йўқ...

Сардорга илгари қишлоқдан айро бўлган бу дўнглик жуда маъқул келди. Қишлоққа ичкуёв бўлишни истамай турганди. Абдураҳмон чавандоз буни дарров фаҳмлади ва эртаси қишлоқ йигитларини дўннга бошлаб чиқди.

Йигитлар ҳаш-паш дегунча иморатни тиклашди.

Сардор миҳдаги белбоғни олиб қўйган қизга уйланди. Абдураҳмон чавандозга куёв бўлди. Қишлоқ аҳли учун эса "яккатомлик куёв"га айланди.

* * *

Отамурод эшик ва деразалари зич ёпиқ кулбага, сойга энган сўқмоққа зимдан-зимдан кўз қирини ташлаб қўяркан, жувоннинг рад жавобидан қалби ўпирилиб тушишини қайта ҳис қилди. Сардор чолнинг гурунги ортиқ қулоғига кирмай, маҳзун хаёлга толди.

У тўсатдан севиб қолиши мумкинлигини ҳеч ўйига келтирмаганди. Бу туйғу ширин, ўз навбатида, адалдиз азобларга гирифтор қилишини билмаган экан. Айни дамда эса, кўнглида саркашликка ўхшаш нимадир уйғонган. Илкис ўрнидан қўзғолиб, умиду армонларини, азобу тотли ҳисларини шу ҳовлида қолдириб, жўнаб кетгиси келарди. Бироқ у кўринмас бир ип билан шу қадар чирмаб ташлангандики, уни шартта узмоққа на ҳоли, на истаги бор эди. Қарашлари ёш қизалоқларникидай хокисор, табассуми гоят жозибали, юзлари шудринг ювган тоғ лоласидай товланувчан бу паривашнинг ҳуркак нигоҳлари нималарнидир ваъда қилардики, уни биргина кўрмай кетишининг ўзи бориб турган азоб эди.

Қаерда у? Наҳотки кўнгили изҳорига унинг берган жавоби шу бўлса!

Йигитнинг турли гумон ва умидсизлик гирдобиди азоб тортишига сабаб бўлган Зумрад эса айни дамда қишлоқдан унча олис бўлмаган арчазорда тиззаларини қучганча хаёлга чўмиб ўтирарди. Оёқлари тагида вафодор ити Тўрткўз ётарди. Жувоннинг маъюс нигоҳи сийрак арчали бетга қадалганди. Бу қишлоқ аёллари мазорча боришмайди. Рози-ризозлик учун жувон бу ерни бекор танламаганди. Кўз очиб қўргани мана шу бетдан қўчган кўчки остида қолиб ҳалок бўлган. Қишлоқ аҳли қидириб топгунга қадар, ўн кундан ошиқ шу ерда ётган. Жувоннинг назарида, унинг биринчи қабри мана шу маскан эди. Бу ерга келиб-кетишига эса ҳеч ким монелик қилмайди. Исталганча хаёлга чўмиб, хоҳлаганча кўз ёши тўкиши мумкин.

Ҳар сафар бу ерга келганида, наздида, бутун олам унга қўшилиб, мотам тутгандай туюлади. Арчалар сукутда қолади, майин шабада шўхлигини бас қилади, тоғ жониворлари сас чиқармасликка тиришади...

Кеча йигит ёнғоқзорда ҳоли учратиб, ризолигини сўраганида ҳам у мана шу манзилни қора тортганди. Сийрак арчали бетга тикилганча, қалбидаги кечинмаларини куйидагича баён этганди: "Тўрт йил иззатингизни қилдим. Шу вақтгача ёлғиз сизнинг хаёлингиз билан яшаб келдим. Бундан сўнг бу тарзда яшаёлмайман. Яшашим ҳам мумкин эди. Аммо қулаган харсанг эзиб ўтган арча новдасиям қайта кўклашга уринади, офтобга интилади. Менку бир тирик инсон. Агар билсангиз, бешик тебратгим келади! Гўдак ҳидидан маст бўлгим келади! Назаримда, меҳмон йигит ёмон йигитга ўхшамайди. Қарашлари самимий, қулишлари ёқимли... Мени ташлаб, узоқларга кетаркансанда деб ўпкаламанг мендан. Аёл бамисоли бир

тош, қаерга отилса, ўша ерда тек қотмоғи лозим. Бу қишлоқда менинг тенгим йўқ. Бари уйланган, жойланган... Менам гўдак қучсам дейман! Сўқим кирмасин деб, дугоналаримнинг боласини қўлимга олишдан қўрқаман. Қийналиб кетдим жуда! Шунинг учун айбламанг мени! Рози бўлинг мендан! Тушларимга кириб, ризолигингизни билдиринг. Шўрлик йигит жуда қийналиб кетди. Кўзлари тўла мунг. Кўп азоб тортганга ўхшайди. Рози бўлсангиз, у шўрликнинг ёқасини оқартирай, бошини қировдан асрай! Бешик кучиб, гўдак ҳидлай! Белги беринг менга. Бу ёқда қишлоқ йигитлари ғимирлаб қолишди. Нимадандир гаши келаяпти уларнинг..."

Бугун эса жувон ўзида йўқ шод эди. Эрининг руҳидан миннатдор эди. Тонгга яқин тушига эри кирибди. Узоқ жилмайиб туриб, қўйнидан оппоқ шоҳи рўмол чиқариб берибди. Рўмолингизни қайтардим, бахтингни берсин, дея аста кўздан ғойиб бўлибди. Бундан миннатдор жувон эрининг руҳи билан сўнгги бор хайрлашгани келганди.

Табиий, Отамурод бу синоатдан беҳабар. Зумрадининг тўсатдан ғойиб бўлишини ўзича тусмоллаб, турли хаёллар исканжасида қоврилиб ўтирарди. Кўнглига йўл тополмадим, дея азобда эди.

Одатда, аёллар билан тил топишиш Отамурод учун ҳеч қийин кечмасди. Самимият билан ёндошгани учунми, аёллар унга тез эл бўларди. Аммо нозиктабблиги туфайли, ҳар қандай аёл ҳам унга ёқавермасди. Анчадан бери кўпол, серғалва ҳайдовчилар даврасида тирикчилик қилиб келатган эса-да, ҳали-ҳануз нозиктаббликдан қутулмаган, чапанилик унинг табиатида бутунлай ёт эди. Шунинг учун ҳам оғзи шалоқ ҳамкасблари гурунгина кўпда қўшилаввермас, гоҳида одам қайнаётган бозор майдонига хаёлчан тикилиб, нима қил юрибман ўзи бу ерда, деган ўйга борарди. Шунда тирикчилик туссиз, одамлар эса ҳиссиз кўриниб кетарди кўзига.

Бир хилдаги туссиз кунлар—на қувонч бор унда, на умид. Биров сенга талпинмайди, сен бировга интирмайсан. Мулоқотлар ўта жўн. Кун билан туннинг айланиши ва эврилиши тирикчилик деган ҳиссиз тушунча теварагида кечаётгандек туюлади.


Нимаси бу?

Бир вақтлар ўзи муқаддас деб билган, эзгу орзуларга тўлиқ тирикчилик нечун бу қадар жўнлашиб кетди?

Хаёлга толади.

Бунақа пайтда луғат бойлиги ниҳоятда қашшоқ, серғалва ҳамкасбларининг овози қулоғига кирмайди. Девона, дейишади бошқа ҳайдовчилар унинг бир чеккада хаёлга ботиб ўтиришини кўриб. Шунда "девона"нинг хаёли бирдан бўлинади. Бошини кўтариб, ўзига салом берган кимсага ажабланиб боқади. Тезда таний қолмайди. Қаршисидаги кимса "устоз" сўзини тилга олгандан сўнггина, рўпарасида собиқ ўқувчиларидан бири турганлигини фаҳмлайди. Куюқ сўрашаркан, ўсиб кетибсан, униб кетибсан, деганга ўхшаш чучмал гаплар қилади. Ичдан эса ўзини жуда ноқулай ҳис этади. Ўз навбатида, қаршисидаги кимсанинг кўзларида зухурланган ҳайратни илғамай қолмайди. Бунга сари баттар сиқилади. Ахир бир вақтлар дарё ва денгизлар, ўрмон ва кенгликлар ҳақида берилиб сўзлайдиган, зиёли бир одамнинг ирkit чойхонада, бақироқ кишилар орасида ўтириши қизиқ-да. Боз устига, эгнидаги қўйлаги ғижим, соқоли қиртишланмаган, фақат қарашларигина ўша-ўша, сокин, хотиржам ва меҳрли.

У, бу ишда оппоқ кўйлак кийилмайди, бўйинбоғ ҳам ортиқча, дегиси келади. Нега? Негалигини эса ўзи ҳам билмайди. Изоҳ нечун, бари рафторингдан кўри-



ниб турибди-ку! Қизиқ жиҳати, қуёш илгари ҳам худди ҳозиргидек нур сочарди. Ҳозир ҳам шундай. Бироқ ни-мадир ўзгарган. Тишида эмас, ичида. Демак, олам дегани кўнгил экан-да. Кўнгилдаги эврилишларга қараб, қуёш тусланаркан-да. Манглайида ҳол-аҳвол сўраб турган собиқ ўқувчиси унинг ўтмиши, мақсад ва маслакка йўғрилган кечаги куни. Бугуни эса жуда ночор. Нақалар ночорлиги эса қаршисидаги кимсанинг кўзларида акс этиб турибди. Шунингчун ҳаммиша собиқ ўқувчиларидан қочмоқ истайди. Аммо улар узокдан кўрибоқ югуриб келишаверади. Ҳатто яқинда бири шеърий китобчасини ташлаб кетди. Шапалоқдеккина.

У бир лаҳзага ўтмишга қайтди. Кафтидаги китобча-ни авайлаб варақлади.

— Эҳтиёт бўл, тагин тушириб синдириб қўйма.

У бошини кўтарди. Ўзига ишшайиб тикилиб турган ҳамкасбларини кўради. Чуқур хўрсиниб, теваракка кўз ташлайди. Бозор, тирикчилиги билан банд оломон. Юраги торикади. Қўланса бир гапдан сергак тортади.

— Китобчангдан бир-икки варақ йиртиб бер, на-рەққа ўтиб келай.

Йигит шу дамгача ҳақорату камситишларнинг тур-ли-туманини эшитган. Лекин бунисига тоқат қилмоқ қий-индек туюлади. Ўнг панжаси беихтиёр мушт бўлиб туги-лади. Боппладимми, деган маънода илжайиб турган йўғон ҳайдовчи йигитнинг ҳисси афтига газабкор тикилади. Дўппосламоқ ўйида ўрнидан кўзгаларкан, бирдан ния-тидан қайтади. Онгсиз бир вужуд-ку бу, урмоқдан не фой-да, деган ҳаёлга боради. Ўзини боса олганидан қувонади. Сўнг қўлидаги китобга чалғийди. Ундаги гўзал сатрларни кимгадир ўқиб бергиси келади. Таажжуб, тевараги тўла одам-у, лекин бирор тингловчи йўқ. Шунда сўрида оёқла-рини осилтириб, валақлашиб ўтирган шерикларига, ти-рикчилик гамида ивирсиб юрган бошқаларга шогирди-нинг гўзал тугёнлари кераксиздай туюлади. Унда нима учун ёзилади бу бегубор ташбеҳлар?!

Йигитнинг кўнгли гаш тортиб, ўзини бу ерга боғ-лаб турган сабаб ҳақида ўйлайди. Ўйлаши билан яқин ўтмиши қаъридан кўзлари қаҳрга тўла аёлнинг маккор сиймоси қалқиб чиқади. Аёлининг юпқа лаблари ораси-дан “қанот қоққан” сўнгги иборагача Отамурод дунёда киракашлик касби борлигидан беҳабар эди. Бозор май-дони чеккасида қатор турадиган машиналарга кўзи ту-шарди-ю, лекин бу олам сир-асрорлари билан иши бўлмасди. Кейин юз берган воқеалару кескин равишда ўзгарган турмуш тарзи мисоли занжирдек бир-бирига боғлиқ эса-да, барча тафсилотлар бошида шу биргина заҳарли ибора қалқиб турарди.

“Сен ҳам эркакмисан!”

Сайилда қиз танлама, беазаги тишда-ю иллоти ичи-да бўлади, деганларидек, аёлининг “ялтироқ” лигига учиб уйланган Отамурод кейин бошини чангаллаб қолди. Аёлининг ўқувсизлиги етмагандек, дили сўқир, тили узун эди. Сўзнинг фаҳмига етавермасди. Сўнгги бор айт-ган гапи эркак киши учун нақалар таҳқирли эканини кейин ҳам англаб етолмаган. Уйдан бош олиб кетган эрининг қилигидан ажабланган, аразлайдиган нима деб-ман? Саволи жавобсиз қолгач, енг шимариб, чинака-мига хужумга ўтган. Хафа қилиш мана бунақа бўлади, дея йўқ ердаги тўхматларни қалаштириб, судга шикоят ёзган. Мактабга келиб тўполон кўтарган. Мактаб жамоа-си йигитни ҳимоя қилишдан кўра, тинчликни афзал

билган. Кўпчилик эса қуруқ бу тўхматга чипша-чин ишон-ган. Одам боласи ичида-да, ким ўйлабди дейсиз, бу одам-нинг бунчалик ёвузлигини!

Отамурод мактабни тарк этди-ю, аёлининг таъқи-бидан қутулди.

Аёли эса, ўзича ундан бошлаб ўчини олган бўлди.

Отамурод ичкиликка муккасидан кетиб, ишини ташлаб қўйган жўраси Дониёрнинг машинасини ижа-рага олиб, бозор майдонига чиқди. Юқориди таъкидла-ганимиздек, эркаклигини Ботир довонга намойиш этиб, киракашлар жамоасига аъзо бўлиб олди.

Бўш пайтларида бостирма тагидаги қурилма билан андармон бўларкан, жўраси Дониёр ширакайф ҳолда кириб келади.

— Битмадими ҳали?

— Битиб қолар.

— Сўнг маза қилиб учасанми?

— Насиб этса.

— Бунинг икки кишини кўтарадими?

— Кўтарса керак.

— Кейин қаёққа учамиз?

— Бошимиз оққан томонга.

— Унда товга учамиз.

— Нега энди товга?

— Биласанми, умримда ҳали баланд товга чиқиб кўрмаганман.

Икки жўра ҳовлидаги ёғоч ўриндиққа ёнма-ён чўки-шиб, узокдаги тоғларга тикилишади.

— Агар мени товга обдорсанг, ичкиликни ташлаб кетсам керак, — дейди Дониёр сигаретини буруқситиб. — Товда дўкон йўқ, демак, виноям йўқ. Одамлар гашин-га тегмайди. Жондорларга ошна тутиниб, тинчгина яшайсан.

Отамурод тоғ томонга диққатла боқади. Шу пайтга-ча ҳеч тоққа чиқмаганини ўйлайди.

— Шунинг учун манову матоҳингни тезроқ битир, — дея минғирлайди Дониёр. — Кетамиз тоғларга бош олиб. Булоқ сувидан ичиб, жўхори нон еймиз.

— Нега энди жўхори нон?

— Товда жўхоридан бошқаси унмаса керак деб ўйлайман.

Отамурод кулади.

— Кулма, бизам газит-пазит ўқиб турамиз, — До-ниёр жаҳлланган киши бўлади.

— Бунинг битишини кутиб тургандан кўра, ўзим сени мошинда тоққа олиб чиқа қолай.

— Йўқ, — Дониёр лабларини чўччайтириб, бош чайқайди. — Фақат мана шунда чиқамиз. Учи-иб чиқа-миз.

Отамурод тоғларга бот тикилади. Тоғлар негадир кўзига сирли кўринади.

Мана энди эса, у жўраси орзулаган тоғда ўтирибди. Тоғлик жувоннинг ишқиди юраги хун, жигари пора... Ундан эса, ҳануз дарак йўқ.

У йўлига кўзғолган бўлади.

— Турай мен энди.

— Таом пишай деб қолди, — Сардор чол жиддий эътироз билдиради. — Биратўла еб кетасиз энди.

Дилгир кўнгли бу гапдан оройиш топиб, қайта жойига чўкади.

Охири келгуси сонда



ДАДА ҚЎРҚУТ ДОСТОНИ

Дада Қўрқут ёки Қўрқут ота достони туркий халқларнинг қадимий ва муштарак ижодий асари бўлиб, унинг энг мукамал нусхаси Дрезден кутубхонасида сақланмоқда.

Достонда ўз аксини топган мотивлар, урф-одат, анъана ва маросимлар тасвири туркий халқларнинг теран томирлари муштарак, бир бўлганидан дарак беради. Бу жиҳатдан мазкур асар “Гўрўгли”, “Алпомиш”, “Манас” достонлари билан ҳамоҳангдир.

Дада Қўрқут тарихий ёки афсонавий шахс эканлиги номаълум. Айрим тадқиқотчилар, гарчи, Туркиянинг Бойбўрт вилоятида унинг қabri бор, деб даъво қилаётган бўлсалар-да, бу ҳали илмий далиллар билан исботланганича йўқ.

Достонлар Дада Қўрқут номи билан боғланган бўлса-да, у бош қаҳрамон эмас. Шунга қарамай, у муҳим ўрин тутди. Дада Қўрқут оқ сочли, оқ соқолли, доно ва тажрибали мўйсафид, у гоҳо кароматлар кўрсатадиган, эл-юртга маслаҳатлар берадиган, исм олиш ҳуқуқига эришган йигитларга исм кўядиган, душманларни енгиш йўллари кўрсатадиган авлиё сифатида гавадланади.

Достон муқаддимасида Дада Қўрқут номидан айtilган сермаъно мақоллар мавжуд. Уларда туркий халқларнинг бой ҳаётий тажрибаси ҳосиласи бўлган дунёқараши, ўзига хос фалсафаси ўз аксини топган. Бу сатрларда Оллоҳ пайғамбаримиз ҳазрати Муҳаммад (с.а.в.) ва саҳобаларга, Қуръони каримга ва унга ишонувчиларга, шунингдек, ота-оналар шаънига самимий севги-муҳаббат туйғулари уфуриб туради. Бу қисмда аёллар тўрт тоифага ажратилиб, улардан фақат “уйнинг устуни” деб номланган хотин-қизлар алоҳида меҳр билан тилга олинган.


Муқаддимадан сўнг ўн икки достон ҳикоя қилинади. Улар асосан қаҳрамонлик достонлари бўлиб, мавзусига кўра қуйидагича тасниф этилиши мумкин. Теракўз ва Дали Думрул достонларида афсонавий ёвуз махлуқлар билан жанг манзаралари, Бамси Байрак ва Қонтурали достонларида ишқ-муҳаббат можаролари, Бўғочхон достонида ва Ич ўғузлар билан Ташқи ўғузлар ўртасидаги можаролар ҳикоя қилинган достонда қабила ичидаги кураш, қолган олти достонда эса душманларга қарши кураш тасвирланган. Достонларни Дада Қўрқутдан ташқари яна бир образ — хонлар хони Байиндирхон бирлаштириб туради. У вақти-вақти билан зиёфатлар уюш-

тиради, бекларга маслаҳатлар беради. Унинг ўзи можароларга аралашмайди, балки орқа планда туради. Байиндирхоннинг вазифаси бекларга сафар, юриш учун рухсат бериш, лозим бўлганда улар билан машварат қилиш, йилда бир мартаба зиёфат беришдан иборат. У қаҳрамонлик кўрсатган йигитларгагина тўғфалар беради. Мақеига кўра ундан кейинги ўринда ўғуз алпларининг бошлиғи сифатида бекларбеги Алп Қозон туради.

Достонлардаги воқеа-ҳодисалар тасвири бу асар туркий халқлар, хусусан ўғуз бўйи исломга кирган, бироқ исломий анъаналар ҳали чуқур илдирилмаган бир даврда яратилганидан далолат беради. Масалан, Дада Думрул бир йигитнинг ўлимидан ғазабланиб, Азроилни жангга чақиради. Туркий халқларнинг исломдан олдинги диний тасаввурлари акс этган бир қанча унсурлар ҳам учрайди. Шунга асосланган баъзи тадқиқотчилар асарнинг айрим достонлари ўғузларнинг исломга киришидан олдин, яъни 7-8-асрларда яратилган, деган тахминни илгари суришади.

“Бойбурабекнинг ўғли Бамси Байрак” ва “Қанглихўжа ўғли Хонтўрали” достонлари ишқий достонлар бўлса-да, уларда жанг, қаҳрамонлик мотивлари устун туради. Зотан оғзаки ижодда маҳбубага қаҳрамонлик кўрсатмай етишадиган баҳодир йўқ ҳисоби. Шуниси диққатга сазоворки, бу достон қаҳрамонлари уйланмоқчи бўлган қизларнинг ҳеч бўлмаганда ўзларидек жасур бўлишларини истайдилар. Бу эса ўша замонларда аёллардан ҳам эркалар билан бир қаторда ҳарбий ишни билишлари талаб қилинганидан далолат беради. Туркий халқларнинг бошқа достонларида ҳам бу ҳолга дуч келишимиз мумкин. Ўзбек халқининг машҳур “Алпомиш” достонидаги Барчин образини эслаш kifоя.

Ёлгон ва хиёнат азалдан энг манфур иллат ҳисобланган. Ёлгон оқибатида ўртадан меҳр-муҳаббат кўтарилади, дўст душманга айланади, таабанинг бошлиққа ишончи йўқолади, оқибат бирликка, ҳамжихатликка путур етади, бу эса душман тегирмонига сув қуяди. Дада Қўрқут достонларида ҳам ёлгон ва хиёнат энг ёмон иллат ўлароқ тилга олинганига шўҳид бўламиз. Ёлгончи ўғли Ялтажуқ Бамси Байракни ўлдига чиқариб, унинг қайлиғига уйланиш ҳаракатига тушади. Бу “Алпомиш”даги Ултонтознинг Барчинга уйланмоқчи бўлишини эслатади. Оила муқад-



дас, бировнинг хасмига кўз олайтириш кечирилмас гуноҳ сифатида талкин этилган. Достонда туркий халқларнинг ўша замонлардаёқ соғлом турмуш кечирганлиги, оила муқаддас саналгани кўзга ташланади. Оилада шафқат, садоқат, хурмат, фидокорлик, муҳаббат, шараф ва номус тушунчалари ниҳоятда эъзозланганини бу достонлар мисолида яққол кўриш мумкин. Ота оиланинг боши, подшоси, она бўлса унинг ҳамроҳи, таянчи. Ўғил фарзанд уруғни давом эттиргани, ватан ҳимоячиси бўлгани учун алоҳида мавқега эга. Достонларда қизлар кўп ўринда номсиз. Бону Чечак ва Салжон Хотун бўлса қаҳрамонларнинг қаллиги, севгилиси бўлгани учунгина исмлари берилган.

Оила наслни давом эттириш вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам эр фарзанднинг роли айрича. Эр фарзанд наслни давом эттириш билан бирга, уруғнинг борлигини, мавжудлигини ҳам таъминлайди. Туркий халқлар ватанини, эркини босқинчилардан асраш учун кўп жангу жадалда бўлганлар. Шу боис умри жангу жадалда ўтган йигитларнинг роли ва ўрнига достонларда алоҳида аҳамият берилиб, ўғиллар биринчи даражали шахс сифатида тасвирлангани ўз-ўзидан тушунарли ҳамда табиийдир. Достонларда йигитларнинг саргузаштлари ҳикоя қилинган, ҳатто асарларнинг номлари ҳам шунга ишора.

Достонларда фарзандсизлик катта мусибат ўлароқ тасвирланган. Фарзандсизлик “Алпомиш”да Бойбўри билан Бойсарини ғамга ботиргани сингари, “Дирсахон ўғли Бўғочхон” достонига Дирсахонни ҳам надоматга солади. Бойиндирхоннинг зиёфатига борганида унга қора чодир берилади, остига қора кўрпача тўшалди, олдида қора қўй яхнаси қўйилади. Бойиндирхон бунинг сабабини изоҳлаб: “Ўғли-қизи бўлмаганга Оллоҳ баддуо қилган, биз ҳам баддуо қиламиз, билсин”, дейди. Дирсахон ғамга ботиб уйга қайтади, хотинига бўлиб ўтганларни айтади, фарзандсизлик сабабини сўрайди. Хотини унга худойи қилиб, очларни тўйдиришни, яланғочларни кийинтиришни маслаҳат беради, балки шунда илтижонг ижобат бўлар, дейди. Шундай қилиб, улар ўғиллик бўладилар.

“Бамси Байрак” достонига Байиндирхоннинг бир зиёфатида Бойбўрабек оҳ уриб йиғлайди. Қозонбек сабабини сўраганида, “Хон Қозонбек, нега оҳ урмай, нега ўкрамай, ўғилдан насибам йўқ, оғайнилар ўртасида қимматим йўқ. Оллоҳ таоло мени баддуо қилган. Беклар, тожу тахтим учун йиғлайман. Бир куни ўлсам, юртимда ўрнимга қоладиган киши йўқ”, дея кўз ёши тўкишда давом этади. Бу ўринда ҳам ўғил нафақат насл давомчиси, балки эл-юрт бошчиси эканлигига урғу берилади. Шу зиёфатда Бойбичанбек ҳам қизи йўқлигидан надомат тортади. Беклар уларнинг ҳақиқа дуо қиладилар. Шу тариқа улар фарзандли бўладилар.

Оталар фарзандларини анъанага кўра жасур, мард йигит қилиб тарбиялайдилар. Бола ёшлигидан камон отиш, от миниш, ов қилиш, қилич тортишни ўрганади. Айни чоқда улар эс-хушли, катталарни хурмат, кичикларни иззат қиладиган фарзанд бўлиб етишадилар. Бу борада ҳам Дада Қўрқут достони билан бошқа достонлар, хусусан, “Алпомиш” достони билан менгзаш нуқталари кўп.

Шуниси борки, беклик қилиш учун бек фарзанди бўлишнинг ўзи кифоя эмас. Бек фарзанди қаҳрамонлик кўрсатиши, бекликка лойиқ эканлигини амалда исботлаши шарт. Достонда қаҳрамонлар тасвиридан келиб чиқадиган маъно шуки, раҳбар бўлиш учун йигитдан лаёқат билан бирга ҳалоллик, маънавий поклик, мардлик талаб қилинади. Масалан, Қозонбек бир зиёфатда ўнг томонида ўтирган укаси Қора Гўнага, чап томонидаги тоғаси Арузга қараб севинади, бироқ рўпарасида ўғли Урузни кўриб йиғлайди. Бу Урузга ёқмайди ва боисини сўрайди. Қозонбек укаси билан тоғаси қаҳрамонлик кўрсатиб, ном қозонганини, Уруз бўлса 16 ёшга тўлган бўлса-да, иш кўрсатмаганини, ўзи бир кун вафот этса, тожу тахтини Урузга бермасликларини, шу сабабдан йиғлаганини айтади.

Анъаналар жамият ҳаётини изга солади. Анъаналар йигит вояга етганида иш кўрсатишини тақозо этади. Унга қадар йигитга лақаб берилмайди. Исм қозониш учун иш кўрсатиш лозим. Болалар ўн беш ёшгача эркин, ўйин билан машғул, ундан кейин эса ўзини кўрсатиб, исм қозониши тақозо этилади.

Дирсахоннинг ўн беш ёшли ўғли уч ўртоғи билан ошиқ ўйнаётганда уларга буқа ҳужум қилади. Уч бола қочади, бироқ Дирсахоннинг ўғли қочмайди ва ақл-фаросат, куч билан буқани енгади. Бекка офарин айтиб, Дада Қўрқутдан болага исм қўйишни сўрайдилар. Дада Қўрқут унга Бўғоч исмини, отаси тахт ва беклик беради. Кўринадики, бек ўғли ўзини кўрсатгач, исм олиш ҳуқуқига эга бўлгани сингари, беклик ҳам олади. Бундан ташқари унга 40 йигит ҳам берилади. Бу йигитлар хизматкор эмас, балки бек ёки бек ўғилларидир. Уларнинг ёнида хипча бел бек қизлари ҳам бор.

Достонда туркий халқлар турмуш тарзига хос ҳодисалар жонли тасвирланган. Улардан бири элнинг тўқ-фаровонлигини кўрсатадиган зиёфат анъанасидир. Байиндирхон берган зиёфат бундай тасвир этилади. “Хонлар хони Байиндирхон йилда бир марта зиёфат бериб, ўғуз бекларни меҳмон қиларди. Яна зиёфат ташкил этиб, отдан айғир, туядан нор туя, қўйдан қўчқор сўйдирарди”.

Достонларда мотам маросими тасвирига ҳам алоҳида ўрин берилган. Байрак ўлди, деган хабар келганда: “Байракнинг отаси катта салласини ечиб, ерга отди, ёқасини йиртди, “ўғлим, ўғлим” дея оҳ-фарёд урди, оқ билакли онаси хўнг-хўнг йиғлади, кўз ёшлари дарё бўлди, оқ юзларини тимдалади, ол ёноқларини пора-пора қилди, тим қора сочларини юлди”.

Достонларда туркий халқларнинг муштарак анъаналари, урф-одатлари, маросимлари ёрқин акс этган. Миллат ва фарзанд тарбиясида уларнинг роли ва аҳамияти ҳали ҳозиргача барҳаётдир. Хулоса қилиб айтганда, Дада Қўрқут достони ўзбек, қозоқ, қирғиз, турк, туркман, озарбайжон ва бошқа туркий халқлар тарихи, этнографияси, фольклорини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлган юксак санъат асаридир.

Филиз ҚИРБОШИ ўғли,
филология фанлари доктори,
Малаця университети (Туркия)

Светлана ВАСИЛЕНКО

ЖАРАНГДОР ИСМ

Қисса



Германиянинг Лейпциг шаҳрида изланаётган ижодкорлар рўйхати бор эмиш. Уша рўйхатда Ўзбекистонлик ёзувчи Абулқосим Мамарасулов номи ҳам зикр этилганмиш...

Менга шундай хабар етиб келди. Билсам, Россия Ёзувчилари уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Светлана Василенко «қидирув» эълон қилган экан.

Света билан 1984 йили Москвада, Бутуниттифоқ Ёш ижодкорлар кўрик-танловида танишганмиз. Биз Даниил Гранин, Алесь Адамович, Евгений Сидоров каби забардаст ёзувчилар раҳбарлик қилган кўриқда бирга қатнашгандик. Света Москвада яшайдиган, тап олинган ёш ижодкор сифатида кўрик-танловнинг ташкилий жараёнида иштирок этган, Ўзбекистондан борган қўлэмаларни varaқлаб, Абулқосим Мамарасулов ҳикояларига қизиқиб қолган, кейин Абулқосим Мамарасуловни асосан москвалик ва петербурглик ёш ёзувчилар қатнашган Даниил Гранин гуруҳига қўштирган экан.

Светлана Василенко ҳикоялари ўша замонларнинг энг номдор, энг оммавий, 3.100.000 нусхада чоп этилган «Юность» журналида бир неча бор нашр этилган эди.

«Мен асли Астраханликман. Ота-боболаримиз туркийлардан бўлишган», деган эди суҳбатларимизнинг бирида Светлана Василенко. Ана шу томирларда оқаётган қош, назаримда, ногоҳ унинг асарларида ҳам ўзини билдириб қўяверади. Астархондан олиб борилган каттакон тарвузлар... Оқтепаннинг шошқин сувлари... шовуллаган тераклар... ни эслганда нафақат ҳикоя қаҳрамонининг, балки ўзини мутлақо кўрсатмаган, ҳолис туриб берган ёзувчининг ҳам юрак орзиқишларини беихтиёр ҳис қиласиз. Астрахан — Атархон — Аштархон — Хожи тархон қудратли Олтин Ўрда давлатининг Сарой Беркадан кейинги иккинчи марказий шаҳри бўлган. Бу шаҳарда кўплаб туркийлар истиқомат қилишган ва қилишади...

«Светлана Василенко — ўз мавзусига эга ёзувчи, — деган эди машҳур танқидчи Евгений Сидоров «Жарангдор исм» қиссасига ёзган сўзбошида. (Москва. «Юность» журнали, 1988 йил 11-сон) — У чидаб бўлмайдиган даражада аччиқ ҳақиқатларни эринмасдан қат-қатига қадар varaқлаб очиб боради. Бу гаплар айниқса аёллар характериға тааллуқли».

Азиз ўқувчи! Яхшиен ўзиниғиз мазкур қиссани ўқиб чиқинг, баҳра олинг, баҳо беринг. Менимча, аёл ва эркак муносабатларини охириға қадар очиб бериш — бош мақсад эмас, балки бош мақсад йўлидаги бир восита, ҳолос. Бош мақсад эса — инсоннинг ўзлигини очини, инсоннинг ўзлигини ўзига кўрсатиш.

Таржимон.

Одамларнинг юзлари иссиқдан қизариб, терлаб, бўғриқиб кетган. Бу юзларни гўё ҳаммомда қизиган тоғора дейсиз. Қилт этган шабадани соғиниб, қотиб қолган, чанга ботган қайишлар гўё қуриган супурғиларни эслатади. Хуллас, теvarак-атроф, уф-ф, қайнаб боряпти. Бир сўз билан айтганда, ёз ўз ҳукмини ўтказаяпти. Москванинг ёзи ҳаммомнинг буёхонасига ўхшайди. Натканинғ эса, ҳа, ўша, почтанинғ посылкалар бўлимида ишлайдиган Натканинғ ишхонасидаги посылкалардан эса сасиган, чирган олмаларининг, ноқларининг хиди гупуради.


Қайнаган ёз қуллари хўл мевали посылка жўнатишга бало борми!? Ахир бунақа нарсалар ярим кунда бузилиб бўлади-ку! Натка посылкалар бўлимининг эшигини гўё нашатир спирти бутилкасининг қоққоғини қўпораётгандек эҳтиёткорлик билан очади. Югуриб киради, керакли нарса-

ни олади, югуриб чиқади ва эшикни беркитади. У посылкалар бўлими бошлиғининг ўринбосари. Шанба кунлари у посылкаларни тарқатиш билан шуғулланади. Посылка олувчилар қизарган, терлаган, бўғриққан, оғизларидан сўлақларини сачратиб, шикоят ёзишларини айтиб ўшқаришади. Қўрқитмоқчи бўлишади. Натка сасиб кетган посылкаларни тарқатаяпти. Посылкаларнинг бурчақларидаш алламбалолар сирқиб оқаяпти. Натканинғ устидаги қора халат шилимишқ шираға ботган. Унга пашшалар чанг солишяпти.

— Ў-ў, бу ерда пашшалар учаяпти, ў-ўлди, дизентерия!

Посылкаларни шу ерининг ўзида очиб, сасиган олмаларни Натканинғ бурни тағига нуқадилар.

— Вой худойим-эй, ахир ҳаво бунчалар қизиб кетган бўлса, мен нима қила оламан!?



— Пашшаларни йўқ қилинг!

— Пашшанинг бунга нима алоқаси бор!? Сиз ахир бари бир бу сасиған меваларни емасиз-ку.

— Ҳа-а, ана шундай, демак, ҳар қалай, сиз бу меваларнинг сасиганини тан оласиз.

Бундай кунлари гирт тентакларгина почтага келадилар. Соғлар аллақачон Москвадан қочиб чиқиб, соясалқинда дам олиш ва Москвадаги тентакларга посилка жўнатиш билан шуғулламоқдалар.

Соат олти. Тамом! Натка кийимларини алмаштирди. Ўзидан нуқул сасиған олма ҳиди анқийтгандай туюлди-ю, Натка қўлларини ювди. Сасиқ ҳид сақланиб қолди. Натка қўлларини совушлаб ювди.

Метрода тер ҳиди. Кийимлар, қўйлақлар, қўлтиқ тағлари—тердан қорайиб кетган. Ҳаммадан тер ҳиди анқийди. Наткадан эса сасиған олма ҳиди. Ётоқхонада Натка ваннахонага кирди-ю, ҳар икки кранни барабар очди. Идиш сувга тезроқ тўлса, кийимларини ечади-ю, ваннадаги совуқ сувга ўтириб, бир зум тош қоатади. Натка ўзини қурбақадай ҳис қилди: ўпкасини ҳавога тўлдирди-ю, сув остига бошини тикди. Ва шу тахлит анча вақт ўтирди. Ва бир пайт музлатгичда музлаб ётган товук гўштини эслаб қолди. Ҳамма ёқда ҳамма иссиқдан бўғриқиб ўлай деяпти-ю, товук гўшти музлаб ётипти. Натка овқат пиширишни яхши кўради. Почтада бир талай “гўдак” почтадон қизлар бор. Улар пакетдаги супни ва тайёр “Гурьев” манная кашасини пиширишдан бошқасини билмайдилар. Улар кечкурун арзонгаров колбаса ейдилар, эрталаблари эса шу колбасани оловда тоблаб нонушта қиладилар. Натка ана шу қизалоқларга украинча шўрва, қовурилган ўрдак каби овқатлар пишириб беришни хуш кўради. Натка пулсиз қолган кунлари бу қизалоқлар Наткани мойли бутерброд билан сийлайдилар. Баъзан улар тонгда, соат бешлар атрофида, билдирмайгина Натканинг нонуштага олиб қўйган шўрвасини тинчитадилар ва ишга кетадилар. Кечкурун эса ўзларининг димланган пишлоқларини ким ўғирлаганини аниқлаш илтижиде жанжал кўтардилар. Наткадан ҳам гумон қиладилар... Бугун улар йўқ, Бугун — шанба! Ҳаммалари Сокольниковка, рақс майдончасига физиллашган. Бу қизчалар Москвага яқиндагина Калуга вилоятидан келишган. Рақс майдончасини биринчи бор уларга Натка кўрсатди. Ҳаммасини етаклаб борган эди. Энди бу қизлар ҳар шамба-якшанба кунлари рақс майдончасига қочинишди. Наткасини! Натка уларнинг қошида кайвони! Бундай олганда Натканинг ўзига ҳам энди рақслар ёқмай қолган. Бош-оёқ жинси кийган йигитчалар, қизчалар хўмрайганча чекадилар, хўмрайганча эришибгина рақс тушадилар, тўғрироғи, кийшанглайдилар. Кийимларидан на бир ялтир-юлтур, на бир очик ранг! Нуқул жинси! Худди харбийлардек... Чамаси уч йилча бурун эди... Юля билан Натка тахта зиналардан майдончага кўтариллишлари билан уларни таклифларга кўмиб ташлашарди. “Бизнинг қишлоқлигимиз яққол билиниб туради”, дер эди Юля. У пайтлари қизил ва сариқ ранглар удумга кирганиди. Қизил-сариқ рангга кўмилиб кетарди майдонча. Ҳақиқий карнавал! Ё энди шундай туюлармикини?! Ким билсин.

Натка музлатгичдан товукни олди: мойли, швейтсариянки, усти оппоқ қилиб тозаланган, гўё швейтсариянинг юзидек. Натка товукни декчага қўяр-қўймас даҳлизда қизил телефон астагина миёвлади. Ва қандайдир эркекнинг ҳорғин овози: “Илтмос, Наталья Садовниковани чақириб беринг!”

— Мен эшитяпман, — деди Натка.

Овоз танишга ўхшарди. Овоз бўғриқди, муштларини ҳаволатди, майинлашди ва... ва ғоятда қадронга айланди: “Ҳа онагинангини, аблаҳ! Ҳа онагинангини сени, дўстларни шунақа тарзда кутиб оласизларми? Мен елкамда

ўттизта жомадонни, йигирмата саватни, ўнта қутини, иккита зил-замбил тарвузни, оғирдан-оғир омонат қутини кўтариб келсам-у, мени ҳеч ким кутиб олмас! Поезда мен ҳаммага ёлғон гапирдим. Мени эллик киши, бир автобус одам кутиб олади, дедим. Камида элликта букет билан мени гулларга кўмиб ташлашади, дедим.”

Сашка! Вой худойим-эй! Бугун Сашка келиши керак эди ахир, наҳот эсдан чиқарди?! Юлянинг эри! Астархондан келган. Албатта, Натканинг ота-онаси ҳам ҳаракатларини қилишган: иккита зил-замбил тарвук билан оғирдан-оғир омонат — Наткага! Ота-онасидан! Ахир кечадан олдинги кун Юля сим қоққан, кутиб олишни илтмос қилган эди.

— Оббо тадбиркор-эй, — кулди Натка. — Сени ҳатто танимапман ҳам. Юля қандай?

— Юлька? Юлька ҳали яна бир-икки ҳафта баданини қорайтириш учун ўша ёқда қолди. Мен эса қорайиб бўлдим! Тасаввур қиласанми, у бронзага ўхшаб ялтираб боряпти, музейга қўйсанг ҳам бўлади. Мен тўғри гапни айтяпман. Мен эса аксинча, мис чақага ўхшаб қолдим. Хуллас, менга ёқмади. Қисқаси! Автобусга ўтирди, тез омонатингни олгани етиб кел, йўқса, сасиб кетади. Мен ўрнимдан туролмаяпман. Пишиб қолдим.

— Сая! Сань! Мениям пложим йўқ! Мен товук пиширяпман! — Шундай иссиқда кўчага чиқишини тасаввур қилиб, Натканинг оёқлари қалтираб, овози бўшашиб кетди.

— Товук дейсанми? — Сашка ўз ҳисоб-китобини қилиб, бир пас ўйланди-да, Натканинг қулоғи тағига қичқирди: — Қисқаси! Ҳаммаси аниқ! Яримгани оламан-да, етаман! Товуқнинг дастурхонда бўлсин!

Ва... телефон дастагини жойига қўйди. Натка тишириллаб қолди. Ошхона кранини очди. Товук музи бир соат эриши керак. Хонасига бир ҳафтадан бери супурги тегмаган: супурги, сув тўла пақир, латта, қайдасизлар?... Столга қизил дастурхонни тўшади. Кимёвий тозалаш бўлимига берган эди, бир оз ранги ўчиб қолипти. Бўлаверди, энг асосийси, доғлари йўқ. Қизил дастурхон устидан клеёнка тўшади. Бўлди! Ҳеч қанақа доғ қўршмай қолади. Столга — ваза қўяди. Вазадан қамишчалар осилиб турипти. Бу малларанг қамишчалар бир йилдан бери шу тахлит турипти, уйдан, Астархондан келтирилган. Дастурхонга салфеткалар қўйди. Момик, жинси каби кўк. Хуллас, ҳаммаси жойида, таомилга кўра.

Товук ҳалиям эримапти. Натка уни қўлига олиб ишқалади. Қўллари товукмисол яхлаб кетди. Ҳўл бўлди. Натка хонасига югурди: стулларда кийимлари бетартиб осилиб ётипти. Кийимлар шкафга! Шкаф ёнилади! Шкафнинг эшигига эса сурат ёпиштирилган. Япон қизи, қизил кимонода! Чойни кўз-кўз қиляпти, оғзини очмасдан жилмаяпти. Кимоноси дастурхон рангига. Зўр! Натка қизил, енгил, енгисиз қўйлагини кийди. Натка шкаф кўзгусига тикилиб, ўзини томоша қилди, оғзини очмасдан жилмайган киши бўлди, чунки чекаверганидан тишлари сарғайиб кетган. Қизик, япон қизлари чекармикан? Балки манавиники кўп чой ичганидан сарғайиб кетгандир.

Бу орада товук эриб қолди. Бўлақланди. Саша ҳануз йўқ. Натка хонасига кириб, тартибдан қоникди. Сўнг ошхонага ўтиб, табуреткага чўкди-да, сигарета тутатди. Сигарета тутатиб, озода хонани, эриган товукни нишонлади! Уйда, кичкинагина шаҳарчада ҳамманикида ҳамма нарса батартиб. Барча хоналар ва ошхоналар ҳаммаша озода сақланади. Уларнинг шаҳарчасида ҳам кишилар мана шундай ошхоналарда табуреткачаларда ўтирганча сигарета тутатадилар, меҳмонни кутадилар. Кастрюлкада эса нимадир қайнайди. — меҳмон шарафига! Ёки пишадиган нарса пишиб бўлган. Одамлар телевизор томоша қилганча меҳмонни кутадилар. У ёқларда меҳмондорчиликка сим қоқмасдан, таклифсиз бораверадилар. Шун-

дай! Кириб борадилар. Бўлди! Ва ҳаминша меҳмонни тўйдирадилар, кечаси алламаҳалгача ҳангома қиладилар: масалан, Верканинг ҳовлиси жуда ифлос, тозаланамайди... Володька Жмихов негадир керилиб қолди, икки кундирки, ҳеч ким билан саломлашмайди... Қўёнларни сўйиш вақти етди, Николай Николаевич эса кечаю-кундуз ичяпти, бошқа ҳеч ким қўёнларни сўя олмайди... Масалан, яна Кисляковларнинг катта қизи ғоятда гўзал, иккинчиси эса хунук. Ота-оналари эса чиройли ҳам эмас, хунук ҳам эмас, шунчаки эл қатори одамлар. Нега бунақа экан, тушуниб бўлмайди. Э йў-ўк, Валька ёшлигида чиройли эди... Бўлди! Шу билан тортишув бошланади. Тортишув иккинчи кунни ҳам давом этади, чунки иккинчи кун — дам олиш кунини. Фақат иккинчи кунни баҳс биринчи кунни меҳмон бўлганинг уйида давом этади. Таомил-да! Шаҳарчалари шунақа, тинч, шинам. Фақат йиғитлар етишмайди. Йиғитлар ҳозир қаредаям етишарди дейсиз. Фақат биз йўқ жойларда.

Натка деразадан ҳовлига қаради. Кираверишда сўрида кайвони кампирлар эртадан кечгача ўтириб карта ўйнашади. Кечкурун, қон қорайса, кампирлар ҳатто қўшиқ айтишади. Икки-учта қўшиқ айтишади-да, уй-уйларига тарқашади. Натка деразадан кампирлар томон келаётган Сашкани кўрди. Сашка қип-қизариб, терлаб, ҳансираб ҳайхотдай тўрва-ю, иккита катта тарвужини кўтариб келарди. Сашка Натканинг қизарган, бўғриққан миқозларига ўхшайди. Агар қўлтиқларидаги тарвужлари бўлмаганда Натка уни танимаган бўларди. Миқозларидан фарқолмасди. Сашка кампирлар билан сўрашди, уларга олма улашди — Наткага аталган тўрвадан! Сашка кампирларга ниманидир айтиб берди, кампирлар маза қилиб кулишди, Сашкага ҳавас билан тикилишди. Сашка ўрта бўйли, бақувват, миқти, сочлари калта қирқилган, ҳарбий. Катта лейтенант. Сашканинг устида куйлаётган Элвис суратли футболка бўлса-да, кампирлар унинг ҳарбий эканини сезишди. Натка юргиллаганча эшикнинг қулфини очиб қўйди. Эшик жиринглаганда эса ошхонадан қичқирди: “Кираверинг. Эшик очик!” Худди кинодагидай. Кимдан беркишиб эшикни қулфлайсан? Натканинг ўнг қўлида қошиқ, қошиқ билан овқатни араштираётган, чап қўлида эса сигарета.

— Э, қанақа одамлар яшайди бу ерда! — вағиллади Сашка. — Ҳатто шу ердаям мени кутиб олишмайди-я!

Ва Натка унинг қаршисида пайдо бўлади. Ўнг қўлида қошиқ, чапида сигарета. Ва озини очмасдан қилмади. Сашка эса унга қараганиям йўқ. Сашканинг кўзлари тутаётган сигаретада. Кўзларида ғазаб, худди Юльканикидай. Юльканинг кўзлариям кичкина, лекин қисик эмас, мушукниқига ўхшайди. Сашка тўрвани ерга қўйди, тарвуж солинган тўрхалталарни эшикнинг тортиқчига осди. Натканинг қўлидаги сигаретани шант билан юлиб олганча ерга улоқтириб, роса эзғилади. Гўё шундай қилмаса сигарета оёққа туриб қочиб қоладигандай.

— Қўлдан чиқиб кетибсанлар! — Ҳазабланган киши бўлди Сашка. — Ҳа, оналарини! Хў-ўш, қани, қандай яшайсан? — Сашка ошхонага ўтди-ю, кастрюлкани очиб кўрди. — Во. Ҳидини қара!

Сашка кремлен шимидан зорланди. Шаҳарчаларида яхши эди, Сашкаям, Юля ҳам шортиқда юришарди. (Юлянинг оёқлари ғоятда гўзаллашган. Афсус, минг афсус, Москвада ҳозир мени удум бўлган, ҳеч ким Юлянинг оёқларини кўриш бахтига муяссар бўла олмайди.) Сашка Москвани сўқаяпти. Москва қайнаб ётипти. Иссиқ. Тўғри, Астархондаям иссиқ, худди фин ҳаммоми дейсан. Аммо қуруқ иссиқ, шортиқда юраверса бўлаверади, ҳатто айримлар қулган бўлсаям. У ёқларда шортиқда юриш мумкин, чунки улар москваликлар ҳисобланганида. Москвада шортиқда юриш учун эса москвалик бўлиш камлик қилади. Москвада шортиқда юриш учун чет эллик бў-

лиш керак. Қизиқчи бу Сашка деганлари, Юльканинг эри. Картошкани тозалашмоқчи бўлди, аммо Натка бунга йўл қўймади. Ўзи тозалади. Сашка эса хонага, ошхонага кириб-чиқиб, ўтган-кетганлардан, Натканинг ота-онасиникига меҳмонга борганидан, нима қилганидан сўйлади.


— Отанг билан роса ичимиз. Отанг бир зўр овқат тайёрлади. Бунақасини “Славян бозориди” ҳам емаганман. Чин сўзим! Юлька мени аранг уйга судраб олиб кетди. Сенинг синглинг зўр экан! Уйлансанг шунақа қизга уйлан! Эҳ! Нечинчи синфда ўқийди дейсан? Олтинчи? Менинг кўзимга вояга етгандай туюлди. Шу сабабми, Жюльетта билан уришиб қолдик. То бу ёққа жўнаганча гаплашмадик. Э, жуда кўп ичиб юборишимиз-да ўзи! Отанг — бақувват! Отанг ҳам ... отанг билан жанжаллашди.

Картошка кастрюлкада қайнапти. Натка товуқни тухумнинг сариғи билан обдон ишқалади-да, қовуриш учун товага солди. Сашка эса пляж ҳақида ҳикоя қиларди: қайиқ қирғоққа қандай тўхтади, Оқтепада сув оқимининг шиддати... сув — муздай. Қум эса товонларни куйдиради. Юля бакенгача сузиб борганию, қайтиб сузишга кўрққани, кейин Сашка уни қутқариш учун боргани ва сув шиддати уни оқизиб кетгани, Юля уни қутқараман деб, бакенга есилиб қолгани, кейин қутқарувчилар ҳар иккаласини қутқарувчилар қайиғига тортиб чиқаришгани, Юляни оёқларидан тортиб олишгани, чунки Юля қўллари билан бакенга тармашиб олган эди. Юлянинг айрим бармоқлари чиқиб кетган, қўллари қон, чунки тросни маҳкам қисган-да!

Натка Сашка келтирган тўрвадан помидор олиб салат тайёрлади. Сашка эса помидорга бўкиб қолганини ҳикоя қилди. Помидорнинг бетигаям қарагиси келмай қолган эди. Энди эса... энди ейверсаям бўлаверади. Кейинроқ, стол атрофида ўтирганларида Сашка деди: “Сенинг хонанг шинамгина экан! Меникида нукул чанг, кампирлар сасиб ётишпти. Сен биласан-ку, бизнинг уйда нукул кампирлар яшашади. Бутун мен у ерда жинни бўлиб қолай дедим”.

Натканинг онаси бериб юборган ичимликлардан ичишди.

— Энг қизғини ҳали айтмадим, — давом этди Сашка, — Юлькани қирғоққа олиб чиқдик. У қимирламасдан ўзи тирмашиб қолган бакендан кўз узмасди. Қўллари эса қон! Мен унга: “Юлька! Юлька!” У эса... индамайди. Эшитмайди. Қотиб қолган. Бакенга тикилганча жим. Шу пайт кимдир аслади: “Хотинингни эмлатиш керак. Трос занглаган”. Шу пайт Юльканинг сакраб турганини кўрсанг эди. Укол қилишнинг ҳеч кераги йўқлигини, кечагина эмлашганини тушунтирадим-ей. Бир вақтлар у ўзини занглаган миҳга уриб олган экан, ўшанда укол қилишган. Юлька ҳаммага оёқларидаги жароҳат изини кўрсатди. Тиззасидан тепарақда, кўрган бўлсанг керак. Тасаввур қилисанми, эркак битганининг бари келиб, Юльканинг оёғини томоша қилади десанг, гўё жароҳат изини кўздан кечираётгандай. Охири чидай олмадим. Бўлди, тарқалинглар, дедим. Бу жароҳат изи Юлькада чақалоқлигидан қолган, дедим. Кимдир кетди, кимдир тўхтаб, жароҳат қачон пайдо бўлганини муҳокама қилди. Вой эшшаклар-эй! Шунда мен Юлькага ўқталдим. Кетдик, укол қилдирамиз, дедим. Йўқса, яна ўша бакенингга ёпиштириб қўяман дедим. Шунақанги жаҳлим чиқиб кетдики! У юрди... оқсаб юрди. Жиннишини бўлиб қолмадимикан, деб ўйладим. У эса оёғидаги жароҳат изидан қутулиш учун уколга олиб борапти, деб ўйлаб, баҳона қилаётган экан. Аслида, эркаклар оёғини қисимлаб кўравергани туфайли оёғи тошдай қотиб, оқсаган экан. Кейин қўли тез тузалиб кетди, оёғи эса... анча вақт кўкариб юрди. Уяласан одам. Яхшиямки унга суғийи ҳаво юборишмади. Аблахлар! Оёқлари зўр-да унинг!



Натка оёқларини стол тагига яширди. Сашка унинг ориқ оёқларини ҳамиша калака қилади. Сашка ичар ва гапирар, гапирар ва ичарди. Сашка ёйилиб кетди. Натка унинг ликопчасига картошка солди, тованинг қопқоғини кўтарди

— Э барака топ! Сен оддийгина товукни хурилиқо қушга айлантирипсан-ку!

Натка қулди.

— Ҳақиқатан ҳам Ванька-аҳмоқ аҳмоқ бўлмаган, — деди Сашка. — Бекорга хурилиқо қушнинг ортидан қувиб юрмаган. — Сашка товага тикилганча қичқирди. — Менга оёғини бер, оёғини! Мойли жойларидан! — Сашка қичқираркан, ногоҳ Натканинг стол тагига яширган оёқларига эътибор қаратди. — Қани, бу ёққа чиқар! Нега яширасан? Александр Викторовичдан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди! Оёқларинг баттар қуриб, чилликдай бўлиб қолишми? Александр Викторович оёқларни жуда хурмат қилади.

Ва Натка шу сонияда ўз рюмкасини бир сипқориб бўшатди-да, оёқларини яширган жойидан чиқариб, Сашканинг тиззалари устига қўйди: ол, қарайвер, бу ёғи нима бўлса бўлди! Бир биримизга бегона эмасмиз, ахир!

Ва Сашка Натканинг оёқларига назар солди, худди ўқитувчи ўқувчисидан имтиҳон олаётгандай. Эракчасига! Гўё ўша, пляждаги эраклар Юлянинг оёқларига назар солганлари каби!

— Ҳечқиси йўқ! Бўлаверади! — Таскин берди Сашка. — Юльканикига етишига анча бор, албатта! Аммо Софи Лорен оёқлари билан тенглаштиришга арзийди! Айтгандай... эшитдингми, Лора туғити!

Икковлон кула бошлашди. Роса маза қилиб, қийқариб кулишди.

— Туғитими? — сўради Натка кулги аралаш.

— Туғити, — деди Сашка. Ва улар ўзларини кулгидан тўхтата олишмасди. Кўзларидан ёш чиққанча обдон кулишди. Натканинг оёқлари Сашканинг тиззаларида, оёқлар ва тиззаларнинг эгалари кулганларида оёқлар ва тиззалар ҳам сакрар, улар ҳам эгалари каби маза қилиб кулардилар.

— Лора-я? — сўрайди Натка.

— Лора! — тасдиқлайди Сашка. Ва уларнинг кулгилари баттар авжланади.

Лора Натка ва Юля билан бир синфда ўқиган. У Наткадан кичикроқ, тарашадек ориқ, кўримсиз қиз эди. Юзида ҳамиша чарчоқ ифода, жиддий чол-бола эди у, Лора! Улар Натка икковлон бир томонда яшардилар, бирга мактабга қатнардилар. Йўл ярим соатлик эди. Ва ана шу ярим соат давомида Лора арифметиканингми, тарихнингми бир параграфини ёдлаш учун овоз чиқариб такрорлагани такрорлаган эди. Уйга вазифани ёдлашга уринарди. Аммо бари бир эсидан чиқариб қўяверарди. Натка ёнламасига унга ачишиб қараб қўярди: ўқи, ўқийвер, аҳмоқ, бир умр ўқи, бари бир ҳеч кимга керагинг бўлмайди. Сен бечорага эс-хуши жойида ҳеч бир йигит уйланмайди. Ҳамма унга ачинарди. Ана шу Лора ўтган йили бирдан, ҳеч ким кутмаган бир вазиятда шаҳарчанинг энг баркамол йигитига турмушга чиқди. Бу йигит аввалдан, мактабда ўқиб юрган пайтлариданоқ, ўзинчи синфда Лоранинг орқасидан — шаҳарчанинг энг "гўзал" қизи орқасидан — юрарди. Лора эса бу орада ҳеч қанча ўзгармади. Ўша, ўша! Ўшандан буён шаҳарчада латифа юрарди: "Биласизларми, Лора турмушга чиқити!" Мана энди янги латифа: "Биласизларми, Лора туғити!"

— Бўлди! Бўлди! Мен ҳозир ўлиб қоламан! — деди Натка, кула-кула унинг дами ичига тушиб кетган, овози чиқмай, қоринни тангаллаганча ётиб куларди. Оёқлари эса Сашканинг тиззаларида сакрарди.

Ва ниҳоят улар кўз ёшларини артиб, бир-бирларини кулгидан тўхтатишга ўтишди. Маза қилиб кулдик,

бўлди энди! Етади! Улар юзларига жиддий тус бердилар, ўзларини жиддий кишилардек тутдилар. Ва яна қайсидир бири сўрарди: "Туғди, дейсанми?" Ва яна ҳаммаси бошқатдан бошланарди.

— Ортиқ чидолмайман! Бўлди! Бўлди! — деди ниҳоят Натка ва жиддий тортиб сўради. — Демак, туғдими?

— Ҳа, — деди Сашка ҳам жиддийлашиб. Кулиб-кулиб чарчашди. Куладиган ҳоллари қолмади. Ҳатто томоқлари хириллаб, нафас олиш ҳам қийинлашиб кетди. Гўё шунча вақт маза қилиб кулишмагандай, гўё хонадаги шкафни шунча вақт тинимсиз у ёқдан бу ёққа судрашгандай, ҳолдан тойишди.

— Хурилиқо қуш совуб қолди, — деди Натка ва оёқларини Сашканинг тиззаларидан олмоқчи бўлди. Товукни товадан ликопчаларга солиб дастурхонга қўймоқчи эди. Сашка эса унинг оёқларини қўйиб юбормади.

— Бемалол ўтирипсанми? — сўради Сашка.

— Бемалол! — деди Натка. Ва Сашканинг кўзларига узоқ, синамоли назар солди: бемалолликка бемалол, аммо... биз ахир ҳаммасини тушуниб турибмиз-ку! Ёш болалар эмасмиз! Оёқлар ўз йўлига, мен ўз йўлимга! Биз ахир тушунадиган одамлармиз.

— Менгаям бемалол, — деди Сашка. — Қўявер, ётаверсин! Иссиққина экан! — Ва у ҳам Наткага синамоли назар солди. — Бир биримизга бегона эмасмиз ахир!

— Ҳа, ўз-ўзимиз! — жавоб берди Натка. Ва япон қизга қараб, оғзини очмасдан жилмайди. Ва Сашкадан назарини узди. Ахир улар тушунган одамлар-да! Юляни унуттигани йўқ, ахир! Шу тахлит ўтиравериш қўрқинчли эди. Бир-бирига синамоли назар солиб ўтиравериш жудаям қўрқинчли эди. Оёқлари оғирлашиб кетди, гўё баданидаги бор қони оёқларига йиғилаётгандай. Ва Натканинг оёқлари гўё катталлашиб кетди. Шишиб кетди. Ва Натка оёқларини йиғиб ўтиришга уринди. Сашкага оғирлигини туширмаслик учун! Оёқлари бадтар оғирлашди. Чидаб бўлмай қолди. Сашканинг ўзи товукни ликопчаларга тақсимлади. Ўзига ва Наткага! Унга қулайроқ. Ейишди. Жимгина ейишди. Кейин кавшанишга тушди.

— Кайф! — деди Сашка орзуманд оҳангда кўзлари сузилиб. — Товуқлар учун ичамиз, а?

— Бўлди! Мен бошқа ичмайман! — деди Натка қатъий. Ва оёқларини Сашканинг тиззаларидан олиб ерга қўйди. — Қотиб қолди, — дея тушунтириш берди у.

Ва икковлари бирдай енгил нафас олишди. Оёқлар ҳақиқатан ҳам оғир экан. Ва икковлон баравар сўзлашга тутиндилар: "Биласанми?.." Ва нигоҳлари бир-бирига қадалиб, кулиб юбордилар.

Маза қилиб кулишди. Енгил тортиб! Ўз ҳолларича. Ана шундай! Биз ахир тушунадиган одамлармиз! Ўз-ўзимиз! Ўтирипмиз. Қуляпмиз. Юлькаям яқинда келади, оёқнинг нима кераги бор? Кераги йўқ бу оёқларнинг!

— Мен ҳаммасини адаштириб юборишман, — деди Сашка, — сенгаям, ўзимгаям нуқул қанотларни солишман. Бўлаверадими?!

— Бўлаверади!

— Аҳа! Уху! Ла-ла-ля-ля-ла! — қандайдир ҳиндча қўшиқни куйлаб юборди Сашка. — Бўлаверса, унда, кел, ичайлик.

— Аҳа! Уху! — Натка қўшиққа қўшилди.

— Ла-ла-ля-ля-ла! — биргалашиб куйлашди. Ва Сашка рюмкаларни тўлдирди. Улар дунёдаги барча товуклар учун ичишди.

— Хуллас, у ёқда бизнинг мактеблардан яна қай бирлари эрга тегди? — гўё лоқайд сўради Натка. Аммо юрагига совуқ бир нарса ўрмалаб, бутун вужуди кулоққа айланди.

Яқиндагина Юля икковлон ҳаммасининг ҳисобини олишганди. Синфларидаги қай бир қизлар эрга тегди, қай

ийгитлар уйланди. Маълум бўлишича, йигитларнинг салкам ҳаммаси иккинчи бор уйланишга улгуришган. Қизлар эса зўр-базўр эрга тегинган! Бахтсиз севгига дучор бўлишган! “Бешта! — деди Натка бармоқларини чисирлатиб. — Ҳали умид қилса бўлади. Шундайми, Юля? Мен энг охиргиси бўлиб қолмайман, а?!”

— Сен ахир ҳали эндигина балоғат ёшига етдинг! — дерди Юля, бахтли эрли хотин сифатида кўзларини сузиб.

— Хўш, яна кимлар? — сўради Натка

— Ҳеч ким! — бепарво қўл силкиди Сашка. — Навбатдагисини сенсан! Овқат пиширини биласан, гўзалсан, янаги йил уй-жой билан таъминланасан. Бунақа хотинни фақат орзу қилиш мумкин. Шундайми? Мен сендан сўрайман! Уй-жойли бўлсанг, кейин шошма. Унда бемалол танлаб тегасан. Ҳақиқий эркакни топиб тегасан. Тушундингми?

— Тушундим, — кулди Натка. — Болалар қандай?

— Болаларми? Горкаларинг уйланди. Гелашвили.

— Гошқа?!

— Ўша! Тўйида ичавериб гишт бўлиб қолишимиз...

— Сашка қандай ичганларини тушунтира кетди.

Аммо Натканинг кулоғига гап кирмасди. Гошқа Гелашвили уйланди. Гошқа! Гошенька! Гошечка!.. Натка ҳануз ўзларининг битирув кечаларини унутгани йўқ. Синфнинг барча ўқувчилари инаҳарчанинг марказий кўчасини тўлдириб юришганди. Ўзлари севадиган, йўлнинг икки чети тераклар ва заранглар соясида қолган кадрдон кўчаларини тўлдириб сайр қилишганди. Дунё уларнинг оёқлари остида эди ўша дамлар! Энг бахтли дамлар эди ўша дамлар! Кўча тим қоронги эди. Зим-зиё! Чироқларнинг ҳаммаси ўчирилган эди. Уларда олти гитара бор эди. Капалак ҳақида кўшиқ куйладилар. Йўл бўйи бошқа битирувчи синфларга келдилар ва қичқирдилар: “10”Б” дан 10 “А” га салом!” Ва йўллариди давом этдилар. Йўл тугагач, яна ортага қайтдилар. Кейин ёмғир, ёмғир эмас, жала қуйди. Ва улар болалар айвончасида паналаб, кўшиқ айтдилар. Йиртиқ-ямоқ томдан эса томчи томарди. Томчи Натканинг бўйига тушиб, кўйлаги ичидан баданлари аро пастга думаларди. Натка эса кимирлама, Гошқа Гелашвили қўйинга сиғиб борарди. Гошқа эса ҳамма билан баравар кўшиқ куйлар, шу билан бирга Наткани тобора маҳкам ўз оғушига торгарди. Қоп-қора тун бўлишига қарамай, ҳамма буни кўрди. Тун бўлишига қарамай, ҳамма уларга эътибор берди, чунки илгари улар сира бунақа кучоқлашмаган эдилар. Одамлар кўз ўнгидая, одамлар кўзидан яшириб ҳам! Синф ахир ҳамма ҳақида ҳамма нарсани биларди... Кейин ёмғир тинди. Улар яна катта кўчага чиқдилар ва қўлмаклардан сакраб ўтдилар. Қизлар қийқирдилар. Гошқа эса жимгина уни кўзларига кўтариб олди-да, кўча бўйлаб, қўлмаклар оралаб, ҳаммага кўрсатиб олға юрди. Қизлар баттар позлашиб қийқирдилар, аммо уларни ҳеч бир йигит кўтариб олмади. Натканинг юзига, лабларига теракларнинг баргларида томчилар томар, ва у парво қилмасди. У ҳаммадан аввал юлдузни кўрди, чунки у Гошанинг кўлида эди, осмонга қараб ётган эди. Булутларни шамол тобора шиддат билан ҳайдади ва осмонда юлдузлар кўпайди. Ва Натка йиғлаб юборди. Бошқа ҳеч қачон юлдузларни ана шу тарзда кўрмаслигини англаб етиб, энтикиб, йиғлаб юборди. Бундан кейин ҳеч қачон ҳеч ким уни шу тарзда кўтариб юрмайди. Бунақа тарзда юриб кўшиқ айтишмайди, бу қадар бахтли бўлишолмайди! Ҳеч қачон! Такрорланмас лаҳзалар эди бу лаҳзалар! Ҳамма чарчади. Кимдир соат тонги бешдаги поездга улгуриши керак эди. Қизлар эса совқотиб қалтираб қолишди. Болаларнинг бошмоқлари сувга тўлди. Гитарачиларнинг бармоқлари чарчади, ҳаммаларининг овозлари ҳам кўшиқ айтавериш, толди. Умуман, улар энди кейинги, энди келаётган ҳаётга ўтиб бўлган эдилар. Улар энди бир-бирларидан

чарчаган эдилар! Улар хайрлашар, ўпишар, йиғлашар, поездга шошаётганларга омадлар тилашардилар. Ва ниҳоят фақат Натка ва Гошқа иккови қолди.

Гошқа ҳўл скамейкага пиджагини ёзди, икковлон ўтирдилар ва бир-бирларини кўчдилар. Натка совқудан қалтирарди, тишлари бир-бирига тегмай такилларди. Ва улар бир-бирларини янада маҳкамроқ, яна ва янада маҳкамроқ кўчдилар. Ва Натка лабларини Гошанинг бўйингами, қаеригадир бўйни атрофига босди ва йигит баданини ҳис этди. Лабларини унинг кулоғи орқасига босиб пичирлади: “Гошқа, менинг жундор Гошкам!” — Гошканинг бадани нуқул жундан иборат эди. Гошқа эса жим. Улар бир-бирини янада маҳкамроқ кучоқладилар. Аҳвол шу даражага етдики, ҳатто нафас олиш мумкин бўлмай қолди. Улар эса янада маҳкамроқ бир-бирини қисиб, кучоқларди, гўё бу охирги видолашув каби. Ва улар қизий бошладилар. Гошқа эса ҳамон ўпмасди. Натка қалтирарди.

...Ва қоронгида лаблари билан Гошанинг лабларини излади. Лабларининг бир чети билан Гошқа лабларининг бир четини топди-да, қотиб қолди. Сўнг пичирлади: “Ўп мени!” — Гошқа уни ўпишга уриди, унинг қуриб қолган лаблари четини Натканинг лаблари четидан ажратиб бўлмайдигандай эди. Ва Натка унинг лабларида қон исини туйди. Кейин у Наткани ишонимсиз, ўнғайсиз тарзда ўпди. Натка кулди ва деди: “Ана шунақа, биз ҳали ўпишишга ҳам ўрганмаганмиз!” Натка ўша кеча уялди. Шу пайтгача — шунчалар чиройли бўлишига қарамай — бирон марта биров билан ўпишмаганини айтишга уялди. Ва бирдан ҳамма нарса ўзгарди. Ўтиришлари ҳам ғалатидек туюлиб кетди. Бирдан шундай бўлди-қолди. Ўз-ўзидан! Ораларида шу тунда пайдо бўла бошлаган меҳр бирдан кўтарилди. Фақат унинг лабларидаги қон ҳидини туйгани қолди, холос. Лабларининг бир чети... Ўша Гошқа! Уйланишти.

— Юлька билан икки кун гаплашмадик, — давом этарди Сашка. — Ўша тўйда масликда қандайдир ёқмайдиган бир гап айтганман, шекилли. Герка уйланган қиз эса... дуруст — ёшгина, чиройлигина, эндигина ўн саккизга кирган. Сенга ўхшаб кетади, ушоққина...

— Ушоққина, дейсанми? — такрорлади Натка хаёлан ва яна хаёлга чўмди... Ва портлади. — Нега? Нега бунақа бўляпти, Сашка? Нега энди уларнинг ҳаммаси менга ўхшайди? Нима мен, мен модалар уйи эмасман-ку, ахир?! Ким у, ким у менга ўхшаганларни кўпайтириб ташлаган? Бир умр танҳо эдим, ўхшашни йўқ эдим! Энди ҳар икки қизнинг бири менга ўхшар эмиш!

— Э, ўпкангни бос! — хайрон бўлди Сашка. — Улар деганинг кимлар? Мен уни ушоққина, дедим. Бошқа ҳеч бир ўхшашлиги йўқ. Агар тўғрисиини айтадиган бўлсам, мен сенга ўхшаш гўзал қизни бошқа ҳеч ерда учратмаганман. Тушундингми? Натка, ке, ичайли!

Ва улар яна ичдилар. Ва хона аллақайгадир учиб, жойида айлана бошлади. Сашканинг юзи ҳам гоҳ яқинлашар, гоҳ узоклашар, унинг елкаси оша япон қизи лабларини қимтиганча кулимсираб турарди. Энди унинг лаблари ҳам кенгайган, лаблари қулоқларига етай деб қолган. Қизиқ, одам кулганда лаблари қулоқларига етиши мумкинмикин? Ногоҳ япон қизининг боши бурилиб, ўз қулоқларига назар солгандай туюлди. Японканинг кўзлари катта, қоп-қора! Японкаларнинг кўзлари ҳеч қачон бунақа бўлмасди. Бу эса ҳамон бўйинини буриб қулоқлари ортини кўришга уринарди. Натка японкани мазахлаб, қиқирлаб кулди. Японка ҳам қиқирларди. Ва ниҳоят Натка тушуниб етдики, ўзи кўзгуга тикиляпти, ўзига ўзи қиқирляпти, лабларини ёзмадан, аҳмоқона бир тарзда. О, Натканинг кўзлари! Катта-катта, мастона! Нуқул қорачикдан иборат! Қоп-қора кўзлар! Ва Натка Сашкага ўтирилди: Наҳотки мана шу тўнка Натканинг бугунги кўзларига эътибор бермаётган бўлса?! Наҳотки Натканинг сирли, ишвали нигоҳларини туймапти?! Саша эса тин-



май нималарнидир валдирар ва хона ичида сузиб юрарди. Наҳотки кўрмаяпти у ҳисси?! Яна бир пас ўтса, кўзлари хонасидан сакраб чиқиб, хона бўйлаб сузиб кетадигандай, Сашканинг кўзлари ёнида сузиб юрадигандай. Натка сузиб юрган Сашканинг юзини тутиб қолмоқчи бўлди. Кўрсин ахир у, Натканинг кўзларига эътибор берсин! Хайратлансин!

Бу кимнинг юзи? Сашканики. Сашка ким ўзи? Ҳа, Юля! Ҳа, бор эди шунақасиям, Юля деган! Кўзлари кичкина, кўзлари йўқ десаям бўлаверади. Мана бу кимнинг юзи? Бу юзини тутиб олиш керак. Ва Натка ўрнидан турди, тебранганча кутди. Қачон бу юз ердан кўтарилиб ўзига томон яқинлашишини кутди. Шунда тутиб олади, лабларига лабларини босади, яна қочириб қўймаслик учун. Лабларнинг четиди қон тафти... Гошқа! Гошқа-жон! Юзингдан тутиб қолай! Бу кимнинг юзи? Натка деворга нимадир урилганини англади. Кимнингдир юзи араб бир-икки кўзга ташландию, йўқолди. Қоп-қоронғу. Кимдир эшикни тарақлатиб ёпди. Ҳеч ким йўқ. Гум-гурс сокинлик. Натка қотиб қолган, букилмай қолган оёқларини судраб қароватга етдию, ўзини ташлади. Ва кўзларини юмди. Ва хона айлана бошлади. У ҳам хона билан бирга айланарди. Тез, тезроқ, янада тезроқ! Боши катталаша бошлади, ҳатто қўлга сиғмайдиган даражада катталашиб кетди ва айланаверди. Шу тарзда айланаверса, ҳозир боши бўйнидан чирт узилиб кетади-ёв! Натка қароватга чўкди. Унинг кўзлари қанақа эди бутун! Электр чироғи ёнди ва Сашка қайтиб кирди. Сашканинг гаплари қулоққа чалинди. Қўшнилари овоз кўтаргични улаштипти, шунга линияда ишқал чиқиб ўчиб қолган экан.

— Бир дақиқада ҳаммасини битириб ташладик, — давом этди Сашка. — Сенга ана шунақа эркак керак-да ўзи! Менга ўхшаган.

Сашка унинг ёнига ўтирди-да, елкасига қўлини ташлади. Ва Натка бу қўллар тафти аста-секин бутун баданини қамраб олаётганини англади. “Эркак!” У ёнидаги эркакка қаради. Сашка еб қўйгудай унга тикиларди. Унинг қарашлари шу қадар қисқа ва шу қадар узун эдики, ногоҳ кейинги сонияда нима юз беришини тушуниб етасан. Ва... шу заҳоти! — сигарета дуди ўтириб қолган мўйлов тафти, ғирт жинни, қўпол эркак лаблари, буралувчан тилинги ачқимтир таъми, тишларнинг бирига енгил тегиб тақиллаши ва хўрсиниш: “Бутун сенинг кўзларинг шунақаям эсни оғдираяптики!”

Ва улар тепага, янада тепароққа кўтарилишарди, ва бу тепаликда сокин нафас олиш мумкин эмас. Ўзингни унутар даражада тибқаланиб бақирмаслик мумкин эмас! Енгил учмаслик мумкин эмас. Ва ниҳоят... хўрсиниш... йинги... қичқир... ва Натканинг катта-катта, қоп-қора кўзлари ердан кўтарилиб ёнида ётган Сашканинг сузаётган, лоқайд юзи устида осилиб қолди.

Кейин лаблар билан унинг лабларига, жундор кўрагига етиш, терлаган юзини силаш мумкин. Ва арзимаган нарсалар ҳақида валақласа бўлаверади. Исталган нарсани сўрайверсаям бўлаверади, чунки энди ораларида чегара қолмади. Улар энди ғоятда қадрдон, жисман, балки руҳан ҳам! Ҳамиша шунақа бўлади. Мутлақо бегона одамлар бир неча сонияда қадрдонларга айланишади. Беш дақиқа аввал сўз тополмай ўтиришган бўлса-да, энди бир-бирига гал бермай гапиришади. Наҳотки бир киши билан бемалол хангома қилиш учун, қадрдон бўлиш учун, арзимаган нарсаларни ҳам бир-бирига бемалол сўзлаб бериш учун, қўлларига қўлларини қўйиб ўтириш учун, кўзларига бемалол қараш учун — у билан бирга ётиб туриш керак? Кўзларига қараш учун барча эркаклар билан ётиб туриш керакми? Сашанинг кўзлари ғоятда меҳрли! Бу кўзлар тафтини туйиш учун наҳотки Сашка билан бирга бўлиш керак?!

Айтишларича, биринчи бор бир-бирини учратганларида... бу ҳақда ҳеч қачон сўзлашмаган, ўйлаб ҳам кўришмаганди. (“Сен гўзал лўли қизга ўхшардинг. Сочларингдаги қизил гул даҳшатли даражада сени гўзаллаштириб юборган эди. Шунчалар гўзал эдингки, одам севиб қолишга қўрқарди. Сени севиб қолишни тасаввур қилишнинг ўзи даҳшат эди. Шундай гўзал қизга уйлансам, кейин уни қаерга қўяман, ахир?!”). “Сен эса ўзингнинг ўша қулғили бўйинбоғингни тақиб олганча “шейк”ка рақс тушган эдинг. — Вой, ўлиб қоламан мен! Сенга нима керак эди, — билмайман. Анави дўстинг эса, бор эди-ку, иккита тиши сўйлоқ, худди кўёниқидай, мендан сира ажрамасди. Мен удан қочаман, Юлька эса...” Иккисидан бири “Юлька!” дедими, бўлди, орага ўнғайсизлик чўқади, чунки уларнинг ўтмишида Юлька ҳаммиша бирга турган. Ҳар иккаласининг ҳам ўтмишида — Юлька! Фақат бугун Юлька йўқ! Шу сабабли бирови уни тилга олган заҳоти орага ўнғайсизлик қирарди. Нега энди ўзи йўқ Юлька бугун ҳам уларнинг орасида туриши керак? Қандайдир Сашканинг қандайдир Юлька деган хотини бўлса бўлгандир, бугун бунинг нима аҳамияти бор? Қандайдир Натканинг ҳаётида ҳам қандайдир эркаклар бўлган, фақат эри эмас. Бутун ҳаётига Сашка кириб келди, эри эмас, йўқ, эри эмас, ҳеч кимнинг эри эмас. Сашканинг ҳаётида ҳозир фақат Натка бор. Фақат Натка! Шундай экан, қанақандидир Юлька бу ерда бало борми? Ҳатто унинг кўзлариниям Натка эслай олмасди. Кўзлари бормиди ўзи унинг?! Ҳатто юзинида эслай олмайди. Уҳ, юзсиз Юля! Узоқларда қолиб кетган, йўқ у! Фақат қандайдир “Юля!” деган исм тилига чиқиб кетди-да! Бор-йўғи битта исм. Гўзал исм. Жудаям жарангдор исм. Натка учун бу исм шунчалар жарангдор бўлса, у Сашкага қандай таъсир қилар экан? Улар энди ўтмишини эслай олишмасди, чунки ўтмиш қулоқлари тагида жарангларди. Батанг қилар даражада. Жудаям жарангдор ўтмиш! Улар фақат бугунни эслагна маҳкумдилар.

— Мен ҳатто ўйлаб ҳам кўрмаган эдим.

— Мен эса ниманидир сезган эдим.

— Ҳар қандай эркак ҳам ёлғиз аёл ҳузурига бораётганда ниманидир сезади.

— Нима-а?! Сен ёлғиз аёлмисан?

— Ҳа, ёлғиз аёлман.

— Мен-чи?

— Ёлғонлама! Юльканинг айтишича ҳар иккинчи...

“Юлька!” — Жудаям жарангдор-да бу исм! Иккаласининг бугунги ўтмиши Юлькасиз ўтмас экан.

— Хў-ўш, Юлька (жарангламай ўлсин!) нимани айтиб берган экан? Бетайин у!!! Сенинг Юльканг! (жарангламай ўлсин!). Ахир мен Юлька ҳақида сенга ҳеч нарса деганим йўқ-ку! (жарангласа жаранглайверсин!) Сенинг Юльканг (қанчалар жарангдор-а!) нақадар бетаясир экани ҳақида ҳеч нарса демаганман-ку! Айт, бошладингни, айт-да! Нима деган у мен ҳақимда?! Ўша Юлянг билан қўшмозор бўлларинг! Даф бўлларинг! (Нега унинг исми бунчалар жарангдор, а?! До-ре-ми-фа-оль-ля. Ля! Ю-ля! Ана шунақа!)

— Жаранглайдими?

— Миянг айниб қолгани йўқми, ишқилиб?

— Саша! Мен жинни бўлиб қоламан!

— Натка!

— Ана шундай, Натка. Энди қўшиқ қилиб айт. “Ля-си” ўрнига “нат-ка”. Қани, бошладик!

— Натка!

— Мен ҳали маст бўлганимча йўқ! Ёмон бўлиб кетяпман! Мен чиқиб келай.

Натка ваннахонадан қайтиб келганида Саша ухлаб қолган эди. Натка оҳиста унинг ёнига ётди. Саша буни сезди, уйғонмасдан уни қучоқлаб олди. У ахир бутун поездда етиб келган. Элликта яшиқ, яна йигирмата қўти... чарчаган... У мана шу тарзда Юляни қучоқласа керак, уйғонмасдан, Юля оҳиста ёнига ётган кезлари. Эрталаб нима бўлади? Бир-бирининг юзига қандай қарайди?

Охири келгуси сонда

Исматилла МАМАНОВ

Сен йиғлама, муҳаббат

**КЎПКАРИ**Қашқадарёлик чавандоз
Суюн Тошпўлатовга

Таним тетик бўлсин десанг,
Ақлим етук бўлсин десанг,
Қомагим тик бўлсин десанг,
Кўпкари чопгин, кўпкари!

Кўпкари бу — ҳалол кураш,
Шарқона бемалол кураш,
Чакқон улоқни ол, кураш,
Кўпкари чопгин, кўпкари!

От аслида одамга дўст,
Бисотингда бўлса дуруст,
Кўрқма у босмас дабдуруст,
Кўпкари чопгин, кўпкари!

Кўпкари бу — ҳалол кураш,
От миниб бемалол кураш,
Суюн, улоқни ол, кураш,
Кўпкари чопгин, кўпкари!

КЎНГИЛ

Ярми яра кўнгилнинг,
Ярми сара, жўражон.
Шу яра томонига,
Ўзинг яра, жўражон.

Таъмадан дил поради,
Юрак дарддан тўйди-ку!
Ҳар бир ишга “пора” дер,
Номус-орим кўйди-ку!

Ғўр дунёнинг хатдадир,
Пойгаклари, тўрлари...
Ҳануз уқуқ отдадир,
Замонанинг зўрлари!

Қариндош-уруғчилик,
Ўрғилмақнинг уяси.
Бўғи улуғчилик —
Килнинг оти, тўяси!

Кўнгил яра, жўражон,
Ўзинг қара, жўражон.
Дунёнинг ишларига
Борми чора, жўражон?!

Ярми яра кўнгилнинг,
Ярми сара, жўражон.
Шу яра томонига
Ўзинг яра, жўражон.

МУҲАББАТ

Маҳбубларинг йиғласа йиғлар,
Мағлубларинг йиғласа йиғлар,
Марғубларинг йиғласа йиғлар,
Фақат, сен йиғлама, муҳаббат.

Ҳаваслардан мудом устун бўл,
Нокаслардан мудом устун бўл,
Пасткашлардан мудом устун бўл,
Фақат, сен йиғлама, муҳаббат.

Бебошларга ишонма зинҳор,
Ғўр ёшларга ишонма зинҳор.
Сирдошларга ишонма зинҳор,
Фақат, сен йиғлама, муҳаббат.

Билмам, қанча қисматларинг бор,
Ғаним қасди, тўхматлари бор.
Кўрқма, содиқ Исматларинг бор,
Фақат, сен йиғлама, муҳаббат.

ЎЖАР ҚИЗГА

Йигит зўр — тойдай эди,
Зилол сув, сойдаи эди,
Сен билан бойдай эди,
Энди нега бўзладинг?!

Севиб қолиб сен қизни —
Олмоқ бўлдинг юлдузни.
Кеча қилдинг кундузни,
Айтгил, нечи кўзладинг,
Энди нега бўзладинг?!

Ишиқингда хор бўлди-ку,
Висола зор бўлди-ку,
Кенг жаҳон тор бўлди-ку,
Айтгил, нечи кўзладинг,
Энди нега бўзладинг?!

У деб, бу деб чўзладинг,
Совчисини қувладинг,
Кетиб қолган, уладинг,
Айтгил, нечи кўзладинг,
Энди нега бўзладинг?

Шундоқ йигит ёқмасдан,
Ўтнинг қиё боқмасдан,
Ундан зўрчи топмасан,
Айтгил, нечи кўзладинг,
Энди нега бўзладинг?!

ДИЛ ҲАСРАТИ

Болалигим наллари —
Этажоним аллари.

Қулогимдан кетмас ҳамон,
Болалигим — пошшо замон,
Бешиқдан-ку гинам йўғ-а,
Бешиқ бор-у, энам йўғ-а!

Мол-дунё бор, савлатим бор,
Рўзгорим бут, давлатим бор.
Ўғил-қизлар ишх, аломат,
Улаймоқда соғ-саломат,
Эшиқдан-ку гинам йўғ-а
Эшиқ бор-у, энам йўғ-а!

Ота макон — гўзал юртим,
Тупроғини кўзга суртгум.
Эсласам, ўз теракларим,
Эриб кетар юракларим.
Қишлоқдан-ку гинам йўғ-а,
Қишлоқ бор-у, энам йўғ-а!

Мустақил юрт бойиб борар,
Истиқлол улғайиб борар.
Дунё сари бўйлаяпмиз,
Бахтимизни кўйлаятмиз.
Кўйишдан-ку гинам йўғ-а
Кўйиш бор-у, энам йўғ-а!

Яратгандан кўнглим тўқ-а,
Ҳаёт бор-у, энам йўғ-а!


МАРСИЯ

Жону жигарим, акам
Сайфулла Мулла Абдулҳамид ўзлуга.

Ёмонларни асло ёмон демаган,
Яхшилар ёмонлар томон демаган,
Яхшиларга боқмас замон демаган,
Ёмондин яхшилик кутган акам-о,
Чақмоқдайин чақнаб ўтган акам-о.

Ёмонга яхшилик чин марднинг иши,
Яхшига ёмонлик номарднинг иши,
Яхшига яхшилик жўмарднинг иши,
Замондин яхшилик кутган акам-о,
Чақмоқдайин чақнаб ўтган акам-о.

Ёмон ёмонлигин ташласин, Тангрим,
Яхшилар ошини ошасин, Тангрим,
Яхшилар икки бор яхасин, Тангрим,
Будурлар чоқини сўтган акам-о,
Чақмоқдайин чақнаб ўтган акам-о.



Неъматулла МАМАЖОНОВ

УЗОР

Ҳикоя

Баҳорнинг қоқ бели. Қору музлар аллақачон эриб, ерга сингиб кетган, майсалар униб, дарахтлар қуртак ёзган.

Ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, бир кўйлак эт Ҳикмат Қудратов дала айлана бошлади.

Далаларда чигит экиш ишлари қизгин палла. Пайкалларда саломга тузукроқ алик олгучи жон йўқ, барчасининг вақти тиғиз, ердан кўз узмай бош лиқиллатишади холос. Сочу киприкларни чанг босган. Раис бош пудратчи, девонасифат, уст-боши кир, сепкил юзига бир ҳафтадирки устара тегмаган Исмат Ақромов билан чигит қадалган кенг майдонларни, ҳатто бурда-бурда ерларни кўздан кечирди. Чигит тушган гектарларда катта-катта кесакларни кўрганда енгил дакки-дашном берди-ю, аммо четроқ қартадаги анча потекис, ўйдим-чуқур жой устида тена сочи тикка бўлиб, бирдан туюқиб кетди:

— Ерни ҳам ўзингга... юзингга ўхшатиб текислатибсан-да, чўтир! Неча марта айтаман сенга, ерни обдон тайёрлаб, кейин чигит эк деб! Қулогинг борми ўзи?! Одаммисан ўзи?! Ё ҳайвонмисан, а?

Раис бош пудратчининг орқасига икки марта теппи. Раиснинг қизил этигиданми, бош пудратчининг оҳорсиз шимиданми чанг кўтарилди. Исмат Ақромов гандираклар орта тисарилди. Шумшайди.

— Хўп, хўп, раис, — деди у зўрға нафасини ўнглаб, қақдини ёйдек букаркан. — Айтганингиздай қиламиз, шу ерни кўрмай қолибман, узр- узр.

* * *

Эртаси куни дала ишлари оёқлагач, раис Ҳикмат Қудратов бош пудратчи Исмат Ақромовни идорага чақиртирди. Бош пудратчи юрак ҳовучлаб, ўргамчик дорбоздай секин-аста юриб, раис хонасига яқинлашди. Тўхтаб, нафасини ростлади.

— Хўжайин, Сиз айтган, Сиз кўрсатган камчиликларнинг ҳаммасини бартараф қилдик. Бориб кўрсангиз ҳам бўлади.

— Яхши, яхши, — деди раис ва ходимларига нисбатан ҳеч қилмаган ишини қилди: хона ўртасигача юриб борди, бош пудратчи билан қўл бериб сўрашди.

— Мен сизни бошқа масалада чақиртирдим.

— Яна нима айб қилиб қўйибман?! — деб сўради хавотир билан бош пудратчи.

— Йўқ, йўқ, хавотирланманг... Сиз, келинг, анави стулга ўтиринг... Ҳеч нарса қилганингиз йўқ, — деди раис шоша-

пиша. — Бошқа гап бор. Кеча Сизни чўтир, деб юбордим. Сўқдим... Теппдим... Шунинг учун...

— Э-э, бор-йўғи шунга чақиртирганмидингиз?! Мен бўлсам, — у бир хўрсиниб, кейин енгил нафас ола бошлади. — Нима бўпти сўққан бўлсангиз. Тўнмидимми сўкилиб қолгани... Чўтирлигим бор нарса, янгиликмас. Чўтир жонман холос, қўтирмасаканман-ку... Ҳайвон деган бўлсангиз, ҳайвон бўлиб қолармидим... Теппдингиз, тўғри. Лекин мен заррача оғриқ сезмадим...

— Ҳа, энди ёмон бўлди-да аслида, — раис бош пудратчининг кўзларига тикилди синчковлик билан. «Тилидаги дилидагимикан? Наҳот?»

— Э-э, қўйсангиз-чи, раис, — ялтоқланди Исмат Ақромов раисни ёш бола каби юпатиб. — Сиздан олдинги раис билан ўртамизда бўлиб ўтган бир воқеани айтиб берай. Ҳалиги, сиз кирган қартанинг ўртароғида бир вақтлар каттакон тут дарахти ўсарди. Бир сафар раис тутни йўқотинг, новдалари кесилган вақтда гўза босилиб, пайхон бўлади, деди. Шунчаки айтди-қўйди деган хаёлга борибми, эсимиздан чиқибми, тутни кестирмадим. Иккинчи марта келиб, тутни кесинг дегандим-ку, деди у киши гап орасида. Қўл тегмайми, бошқа сабабми—ҳозир эслолмайман —тут яна кесилмади. Учинчи сафар, нега кестирмадинг тутни, ҳе ўша онангли..., —деб роса сўқди. Мен, «Хўжайин, мана энди ҳақиқий топшириқ бердингиз-да», дегандим ўшанда ва бир соат ичида тутни гўмдон қилдиргандим.

— Тушунарли... Гап энди бундоқ: бирга-бир қиламиз. Сиз ҳам мени... Мени... Ҳеч бўлмаганда сўқасиз. Ҳа, сўқасиз! Хоҳлаган сўз билан...

— Сўқасиз?! Менми?.. Сизними? — Бош пудратчи кўзининг пахтаси чиқиб кетди, у қиш совуғи ургандек қунишди, зиқ нафас одамдек бўғилиб-бўғилиб гапирди. — Раис, ундоқ деманг... Илтимос, ундоқ деманг... Биласиз, жўжабирдек жонман... Ҳаммаси менинг кўлимга қараган... Ҳали ишламоқчиман... Шу вазифамда... Сиз билан... Бошқа гуноҳим... Айбим бўлса, билмасдан қилгандирман. Алдаган бўлсам, кечиринг... Сизга нисбатан қаллоблик қилганимдан кўра без терганим яхши, ишонинг... Ўзингиз биласиз, бир сотих ерни Сиздан бесўроқ бирор кимсага... берганим йўқ ҳали.

Раис бош пудратчига уни худди аввал кўрган-у, лекин қачон, қаердалигини эслолмагандек узоқ тикилди, сўнг алланечук жирканганнамо лаб жийириб, кўзларини юмиб олди.



ЖЕК ЛОНДОННИНГ

АҲЛИ ҚАЛАМГА АНДАК МАСЛАҲАТЛАРИ

Жек Лондоннинг ёш, бошловчи ёзувчиларга насиҳатларидан айримларини эслаб ўтиш лозим, чунки бунақасини адабиёт тўғрисидаги назарий китоблардан, домлаларнинг маърузаларидан топиш мушкул.

— *Ёзаётган пайтда ёзувчи ўзини бутунлай унуттиши лозим. Унинг фикрлари, ҳаётгий қарашлари ўқувчи учун умуман аҳамиятсиз. Ёзувчининг ўй-фикрларининг фалсафасини қаҳрамонларнинг ҳаракатлари ва гаплари ифодалаб бериши лозим, унинг ўзи эмас. Ёзувчи ўзини унутган тақдирдагина ўқувчи уни эслайди, тан олади.*

Лондоннинг ушбу маслаҳатидан беҳабар бўлганим ҳолда, Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» асарини мутолаа қилгандим. Ва бу асардаги инсоннинг исми ҳусусидаги ёзувчи ўзининг фикрини билдирган бир ҳолат мавжуд эдики, бу негадир менга ёқмаганди. Агар хотирам панд бермаса, ўша ерда Лола исмли жувон ҳусусида гап борарди. Бундан ташқари Стендалнинг «Қизил ва қора» асарида ҳам шунга ўхшаш ҳолат мавжуд. Адашмасам, бу ёзувчининг катта ойна кўтариб кетаётганлиги тўғрисидаги фикрлар эди. Эътибор берган ҳар бир ўқувчи ушбу ҳолатларнинг асарга қанчалар ёнишмаганини, ўнғайсизлигини сезган бўлиши аниқ. Чунки бадий асар публицистика эмас, унда ёзувчининг қарашлари, фикрлари ҳеч кимни қизиқтирмайди.

Агар шундай қилинадиган бўлса, бу ўқувчининг меъдасига тегади. Афсуски, ушбу салбий ҳолат бизнинг адабиётимизда учраб туради. Яна бир гап, бу маслаҳат, асар қаҳрамони тилидан ҳикоя қилинаётган бўлса, жорий этилмайди. Лондон ҳам бунга таъкидлаб ўтган.

— *Агар кимнидир боқшингиз керак бўлса, ёзиш учун ишингизни ташламанг.*

Бу маслаҳатга бизнинг шароитда амал қилиб бўлмайди. Бунинг сабаби оддий—ҳеч ким ёзиш учун ишини ташламайди. Чунки бу касб орқали бирор нарса яратиш учун ўқининг лозим бўлган адабиётларга-да етадиган даражада ҳам маблағ тўпловмайсан.

— *Бошлашнинг ягона услуби бор - бу бошлаш. Мартин Иден бошдан ўтказган барча ҳафсалани пир қиладиган нарсаларга тайёр бўлган ҳолда бошлаш.*

— *Яхши латифани яхши шеърдан кўра осонроқ ўтказиш мумкин.*


— *Агар ўз битикларингизнинг чоп этилишини истасангиз бахтсиз хотималардан, барча қўпол, фожиали, қўрқинчли нарсалардан қочинг.*

— *Қўлдан келса юмористик нарсалар ёзган дуруст. Буларнинг харидори ҳам кўп, ҳақни-да яхши тўлашади. Аммо уларни ёзиш жуда қийин.*

Ақчақўл мавжларидида

2005 йилнинг адабий харитасига яна бир марта «Зомин» ва «Эликқалъа» атамалари муҳрланди. 8-9 июл кунлари Зоминда, 11-12 август кунлари Ақчақўл соҳилида ёш қаламкашларнинг анжуманлари ўтказилди. «Ақчақўл илҳомлари» III республика анжуманида 38 ёш ижодкор қатнашди. Андижонлик қизимиз Арофат Усмонова олий даражали, хоразмлик Нодира Янгибоева, нукуслик Омонгул Турдимуродова биринчи даражали мукофотга мушарраф бўлди. Ободон Турдимуродова устозларимизнинг оқ фотиҳаси билан ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Ақчақўл соҳилида жаранглаган шеърлардан сиз «Ёшлик» муштарийлари ҳам ўқиб кўринг!

Янгибой ҚўЧҚОРОВ,
Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси
раисининг ўринбосари.



Шу ўринда ушбу маслаҳатига Лондоннинг ўзи амал қилмаганини таъкидлаб ўтиш лозим. Нима ҳам дердик, мулланинг айтганини қил-у, қилганини қилма.

— *Машхур ёзувчиларнинг услубини ўрганинг. Улар сиз қўлингизни кесиб олаётган асбоблардан мукамал фойдаланишган.*

— *Тасвир шундай бўлмоғи лозимки, ўқувчи асар қахрамонига ташқаридан туриб термулмасин, балки аксинча у қахрамоннинг кўзи билан атроф-муҳитга қарасин.*

— Ҳикоя жуда қисқа вақт билан чегараланиши лозим- бир кун, агар мумкин бўлса соатлар билан. Ҳикоя ҳаётдаги тугалланган эпизод, кайфият, ҳолат, ҳаракат яқдильлиги. Агар кўпроқ вақтни қамраб олиш лозим бўлса, бу ҳақда фақат қайд этиб ўтиш лозим. Ривожланиш ҳикоя учун кетмайди. Бунинг учун роман бор.

Афсуски, бизнинг ҳикоячилигимизда катта бир даврни, ҳатто бир киши умрини қамраб олишга уринишлар кўп учрайди. Баёнчиликка берилиб кетишнинг асосий сабаби ҳам ҳам шундан.

— *Шошилманг!*

Ёзувчининг ўзи жуда секин, ихлос билан ижод қиларди. Олдин қўлда ёзиб, сўнг машинкаларди. Қўлёзмани таҳрир қилишни ёқтирмасди.

— *Жуда кўп ёзманг.*

Лекин бу унинг ўзи оз ёзарди, дегани эмас. Унинг кундалик меъёри 300 дан 1000 сўзгача эди.

— *Ҳажмли қилиб ёзинг!*

— *Бекорга илҳом келишини кутиб ўтирманг. Унинг орқасидан калтак олиб қувиб юринг. Агар барибир у келмасаям, ўрнига муносиб бошқа бир нарса топасиз. Кундалик меъёр белгилаб, ҳар куни уни бажаришга ўзингизни мажбурланг.*

— *Илҳом деганлари умуман бўлмаган нарса, ҳатто даҳолик ҳам. Қатъий меҳнат ва ўнғай шароит уларнинг ўрнини босади.*

— Лондон афтидан, илҳом парисининг йўқлигига ишонган ёзувчи эди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозим, илҳом билан ёзиш адабиётнинг олтин асри-ХІХ асрда қолиб кетган. Бугунги кунда адабиёт илҳомсиз, қатъий

математик ҳисоблар асосида яратилади. Айтишларига қараганда, жаҳон адабиётининг энг сўнги илҳом билан яратилган асари — бу Нитшеннинг «Зардушт шундай деган эди» китобидир. Ҳатто ёши ўтиб қолганда Стендал ҳам асарлар илҳомсиз яратилишини эртароқ билмаганидан, унга ҳеч ким бу ҳақда айтмаганидан афсус чеккан эмиш.

— *Кундалик тутинг! Арзон қоғоз миянинг қатигидан кўра ишончлироқ.*

Шаккоклик бўлмаса, шу ўринга бироз кўшимча қилмоқчи эдим: арзон қоғоз компьютернинг қўнғизчали миясидан-да ишончлироқ.

— *Ишланг! Бош ҳарфлар билан ёзиб қўйинг— ҳар доим ИШЛАШ, ИШЛАШ! Ернинг, оламнинг, материя ва руҳнинг сирларини англашга ҳаракат қилинг ва буларнинг барчаси замирида МЕҲНАТ ётади.*

— *Ҳаётда хато бўлса ҳам ўз фалсафангизга эга бўлинг ва унга ишонинг.*

— *Энг асосийси уч нарса ҳисобланади. ЯХШИ СОҒЛИК, МЕҲНАТ ва ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ. Яна бир нарса — САМИМИЙЛИК. Шусиз олдинги уч ҳолат ҳеч нарса эмас. Бу билан сиз, эҳтимол юксакликка эришасиз ва буюклар орасида ўз жойингизга эга бўласиз.*

Жек Лондон самимийликни қадрлаган инсонлар тоифасидан эди. Айнан шунинг учун ҳам — риёкорлик, иккиюзламачиликка тоқат қилолмаганлиги, қўнғилда кечган нарсаларни яширмай, бўяб-бежамай ифодалагани сабабли ҳам, эҳтимол унинг асарларида, хатларида пул масаласи биринчи ўринга чиққандир. Кейинчалик, жамиятда обрў-эътиборга эга бўлганда, унинг номидан хавотирланган, бошқа китобларининг сотилмай қолишидан ташвишга тушган дўстлари ёзувчига дайдилик билан шуғулланган даври тўғрисидаги «Йўл» китобини чиқармаслик тўғрисида маслаҳат беришганларида ҳам у рози бўлмай ва ўз ўтмишидан уялмаслигини таъкидлаган.

Мана, сизга Лондоннинг насиҳатларидан бир шингил.

Исмомил ШОМУРОДОВ

юлдузларнинг шуъласи

Йиғлатдингиз бугун мени сиз
Тушунмасдан юраккинамни.
«Бахтли бўлинг!» — ушбу сўзингиз,
Жойлади-ку дилга аламни.

Мен Танграмга ёлвориб: «Ҳижрон,
азоблардан қутқар», дегандим.
Пешонамга бир умр армон
Сўзингизни ёзиб ёздингиз, мардим.

Қаргамайман сизни, ташландиқ,
Ва йиғлоқ мўҳаббат учун.
Кўксимдаги жароҳат, чандиқ,
Ва сотилган садоқат учун.

Фақатгина омад, бахт сизнинг
Бир умрга ёрингиз бўлсин.



**Арофат УСМОНОВА,
Лидзжон.**

Ҳеч ўйламанг, мен бахтсиз қизни,
Ҳар оянгиз қувончга тўлсин.

«Бахтли бўлинг!» Бу тилагингиз,
Бунчалар ҳам бўлмаса оғир.
Тошми ёки муз юрагингиз,
Наҳот бизни бир қилмас тақдир.

Богим узра етаклаб кузни,
Қўлатдингиз тоғ бардошимни.
Уволи ҳеч тутмасин сизни,
Кўзларимдан оққан ёшимни...

Йиғлатдингиз... «Бахтли бўлинг...» деб.



**Ирода
АДАМБОВЕВА,
Янгибозор тумани.**

ХИТОБ

«Ахир яшашимга арзийди онам,
Ташлаб кетмогимга дунё арзимас»
(Г.Асқарова)

Кўз ёшига тўлади паймонам,
Ҳўлманг, жолалар арзимас.
«Ахир яшашимга арзийди онам,
Ташлаб кетмогимга дунё арзимас».

Ҳа, гарчи минг гавго солади бошига,
Охир, оғир келар шўрлик бардошига.
Манглайим тегада ҳарсангга, тошига,
Ташлаб кетмогимга дунё арзимас.

Онамнинг сочига кўнган қор ўзим,
Онамга бетимсол ифтихор ўзим.
Ахир қандоқ сўрай онамга тўзим,
Ташлаб кетмогимга дунё арзимас.

Лаҳзада чақмоқдай ёнади умрим,
Бир куни тинади сайроқи қумрим.
Ҳаётга эгилмам, баланд гурурим
Ташлаб кетмогимга дунё арзимас.

ЁЛФОНГА ЙЎЛДОШИ БЎЛДИМ

Мендан нур юзини яшириб Дунё,
Епинган пардасин оймоқчи эмас.
Ёлғизлик қалбимни кишианлаб гўё,
Кўрқитсам сира қочмоқчи эмас.

Ёлгоннинг кўлида раққоса бўлиб,
Ҳақиқат уйдан паноҳ излайман.
Кўзимнинг косаси шўр сувга тўлиб,
Еронлар, йўл беринг, дея бўзлайман.

Кошки нажот ила келсайди садо,
Шу садо кўнглимга кирсайди аста.
Ўзимни бунчалар қилмасдим адо,
Бўлмасдим бу қадар бемажол, хаста.

Оҳ, менинг орзум, оҳ, жигаргўшам,
Ушалмай армонга печни бердинг йўл.
Шаробга лиқ тўлиб, бўйи қолган ишишам,
Мендек девонага нега бердинг кўл.

ОРЗУ

Кошотда шамол тинмай елади,
Қор ҳам атрофни оққа беллади.
Ким билар ҳаётнинг бошин-охирин,
Ҳеч ким билмаганини билгим келади.

Гоҳида бир нигоҳ юрак тилади,
Кимлардир устимдан шодон қулади.
Кизгалдоқ саҳрода унмағай зинҳор,
Бургутдай кўкларда учгим келади.

Бу кўҳна, пир дунё кўни биллади,
Тақдир элагида қисмат елади.
Мен эса қисматдан чеккароқ қочиб,
Кийинкининг бўйнидан қучгим келади.

Йўлбарсни эркалаб юргим келади,
Булуьми бўйнидан қучгим келади.
Отам ҳам, онам ҳам ўзингсан дунё,
Сенинг пойингга тиз чўкким келади.



**Умар ШАРИФ,
Элликқалъа**

ТИКАН

Дебди бир кун бир тикан
Хафа бўлиб инсондан.
«Нега доим гулларни
Устуни кўяр тикандан?»

Ранжиганин англагач,
Раҳми келиб инсоннинг:
«Сен ҳам менга яқинсан»-
Деб мақтабди тикани.

Лақма тикан дер шунда:
«Дўст бўлайлик чин дўстдай
Дўстлигимиз хурмати
Кел, бағримга бир босай».



**Неъмат ҚИЛИЧЕВ,
Богот тумани.**

* * *

Жийда боғи гуллабди, қаранг,
Жилжисмадор гуллари майин.
Жийда гули исин таратар,
Шамол сочин силаган сайин.

Жийда боғи гуллабди, қаранг,
Тароватин кўз-кўз қилади.
Ифорини таратар чунон,
Атиргулининг бағрин тилади.

Жийда боғи гуллабди, қаранг,
Узоқдан ҳам билса бўлади.
Гуллаганда жийда боғлари,
Жаннат гули бошин эгади.

**Гўзалой МАТЕҚУБОВА,
Янгибозор тумани.**

ТИЛАК

Ўткинчи ҳисларга ўйинчоқ эмас,
Ҳаётнинг ҳақиқий дилбари бўлай.
Нигоҳлар қадалган кўйгирчоқ эмас,
Меҳри дарё қалбнинг сарвари бўлай.

Ўзбек миллийлиги—гўзал бир олам,
Халқимнинг ҳар доим кераги бўлай,
Эл-юртини мадҳ этсин ҳаммаша қалам,
Мен ўша қаламнинг юраги бўлай.

* * *


Кўзларимда..
Ўзим унутган сирим бордек боқасан,
Шижоатдан юрагимга ўт ёқасан,
Шовуллаган дарёдек жўшиб оқасан,
Кўрқаман, кўзларимда аксинг қолар деб.

Лаҳзаларнинг сирини кўзимда ёнсин,
Бедорман, ишқ кўйин чалмоқда фалак.
Оддий қилиб айтма, кўйининг айтсин,
Ҳайратдан жимирлаб тингласин юрак.



**Шаҳло
ШУКРУЛЛО қизи**





Туркий наср ёдгорлиги

Туркий тилдаги Хоразм тарихнавислик мактаби ҳақида сўз юритилганда кўпроқ Абулғози, Мунис, Огаҳий ва Баёний каби улуғ муаррихлар номи зикр қилинади. Улардан илгарироқ, яъни 16-асрда «Ўтамиш Ҳожи тарихи» номли ажойиб тарихий-бадий асар яратган Ўтамиш Ҳожининг номи ва асари эса кўпчиликка яхши маълум эмас. Бунинг сабаби мазкур асарнинг ғоят кам нусхаларда сақланиб қолгани ва ўзбек олимлари томонидан кам тадқиқ қилинганлигидир. Қолбуки, бу китоб ўрта асрлар ўзбек адабиёти ва тарихнавислигининг дурдона асарларидан биридир.

Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад Дўстий ҳаёти ҳақида маълумотлар кам сақланиб қолган. Ўз асаридан унинг 16-аср ўрталарида Хоразмда ҳукм сурган Элбарсхон ва Эш Султонлар хизматида бўлгани, шунингдек, бир қанча ўлкаларга саёҳатлар қилгани маълум бўлади. Ўз тарихий асарини муаллиф шайбонийлар сулоласига мансуб ҳукмдор Эш Султон буйруғига кўра ёзган. Маълумки, шайбонийлар сулоласи вакиллари ўзларини Чингизхоннинг невараси, унинг тўнғич ўғли Жўжихоннинг фарзанди Шайбонхон авлодидан деб ҳисоблашарди. Шунинг учун Эш Султон Ўтамиш Ҳожига Жўжихон авлодлари тарихини энг бошидан ўзлари яшаётган давргача ёзиб қоғозга туширишни топширади. Чунки Ўтамиш Ҳожи бу сулола тарихи ҳақидаги ривоятларни яхши билар, мозийга оид суҳбатларда бирон мушкул масала чиқиб қолса, ҳаммаша уни қақриб фикрини сўрашарди.

Жўжихон авлодлари асосан тарихий Дашти Қишчоқ ўлкасида, яъни Балхаш кўлидан Днепр дарёсигача чўзилиб кетган бепоён ҳудудда хонлик қилишганди. Бу мамлакат ўша давр манбаларида Олтин Ўрда ёки Жўжи улуси деб ҳам аталади. Асарини ёзишга киришганда Эш Султоннинг акаси Дўст Султоннинг «Дафтар»ини истисно этганда, Ўтамиш Ҳожи қўл остида ёзма тарихий манбалар деярли бўлмаган. Шунинг учун у ўз асарини асосан ўзи йиққан оғзаки ривоятлар асосида ёзган.

Асарда Жўжихон авлодларидан бўлган Дашти Қишчоқ хонлари — Сойинхон (асл номи Ботухон), Шайбонхон (Шайбонийхон эмас!), Беркахон, Ўзбекхон ва ҳоказо ҳукмдорлар тарихи қисқача, содда, равои ва қизиқарли тарзда баён қилинган. Бу китоб муҳим тарихий манба бўлиши билан бирга, унинг ўша даврдаги ўзбек адабий ва халқ тилини ўрганишдаги аҳамияти ҳам беқийсдир. Асарнинг тили ва услуби халқона бўлиб, ўзбек халқ дostonларининг насрий қисмларига ўхшаб кетади.

«Ўтамиш Ҳожи тарихи» А. З. Тўғон, В. В. Баргольд каби улкан олимлар диққатини жалб этган ва улар асарнинг илмий аҳамиятини қайд этиб, ундаги баъзи маълумотлардан ўз тадқиқотларида фойдаланишган. Аммо

асар устида энг кўп ва изчил тадқиқотлар олиб борган олим қозоғистонлик марҳум шарқшунос В. П. Юдиндир. У нашрга тайёрлаб қўйган асар заҳматкаш олим вафотидан сўнг 1992 йилда Алматида чоп этилди. Ушбу қимматли нашрга атоқли манбашунос олим академик Бўрибой Аҳмедов масъул муҳаррир бўлган ва сўзбоши ёзган. Мазкур нашр В. П. Юдиннинг ушбу асар маълумотлари асосида ёзган тўртта илмий мақоласи, «Ўтамиш Ҳожи тарихи» асарининг асл матни фотонусхаси, матннинг илмий транскрипцияси ва русча таржимаси ҳамда изоҳлар ва матншуносликка оид қайдларни ўз ичига олади. В. П. Юдин ўз тадқиқотларида асарнинг Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган нотўлиқ нусхасидан фойдаланган. Афсуски, тадқиқотчи асарнинг илмий доираларда ҳам кам маълум бўлган иккинчи, тўлиқ нусхасини ўз ишига жалб этиш имкониятига эга бўлмаган. Бу тўлиқ нусхани илк бор А. З. Тўғон 1913 йилда Оренбургда топиб аниқлаган ва муҳожирлик пайтида Туркияга олиб кетган. Ўшандан бери Туркияда сақланаётган мазкур нусха баъзи турк олимлари тадқиқотларида «Ўтамиш Ҳожи тарихи» номи билан тилга олинади.

Асарнинг Тошкентда сақланаётган қўлёзма нусхаси матни Тўхтамишхон даври воқеалари баёнида узиллиб қолган. Агар муқаддимада таъкидланганидек, Эш Султон топшириғига мувофиқ тарзда асар муаллифининг ўз замонага қадар етказилган бўлса, демак ундан Жўжихон авлодларининг бундан кейинги бир ярим асрлик тарихи ҳам ўрин олган бўлиши керак. Туркиядаги тўла нусхада соҳибқирон Амир Темур ва Тўхтамишхон орасидаги муҳорабалар тафсилоти ҳам борлигини катта ишонч билан тахмин қилиш мумкин. 16-асрда асосан оғзаки хабарлар асосида яратилган туркий манбадаги Амир Темур фаолиятига оид маълумотлар, албатта, ғоят қизиқарлидир.

Ўзбек тарихнавислиги ва насрининг ноёб намунаси бўлган «Ўтамиш Ҳожи тарихи» асарининг мазкур қисмларини Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг 1552 рақамли қўлёзмаси ва В. П. Юдин тадқиқотлари асосида жорий ёзувда нашрга тайёрладик. Келгусида асарнинг Туркияда сақланаётган қўлёзмасининг фотонусхасини олдиривга муваффақ бўлсак, бу қимматли ёдгорлиқнинг қолган қисмларини ҳам нашрга тайёрлаб чоп этириш ниятидамыз.

*Фулом КАРИМ,
Абу Райҳон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти илмий ходими.*

Ўтамиш ҳожи ибн Муҳаммад ДҮСТИЙ

Ўтамиш ҳожи тарихи

Муқаддима*

Бисмиллаҳир роҳмонир роҳийм... Хизматларида маълум бўлғайки, бу фақир ҳақир Ўтамиш Ҳожи ибн Мавлоно Муҳаммад Дүстий ҳазрати ҳоқони мағфур маҳдум Ёдгорхон хонзодасининг хоназот бандазодалари ва қадим хизматкорларининг турур. Ул маҳалда ҳазрати султон ул-аъзам ва-л хон ул-муқаррам ал-мағфур би-инояти моликил маннон Абул Мансур Элбарс баҳодирхон хизматларида бўлур эрдим. Чун булар Чингизхон набиралари эрди ва мен бу хонадоннинг неъматлари бирла фарварда (парварда) бўлур тилар эдимки, камоҳақ билсам, Чингизхон ўғлонларидин ул Дашт вилоятинда хон бўлғондин сўнг ким хон бўлди ва андин сўнг не вақтга тегру не тартиб бирла кимлар хон бўла келдилар ва буларнинг орасинда не турлик уруш ва не турлик можаролар кечти - буларнинг барчасин камоҳақ билсам. Таворихларки кўрдим, буларнинг бир озроқининг отлари битиклик эрди ва бас. Не иш бирла ва не кайфият бирла хон бўлғонлари мазкур эрмас эрди. Чун манга доия ул эрдиким, буларнинг аҳволидин камоҳақ билсам, бу жиҳатдин ўтруким, фалон киши қари сўзни яхши билур тесалар, албатта андин бориб таҳқиқ ва тафтиш қилур эрдим ва ақл тарозусига мувозана қилиб маъқулин хотиримда гизлаб, номаъқулни бартараф қилур эрдим. Андоғ бўлдики, ҳар мажлисда қадим подшоҳлар сўзидин сўз кечиб, мушқуле воқеъ бўлса, биз фақирдин келиб тафтиш ва таҳқиқ қилур бўлдилар ва мен бу суҳбат бирла машхур бўлдим.

Фараз бу муқаддимотдин ул турурким, бу нусхани ҳақирдин ўқуғон ва эшитган азизлардин ва улуг-кичикдин, ёронлардин илтимос улдуким, бу сўзлар, бу ҳикоятки, бу нусхада битилди, ҳеч дафтарда ва ҳеч таворихда йўқ турур. Барчасин эшитмак бирла битиб турурмен. Машхур турурким, қулоқ эшитган сўзнинг кўпраги ёлғон дерлар. Ногоҳ, агар хатоси ё ғалати воқеъ бўлмиш бўлса, ғалатни чиқариб хатосини рост қилсалар. Тақи фақирни бу ишим маъмурлиғидин маъзур билсалар, индаллоҳда зое бўлмағай. «Инна Оллоҳу ло юзиғу ажрал муҳсинина».

Достони Чингизхон

Чун Чингизхон вилоятларни фатҳ қилди, бир тарафи Ҳиндистон, бир тарафи Дашти Қипчоқ ва дарёини Эдил эрди. Бу вилоятларни тўрт-беш ўғлига бахшиш қилди. Ироқ вилоятини Ҳалоқухонга берди. Ўғодойхонни ўз вилоятинда қўйди. Тулхонни ўз қошида сақлар эрди, Чигатойхонга Бухоро ва Самарқанд, Хуросон ва Ҳисор вилоятларини берди.

Аммо Йўжикхон барча ўғлонларининг улугроқ эрди, азим лашкар қўшиб Дашти Қипчоқ вилоятига салғаб юборди. Отларинга ем бўлсин, теб Хоразм вилоятини берди. Чун Жўжикхон Дашти Қипчоқ вилоятингаки, мутаважжих бўлди, Улугтоғки машхур турур, анга етишдилар. Бир кун тоғ орасинда ов овлайи чиқиб эрди. Бир бўлак марал-кийиклар йўлуқди. Ани қувалаб отарда отдин йиқилиб, бўйни синиб вафот бўлди.

Эжонхон ва Сойинхон


Эжонхон бирла Сойинхон машхур турур. Туралихон қизи заифасиндин тугғон эрди. Яна ўн етти ўғилким ўзга заифалариндин бўлур эрди. Бу Эжон бирла Сойин хонлиқни бир-бирисига муроёт қилдилар. Сойинхон кичик эрди, оғаси Эжонга айди: «Отам ўрнига оғомсен, ҳамон отам турурсен. Ёт юртга бора турурмиз, хон бўлғил». Эжон айди: «Менинг сендин ёшга улуг эканим рост. Аммо отамиз сени бисёр суюб эрка ўстириб эди. Бу чоқга тегру сенинг эркалигинг ва маҳолларингни чекиб турурмен. Шоядки, хон бўлсам, бурунқитек маҳолларингни чека олмағаймен. Тақи орамизда уруш-адоват бўлғай. Сен - ўқ хон бўлғил, сенинг хонлиқинга мен чидармен. Аммо

менинг хонлиқимга сен чидамассен». Сойин «ул теган не сўз бўлур? Ясоқли оғом турғонда менга на ўхшарки хон бўлғаймен», -деб оғосига кўп таклиф қилди. Қабул қилмади эрса, айди: Улуг бобомиз Чингизхон қошига боролди. Ҳар не бобомиз ёрлиғи бўлса, анинг бирла бўлоли». Бир онадин тугғон икки ўғил ва ўзга онадин тугғон ўн етти ўғил барчаси қўшилиб, улуг хон кўринишига бордилар. Буларки хонни хизматиға етишдилар, хон буларга уч ўрга (ўтов) солди. Олтин бўсағали оқ ўргани Сойинхонга солди, қумуш бўсағали кўк ўргани Эжонга солди, пўлат бўсағали бўз ўргани Шайбонга солди.

Чун Чингизхон ўғлонларига ўргалар солиб, ул ахшом (оқшом) йўсуи-қўналғани ҳисоб ясади, тонгласи кўруниш берди. Ўн икки кўр тузилди ва беклар берйак (тартиб) бирла ўлтүрдилар. Жавлон чекиб ош-таом ейилгандин сўнг Сойинхон ва Эжон ўз арзларини улуг боболарига айтдилар. Алқисса икки оға-инининг иттифоқидан Чингизхон аъзамнинг кўнгли бузилиб, ўғли Йўжикхон ёдиға тушиб, кўзлариндин ёшлар оқитиб, иккисига тақи кўп дуо-олқишлар қилди, тақи айди: «Тонгла беклар бирла кенгашиб сизларга жавоб берали». Тонгласи беклар бирла кенгаш қилиб ўнг қўл бирла Эдил дарёсидаги вилоятларини хон йўсуқина Сойинхонга берди, сўл қўл бирлан Сир дарёси бўйиндоқи вилоятларни Эжонга бердилар.

Хон кўрунишиндин қайтиб хон солғаган вилоятларингаки келдилар, Сойинхон Эдил дарёси бўйиниға келгач, черик яроғин қилиб Ўрус вилоятининг шаҳри Маскавга юриди. Айтурлар, ул юришда Шайбонхонга ўттиз минг киши қўшиб қоровул юборди, ўзи сўнгинча юрур эрди. Уч кунлик ерга илгари юрур эрди. Маскав

* Журналнинг ҳажм имкониятидан келиб чиқиб баъзи сўзларнинг изоҳларини келтириб ўтирмадик. — Таҳририят



подшоҳи хабар топди, юз эллик минг киши бирла қаршү чиқди. Булар хабар топдилар. Шайбонхон: «Мунинг устинга илгармен», - теб айди. Ҳар неча беклар ман қилдилар, қабул қилмади. Уч кунлик ердин илғор солиб, бе-хабар ётгон лашкарининг ичинга иниб келди. Ўрус подшоҳи Лашкарининг ўлтурганин ўлтурдилар, қолғонин ясир қилдилар. Чандон молу яроғ, жиба-жавшан (совут-қалқон) тушуб эди, ҳеч ҳисоби ва китоби йўқ эрди. Икки кундин сўнг хон етишди, бу фатҳу нуератни кўрди. Бисёр хушхол бўлиб, Шайбонхонга кўп офарин қилдилар. Тонгласи кўчиб Маскав вилоятига бориб кирдилар. Бир неча ой анда бўлуб, вилоятнинг ишин-кучин забту рабт қилиб, мол-хирожин қабул қилдириб, доруға-ҳокимлар қўйиб музаффар ва мансур ўз вилоятинга қайтдилар. Басе, булар қайтиб келгунча Эжонхонни навкарлари эясига (эясига) осий бўлиб, Эжонхонни тамом ўғлонлари бирла ўлтуруб эрди. Бу хабарки Сойинхонга келди, улғу мусибат тутди. Эвига (уйига) тушиб об-ош бергандин сўнг черик яроғини қилиб бу ёғий устинга юриди. Булар ҳам туруш бермай, улғулари қочди. Ўзга эл-кунинг барчасин кўчириб олиб келиб ўз элига қўшди. Тақи ҳар аймоқни бир бекка қўшун берди...

Басе Сойинхон бу вилоятлар била бу элларники забт қилди, андин сўнг барча қариндошларинга эл-кун бериб, ер-юртлар тайин қилди. Аммо Шайбонхонга эл-кун берур, вилоятлар берур чоқида беклари бирла кенгаши эрса, беклари айди: «Бу киши бисёр улғу иш қилди. Ҳоло мунинг кўнели ўсиб турур. Мунга эл-кун, вилоят бериб ўз қошинга сақламоғинг ўхшамағай. Ул ўттиз минг кишига яқинни анга айирдинг, ул кишини яна лашкар қўшиб боқмагон (тобе бўлмаган) вилоятларга юборгил. Ҳар не вилоятки, боқурса, анинг бўлсун». Бу сўз хонга маъқул келиб ул тобун қилгон ўттиз минг кишига яна ўн минг қиёт юролдайини қўшиб Қирим - Каффа вилоятларига салғаб юборди.

Достони Шайбонхон

Шайбонхоннинг ажойиб ва ғаройиб ишлари бисёр турур. Ул жулмадин бир ишни бу мухтасарда ёд қилдик. Ул бир иши ул эрдиким, Қирим вилоятинда Қир ери теган хоро офарин берк қалъа бор турурким, анинг берклиги ва мазбутлиқи оламда машхур турур. Неча йиллар қабаб (қамал қилиб) уруш солдилар, ола билмадилар. Охир ҳукм қилдиким, ахшомдин сўнг тонг откунча ҳар не ким овоз қилур, ани бир-биринга чақиндура бошладилар. Пақир-қозонларини, табақларини ва чаноқларини ура бошладилар. Қўлнинг ичинда (қўшин орасинда) бу садо ва аломатлар кўндиким, ер-кўк зилзилага келди, қулоқлар тунди. Қалъа халойиқлари саросар антанг бўлуб ҳар сору югурушдилар: «Не ҳол бўлди?», - теб. Ул ахшом тонг откунча ул садо ва ул ғавғо тинмади. Қалъа халойиқлари ҳам ётиб ухламадилар. То тонгки отди, бас қилдилар. Яна ахшомки бўлди, бояқитек яна аломат ва ғавғо кўпордилар. То бир ҳафта - ўн кунга тегру иш-кучлари бу бўлди. Қалъа халойиқлари уйқусизликдин хароб бўлур эрди. Бу ғоятга тегру айтурларким: «Агар бир иш қилур бўлса, қилур эрдилар. Шожд, буларнинг бу ойларда ва бу кунларда расми ва одати бу тариқа бор бўлғай», - теб фароғат бўлдилар. Чун Шайбонхон билдики, булар фароғат бўлдилар, лашкарин йигеурди. Айтурларки, ул қалъа бир яланг қоянинг устинда турур. Бу ахшом ғавғо ва садони кўпроқ қилди. Қалъанинг тўрт ёнидин чоқурлар солди. То тонг откунча бир киши чиқар чоғли йўл қилдилар. Қалъа халойиқлари ғавғо ва садо жиҳатидин метин овозин маълум қилиб

хабардор бўла олмадилар. Йўлак тайёр бўлгач, дарвозага уруш солдилар. Қалъа халойиқлари югуриб дарвозага келдилар. Бир жамоат баҳодирларни ул йўлга тайин қилиб турдилар, ул йўлдин югуриб чиққач, қалъага ўзин солдилар. Тақи қалъани олдилар. Ул қалъани кўрган раванда (сайёх) лардин сўрадуқ, хануз ул йўлнинг худуди бор турур тедилар. Андин сўнг Улоқ вилояти устинга юридилар. Ани фатҳ қилдилар. Андин Кўрол вилояти устинга юриди. Кўрол азим улғу вилоят турур. Анинг кўп урушлари бўлди. Оқибат фатҳ қилиб, Кўролни пойтахт қилди. Анда вафот бўлди. Тақи ҳоло (ҳозирда) Кўрол подшоҳининг авлоди турур. Шайх Аҳмадхон неча йил анда тутқун бўлуб, яна андин саломат чиқиб, ўз вилояти Ҳожи Тархонга (ҳозирги Астрахан) келди. Ул айтур экандур: «Бизнинг ўзбек тоифасинда ҳарки ўмоқли элки, бор турур, барчасидин анда бор турур. Шайбонхон бирла бориб, анда қолиб турурлар».

Шайбонхон ҳикоятинки тамом қилдик, яна келдик Сойинхон ҳикоятига. Сойинхон Дашт вилоятида улғу подшоҳ бўлди, неча йиллар давлат-саодат била подшоҳлик сурди. Чун ажал етишиб дунёдин нақл қилди эрса, икки ўғли бор эрди: бирининг оти Соритоқ, бирининг оти Тўғон эрди. Соритоқ ўзиндин бурун саккиз ёшда ўлиб эрди. Тўғон тақи ёш қолди. Беклар иттифоқ бирла Ҳалоқухонга элчи юбордилар, қиличсиз вилоф, ёқасиз кўнглак юбордилар, яъни эл қолди - подшолари йўқ, заифалари қолди - эрлари йўқ. Ҳалоқухон бу хабарни эшитди эрса, отланиб Ширвон вилоятига келди. Тақи азим лашкар яроғин қилиб қўшун юборди. Бу лашкар хануз келмақда, биз келдик Беркахон алайҳир раҳма ва р-ризвон ҳикоятинга.

Достони Беркахон

Беркахони мазкур алайҳир раҳма машхур турур. Онасиндин туғондин бери мусулмон эрди. Ул маҳалдаки дунёга келди ўз онасининг сүти, тақи ўзга кофир заифаларнинг сүтини эммади. Бу жиҳатдин қоҳинлар бирла билгаларини бақтурдилар. Улар айдилар: «Бу муҳаммадий турур. Муҳаммадия кофир заифа сүтини эммаз», - тедилар эрса, бир мусулмон заифа файдо (пайдо) қилиб келтирдилар. Анинг сүтини эма бошлади. Бу воқеадин неча йилдин сўнг отаси Йўжикхон ўлди эрса, кофирлар орасида юрий билмай, Сиғоқ шаҳринга келиб эрдилар. Ул вилоятқим келдилар, шайхул олам Сайфиддин Бохарзийки, ҳазрат қутб ул-ақтоб Шайх Нажмиддин Кўронинг халифалариндин турур, уларнинг авсофи ҳамидларини (мақтовли сифатларини) эшитиб иштиёқ ва рағбат билан хизматларига неча йиллар риёзатлар чекиб, авлиёларда камолнинг ниҳоятини ҳосил қилиб эрди. Хануз шайхнинг хизматларида эрдилар, бу аснодаки Сойинхон ўлди, беклари иттифоқ қилиб Ҳалоқухонга элчи юбордилар. Бир кун ҳазрати шайх Беркахонга айдиким: «Эй фарзанд! Худойи таолонинг амри андоғ бўлдиким, сен бориб оталарингни юртинда подшоҳлиғ қилғил». Беркахон теди: «Сизнинг хизматда табоғимен! Тақи яна бориб дунёнинг подшоҳлиғина, тақи машаққатина ўзимни солғаймен?!» Шайх айди: «Агар тафарруқиға тушарсен, агар машаққатина тушарсен, Худойи таолонинг тақдиринга чора йўқ турур», - теди эрса, хони мазкур ҳам бечора бўлуб қабул қилди. Бир неча кун яроғ қилиб чиқдилар. Ҳазрати шайх Бухородин Қорақўлга тегру узата келди. Хон шайхнинг жиловиди фиёда (пиёда) келдилар. Қорақўлдин шайх дуо қилиб қайтдилар. Хон Дашт вилоятинга мутаважжих бўлдилар. Ҳожигархон вилоятинда Ҳожи Ниёз теган давлати машхур киши бор эди, ул айтур эрди: «Ҳазрати хон

Қорақўлдин саккиз киши бирла чиқиб Дашт вилоятинга юрдилар. Ул саккиз кишининг ҳар бириси минг уйга отом (бошлиқ) турур эрди». Чун хон алайхир раҳма Қорақўлдин чиқиб Урганж келди, Урганждин Саройчуқ борди. Айтурлар, Саройчуқга борғонда беш юз киши жам бўлдилар. Саройчуқдинки ўтдилар, Эдил дарёсининг ёқасинга еткунча минг беш юз киши жам бўлдилар. Чун Эдил дарёсининг ёқасинга келдилар, хабар топдиларким, Ҳалоқухон азим лашкари билан Қулзум (Каспий) дарёсини ёқалаб кела турур, теб. Бу йиғилгон лашкари бедил бўлуб (юрак олдириб), барчаси иттифоқ қилиб айдиларким: «Ҳалоқухон улуг подшоҳ турур ва азим лашкари бор. Биз оз киши турурбиз. Анга ўтру чиқиб урушмоқимиз маслаҳат бўлмағай». Айтурлар: Ул ҳолда хоннинг алинда (қўлида) бир қопсиз (ғилофеиз) қалқон турур эрди. Баъзилар айтур эрди: бир қопсиз тўлға (дубулға) турур эрди. Бир қўйнинг ошқуки ҳам ҳозир эрди. Хон буларнинг жавобинда айдики: «Мен ўз раъйим, ўз фикрим билан юриган киши эмас эрдим. Сизлар менга инонмай турурсиз. Ҳоло бу ошиқни қалқоннинг ё тўлғанинг қуббасинга ўз қўлимиз билан ўмқа қўйсак – худ тўхтамас. Эмди сизлар бирла биз бир шарт қилоли. Мен бу ошқуни бу қалқоннинг ё тўлғанинг қуббаси уза урайин. Агар буларнинг қуббаси уза ўмқа турса- худ билингки, бу ёғийни мен босармен (енгаман). Худойи таоло менга берур. Агар ўмқа турмаса, ҳар не сизнинг айтғонингиздин чиқмайин». Бу жамоат ҳам айдилар: «Агар ўмқа турса, биз ҳам сизга якжиҳат бўлоли, то жонимиз боринча». Хон алайхир раҳма ошқуни қўлига олиб, Оллоҳ таолони ёд қилибки урди, қуббанинг устинда рост ўмқа турди. Бу ҳолатни кўрдилар эрса, қўнғуллариндин шак-шўбхани кўтариб барчаси муте ва фармонбардор бўлуб, Эдил дарёсини кечиб Қулзум дарёсини ёқалаб, Ҳалоқухон лашкаринга ўтру юрдилар. Ул йўлда Қулзум дарёсининг шохча-шоҳча сувлар чиқар, йўл ул сувларнинг бошларин кеса кетар. Қумли бийик тепалари бўлур. Фақир ул ерларни кўрган турурмен, «Қирмажок» терлар. Андин нари дарёдин шохча сув чиқмас турур. Анинг бир улуг тепаси бор. Беркашоннинг қоровуллари ул тепага чиқдилар. Ширвон тарафидин азим гард пайдо бўлди. Хонга хабар келтурдиларким: «Ёғийнинг гарди пайдо бўлди, ҳеч учи-қироғи йўқ турур»,- теб. Бу беклар яна бедиллик қила бошладилар. Хон айдилар: «Мен ул тефага чиқайин. Сизлар мундин қараб туринг, тақи Худойи таолонинг қудратин кўрунгиз. Агар ёғий келиб мени олтур бўлса, сизлар мундин - ўқ қочгайсизлар». Булар ҳам қабул қилиб турдилар. Хон тепа бошинга чиқди. Оз замондин сўнг ул тарафдин лашкар пайдо бўлди. Гуруҳ-гуруҳ, қўл-қўл бўлуб келур эрдилар. Ҳаминки яқин келдилар, тақи муқобаласинда ясол чека бошладилар. Чандон ясол чекиб турдилар, лашкарнинг ўнги ва сўнги етишиди. Лашкарнинг қироғи кўрса бўлмас эрди. Ул аснода ҳазрати хон уч қаррат қамчисин силтади, тақи ёғийга ўтру от солди. Ҳануз тепадин ошоқ (қуйи) инмайин, Худойи таолонинг қудрати бирла ёғий лашкари бузулди, тақи қочди. Хоннинг лашкари бу ҳолатни кўрди эрса, хон сўнгиндин от солдилар. Неча кун қувиб, ўлтурганин ўлтуруб, ўлтурмаганин асир қилиб қайтдилар. Отларин-яроғларин тамом олдилар. Ул тушкан кишилардин сўра эрдилар: «Сиз ул тепа бошиндақи бир кишининг нечук қочдингиз?» Улар айтур эрдилар: «Ул бир кишиким тепанинг устунда чиқиб турур эрди, анинг икки ёнинда икки улуг лашкар бисёр турур эрди. Ҳар нечаларким қаралар эрдук, ул икки лашкарнинг учини тақи қироғини кўра билмас эрдук. Йироқ ясол чекиб турғонимиз ул жиҳатдин эрди. Чун ул тепадаги киши

бизга от солди, ул икки азим лашкар ҳам от солдилар. Ҳаёл қилдукким, ер-кўк устумизга йиқилиб кела турғонтек бўлди. Ул жиҳатдин тура билмай қочдик». Ҳазрати хоннинг бу каромати халқ орасинда машхур турур. Баъзилар айтурлар: «Ҳалоқухон бу лашкарнинг ичинда эрди. Бу лашкар босилғонда ўлди, ҳеч киши анинг ўлганидин хабардор бўлмади». Аммо ҳазрати Дўст Султоннинг таворихларида айтиб турурлар: «Бу лашкарки босилиб борди, ғусасиндин хаста бўлуб, икки ойдин сўнг ўлди». Ва Оллоҳу аълам (Оллоҳ билгувчидир).

Чун Дашт вилоятики Беркашонга мусаллам бўлди, аксари кўп кофирларни муслмон қилди. Баъзилар ўн уч йил, баъзилар ўн олти йил подшоҳлик қилди, теб турурлар. Андин ҳақ раҳматига восил бўлди. Ҳазрати хондин насл қолмади. Юқориди мазкур бўлуб эрди, Сойинхоннинг икки ўғли бор эрди. Бир Сориток, тақи бири Тўғон эрди. Сориток отасидин бурун саккиз ёшларида ўлди. Тўғондин икки ўғул қолиб эрди: бирининг оти Туда Менги, яна бирининг оти Мунг Темур. Бу Мунг Темур ёш эрди. Аммо Туда Менги агарчи йигит етилиб эрди, вали беақл, бисёр девона киши эрди. Сойинхон наслидин мундан ўзга киши топмайин, беклар иттифоқ қилиб машоралайхини (яъни, мазкурни) хон қилдилар. Мундин ажойиб ва ғаройиб сўзлар, турфа ҳикоятлар бисёр турур. Аммо бир-икки бу мухтасарда ёд қилинди.

Айтурлар: бир вақтда Туб (Тибет) хондин элчилар келди. Беклари иттифоқ қилиб хони мазкурга айдилар: «Бу йироқдин келган элчи турур. Мунинг кўзунча паришон иш қилмағил. Хонининг саломатлигини сўрғил. Тақи элнинг рафоҳиятликни (фароғатлигини) сўрғил. Ўзга сўз сўрмағил». Яна айдилар: «Сизнинг ўзунгизга ихтиёрингиз йўқ турур. Сизнинг оёқингизга бир ип тақали. Тақи тахтнинг остинга бир киши қираб, ул ишни тутуб ўлтурсун. Ҳар гоҳки, бизнинг бу насихатимизни унутиб, паришон сўзлай бошласангиз, ул ишни тортеин. Ул ҳолда сўзламакни бас қилгайсиз»,-тедилар эрса, ул ҳам қабул қилди. Айтурлар: «Анинг бир яхши иши ул эрди, бовужуди ул девоналиқи бор ҳам, ҳар ишники беклар иттифоқ қилиб анга тесалар, ани қабул қилиб уларнинг сўзиндин чиқмас эрди». Ул жиҳатдин ўн саккиз йил Дашт вилоятинда подшоҳлик қилди.

Эдиқубий раҳматуллоҳу алайҳи айтур экандур: «Душманнингизга ёмон дуо қилур бўлсангиз, бу тариқа дуо қилингизким: «Бори Худоё, меннинг душманимни билликсиз қилғил ва тақи билганларнинг ҳам тилинга инмас қил». Агар киши ўзи билмағай, билганларнинг сўзига ингай, ул ҳамон билликлик турур, анинг тафовути йўқ турур»,- дер экандур.

Алқисса, тонгласи элчига кўруниш бердилар. Хоннинг саломатлигини сўрди. Андин сўнг айди: «Сизнинг элда сичқон кўп бўлурми?» Айди: «Бўлур». Андин яна сўрдиким: «Сизнинг элда яғмур (ёмғир) кўп бўлурми?» Айдилар: «Балли, кўп ёғадур». Ул ишни тутуб ўлтурғон киши кўрдиким, паришон сўзлай бошлади. Ул ишни тортеди. Хон элчига айди: «Сендин яна сўз сўра эрдим, валекин оёқимдин торта турурлар». Беклар филҳол (дарҳол) элчини олиб қайтдилар, тақи от-тўн бериб узатдилар. Ул элчи қайтиб ўз подшоҳи хизматига келди. Ул хон сўрдиким: «Қариндошимиз хонни нечук кўрдунг ва не турлик киши турур?»,-теди эрса, элчи айди: «Бир қаррат-ўқ кўруниш қилдим. Эзгу билмадим (яхши биллолмадим). Ул кўрунишда сизнинг саломатлигингизни сўрди. Тақи эл-қунинг рафоҳиятини сўрди. Яна сўрдиким: «Сизнинг элда сичқон кўп бўлурми?». Мен айдим: Балли, кўп бўлур». Яна сўрдиким: «Сизнинг элда яғмур кўп ёғарми?» Мен айдим: «Балли ёғар». Яна айдики:

«Сендин яна сўз сўрар эрдим, валејкин, оёқимдин торта турурлар». Андин беклар филҳол туруб қайтдилар. Мен ҳам қайтдим. Хонни кўрганим ўшал бўлди». Бу хон тақи беклари бу сўзга тафаккур қилдилар, айдилар: «Яғмур кўп ёғарми, тегани яхши, анинг учунким, барча халойиққа яғмурдин рафоҳият бўлур. Ва тақи сичқонни ҳам сўрғони ёмон эрмас, андин барчага зиён тегар». Аммо ҳар неча фикр қилдилар, ишни торта турурлар, теганини билмадилар, теб турурлар.

Яна бир ҳикоятким: «Ўзи Эдил дарёсини кеча черик отланиб эрди. Черикдинким қайтди, девоналиқи ғолиб бўлди. Анинг одати ул эрди, ҳар гоҳки девоналиқи ғолиб бўлса, ҳеч кишининг сўзинга илтифот қилмас эрди. Бир ерга келиб тушдилар. Ўн беш кун ул ердин отланмади. Черикнинг озқи туганди. Аҳволлари хароб бўлди. Беклари кенгаш қилдилар, тақи айдилар: «Бу ҳўло заифасини унутиб турур. Бир яланг юзли (соқолсиз) йигитни заифа суратиға ясаб йироқдин кўрсатали. Бўлғайким, заифаси хотириға тушуб отлангай». Тақи бир ўғлон йигитни заифа суратиға ясаб кўрсатдилар эрса, кўргач заифаси хотириға келди. Тушуб айди: «Бизнинг эвда (уйда) ҳам мунунгек киши бор эрди». Филҳол отланиб илғади (илдам юрди). Баъзилар бу ҳикоятни бир турлик қабихроқ айтурлар. Муносиб кўрмадикки, бу дафтарда битилгай.

Алқисса, бу янглиғ турфа девона киши бўлғондур. Баъзилар айтурлар, ўн саккиз йил хон бўлди. Баъзилар айтурлар, саккиз йил хонлиқ қилди. Андин сўнг иниси Мунг Темур йигит етилди эрса, ўзи - ўқ инсоф этди, айди: «Мунчадин бери киши йўқдин мени хон қилиб эрдингиз. Сизлар ҳам қийналдингиз, мен ҳам қийналдим. Энди иним, шукур, бу чоқли ўсди. Менинг кўнғлум сизларга хуш турур. Инимни хон қилингиз», - деб ўзини хонлиқдин азл қилди. Беклари ҳам бу сўздин хушҳол бўлдилар. Иниси Мунг Темурни хон кўтардилар.

Достони Мунг Темурхон

Мунг Темурхон бисёр одил ва зобит, оқил подшоҳ эрди. Мунг Темур замонинда эл-кун бисёр рафоҳиятда бўлдилар. Анинг ғоят яхшилиқиндин Кулукхон от бердилар. Андоғ Мунг Темур Кулукхон машхур турур. Айтурлар, ўн уч йил хонлиқ қилди, андин сўнг вафот топди. Андин икки ўғул қолди: бирининг оти Тўқтаға, бирининг оти Тўғрул. Отаси ўлгандан сўнг Тўқтаға хон бўлди.

Достони Тўқтағахон

Бу Тўқтағахон бисёр улғу подшоҳ эрди. Сойинхон ўғлонларидин мунунг муқобиласинда подшоҳ оз бўлди. Айтурлар, ул тариқа муаззам шулони (зиёфати) бор эрди, отдин, сигирдин, кўйдин ўзга жониворлардин бошқа ҳар кунда тўқсон қобон шулонинда пишар эрди. Мунунг бир ўғли бор эрди, Элбосар отлиғ. «Мен ўлгандан сўнг анга хонлиқ талашур» - теб ўз қариндошларин, тақи ўз наслин барчасин қирди. Ҳаттоки, иниси Тўғрулни ўлтурди, терлар. Аммо баъзилар айтурлар, Тўғрул ўзи хасталиқдин ўлди. Келин Баёлин отлиғ Тўғрулнинг заифаси бор эрди, кўркүк эрди. Тўғрул ўлган маҳалда бир фарзанди бўлди. Кўрдикки, Тўқтағахон ўғли жиҳатдин қариндошларин қира турур. Бир неча киши бирла қочириб, Черкас тоғиға юбордилар. Ўзбекхони машхур алайҳир раҳма ул ўғлон турур. Оз фурсатдин сўнг Келин Баёлинни хон олди. Ани бисёр севар эрди. Бу қазия (воқеа) лардин неча йиллар кечди. Айтурлар, хоннинг умри тўқсон ёшар эрди. Ўн ёшида хон бўлур эрди, саксон йил хонлиқ қилди. Баъзилар айтурлар, йигирма ёшида хон бўлди, етмиш йил хонлиқ қилди. Чун охир умринга яқин келди, алқисса, ўзумдин сўнг хон бўл-

сун, теб сақлағон ўғли ўзундин бурун ўлди. Басе маълум турурким, бирдин бир ўғли бўлғай. Мендин сўнг анга хонлиқ талашур, деб ўз уруғин тамом қирғон бўлғай. Яна ўзи ҳам пирлик (қарилик) бирла охир умринга етмиш бўлғай. Бу ўғул тақи ўзидин бурун ўлғай. Анинг не турлик мусибати ва надомати бўлғай. Оқибат, бу ғуссадин хаста бўлур, хасталиқи узоқга чекди. Бир кун тўшақда ётиб, ул ён, бу ён оғанаб «ох» урар эрди. Келин Баёлин билдики, не жиҳатдин бетоқат бўла турур. Айди: «Сиз доим хаста бўлур эрдингиз. Бу йўл нечук бетоқат бўла турурсиз?» Хон айди: «Нечук бетоқат бўлмайин. Ёлғиз ўғлум Элбосарға хонлиқ талашур, теб ўз уруғимни тамом қирдим. Ўғлумнинг ҳам иши ул тариқа бўлди. Ўзумға ҳам ўлум яқин келди. Юртим ёт кишиға тушар. Бетоқатлиғим ул жиҳатдин турур», - теди эрса, Келин Баёлин айди: «Сизнинг ёрлиғингиздин тош (ташқари) мен бир иш қилиб турумен. Агар гуноҳимни бағишласангиз, айтайин». Хон филҳол кўпуб ўлтуруб сўрдиким: «Не иш қилиб эрдингиз?» Айди: «Ул маҳалдаки инингиз ўлди, инингиздин бир ўғул бўлур эрди. Сизни, ўлтургай, теб қочириб, Черкас вилоятинга юбориб эрдим. Ҳоло ҳар йилда анинг саломатлиқ хабари кела турур. Бу йил ўн тўрт ёшинда турур. Агар ёрлик қилиб киши юборсангиз ул келур эди», - теди эрса, хон хуш холатдин андоғ бўлди, ғўёки хаста бўлмоғонтек бўлди. Икки минг туман эл Келин Баёлинға севинчи этди. Тонгласи бекларни чорлаб, Қиёт Исатой ва Сижут Олатойға қирқ минг киши қўшуб, Ўзбекхон алайҳир раҳмани келтурмакка юборди. Булар бориб келгунча, Тўқтағахон вафот бўлди. Божир Тўқбуғо теган уйғур ўмоқли бўлур эрди. Қавму қабиласи кўп кучлук эл эрди. Ва тақи хоннинг отолиқи эрди. Шайтон васваса бериб - қаро киши экан (оддий одам бўлса-да) ул хон бўлди. Келин Баёлинни, тақи хоннинг ўзга заифаларини ҳам олди.

Алқисса, бу аснода ул борғон беклар ҳазрати Ўзбекхонни олиб (мамлакат) қироғиға келдилар, хабар топдиларки, хон ўлди, тақи Божир Тўқбуғо хон бўлди, барча эл-кунни ўзига мусаххар қилди, теб. Бу хабардин бисёр паришон ва ғамнок бўлур, кенгаш қилдиларким, не иш қилсак бўлур? Аммо баъд, бу аснода Божир Тўқбуғо беклари бирла кенгашиб иттифоқ қилдилар: «Уларки тул ўрданинг (марҳум хон ўрдасининг) эшикинга тушуб, ёс (аза) тутурлар, икки каррат «чав-чав» теб, ёс тутғондин сўнг қўл тебратали». Қалмоқнинг қондаси ул турурким, подшоҳлари ё улғулари ўтқанда гуруҳ-гуруҳ қавмлари бирла келиб уч каррат «чав-чав» теб, фарёд ёс тутарлар эрдилар. Улғуғода уларнинг орасинда ул расм ҳам ҳануз бор эрди. Бир кун Ўзбекхон беклари бирла тонг отмасдин бурунроқ кўчиб эрдилар. Бир киши буларнинг олдиндин келиб ўтар эрди. Тақи айтурким «чав тегил», тақи «чав тегил» теб бир каррат айтиб ўтди. Парвой қилмадилар. Иккинчи каррат яна айтиб, Қиёт Исатой айдиким: «Ул не теганинг бўлур?» Ул киши айди:

Менинг отим Соғусул,

Англағойсен сўнгусул.

Қиёт Исатой айди: «Бир сўз бор». Бу кишининг ортинча борди, тақи айдиким: «Менга бу сўзин айтғил, не сўз турур?» Ул айдиким: «Божир Тўқбуғо беклари бирла иттифоқ қилиб кенгашдиларким, сизлар бориб ўрдалар эшикиға тушуб икки каррат «чав-чав» теб ёс-лағондин сўнг улар қўл тебратиб сизларни қирмоқ бўлдилар. Агар сизлар бир каррат «чав» тегач устиға юруб қўл тебратмасангиз - бордингизлар, барча ҳалок бўлдуғизлар. Бу сўзумнинг кайфияти бу эрдикки, сенга айтдим». Исатой бу хабарни бекларига айди эрса, иттифоқ қилдиларки, «чав» тегач қўл тебратмақ бўлдилар. Тонг-

ласи юриб ўрда ўлтурғон ерга етдилар. Божир Тўқбуго ўрда ичинда тахт устинда ўлтуруб эрди. Беклари ва навкарлари эшикинда қўрлаб эрдилар. Булар келиб эшикда тушдилар тақи, бир карра «чав-чав» теб ёслағондин сўнг «ча» тегач, Божир Тўқбугонинг устига қуюлдилар. Тоқдин рост (жуфт) қилғунча Исатой етиб бўйнуғга чопди, боши бир қадам ерга бориб тушди. Олатой бўйда (ханжар) била санчиб юқори кўтаргач, фарёд қилдики: «Муно иёнгизнинг боши. Ерлик ерингиздин тебранмангиз», - теди эрса, барчаси сует бўлуб ўлтира қолдилар. Андин сўнг бу бошни қўр-қўрға кездуруб, фарёд қилура бордилар: «Қаро киши хон бўлмоғи мундин кесилсун», - теб. Чун Божир Тўқбугонини ўлтурдилар, ҳазрати Ўзбекхонни хон кўтариб тахтда ўлтурдилар.

Достони Ўзбекхон

Ҳазрати хонки тахтда ўлтурди ва эл-қун қарор топғондин сўнг Йўжихоннинг ўзга онадин туғғон ўн етти ўғлининг ўғлонларини чорлатиб келтуруб айдик: «Сизлар ота ўғли эмасми эрдингиз? Қаро кишига қул-навкар бўлуб, анга муте бўлғонча силардин бирингиз хонлик талапсангиз эрди. Чун сизлар қаро кишининг қуллуғини-навкарлигини қабул қилдингиз эрса, мен ҳам сизларни қаро кишига қўшун берайин», - деб қаҳр қилиб навкар-савдар ва эл-қунларин барчасин Қиёт Исатойга суюрғол қилди.

Юқорида ҳам тақриб била зикр қилиб эрдик. Чун Шайбонхон қилич чошиб ёғийлар вилоятларин очиб эрди, у жиҳатдин анинг ўғлонларини ва набираларини барча халойиқлар иззат-хурмат қилурлар эрдилар. Хонки бу ўғлонларга қаҳр қилиб Исатойга қўшунки берди, Исатой тақи Шайбонхон ўғлонларига оталари ҳурматин қилиб, бўйрак била қорлиқни, икки боғли эл турур, ани олиб буларни ўз ҳолига қўйдилар. Сойинхон салғон юртларида бўлур эрди, тебтурурлар. Ва тақи Олатойга минг боғли эл айирди. Ул машхур турур. Ўзбеклар орасинда айтурлар: Исатойга ўрум четиб, Олатойга минг берди, дерлар, маънис бу турур.

Ҳазрати хони мазкур алайҳир раҳма азамат улуг подшоҳ эрди.

Бир неча йил подшоҳлик қилғондин сўнг Оллоҳ таолонинг инояти бўлуб мусулмон бўдилар.

Ҳикояти сабаби исломи Ўзбекхон

Сабаби исломи ул эрдиким, ул замоннинг валийларидин турур тўрт валийга Оллоҳ таолодин илҳом бўлдики: «Сизлар бориб Ўзбекни исломга давъат қилингизлар». Тақи Оллоҳ таолонинг амри била Ўзбекхоннинг эпикага келиб қўруннинг тошида ўлтуриб мутаважжих бўлдилар. Андоғ ривоят қилурлар, кофир соҳирлар (сеҳргарлар) бирла кофир қонлар хонга андоғ каромат кўрсатиб эрдиларки, хоннинг мажлисига бол (асал)ни субжоқи (идиши) била келтуруб қўяр эрдилар. Жўрғоти (кўза) ва дўстиғон (қадах)ларни тайёр қилур эрдилар. Бол ўзи жўрғотига қуюлур эрди ва дўстиғонга сузулур эрди. Ва дўстиғон ўзи ул кишига борур эрди. Барча бу соҳир-қонларини хон ўзларига шайх билиб, ёнларида ёнаша ўлтуртуб бисёр эъзоз ва иқром қилур эрди. Аммо бир кунки булар келиб мутаважжих бўлуб ўлтурдилар, кундакитек паймонаси (идиши) била бол келтурдилар. Жўрғоти ва дўстиғонни келтуруб қўйдилар. Бир хийла муддат ўтгиким, на бол кундакитек жўрғотига қуюлар, на дўстиғонга сузулур эрди. Хон бу шайхларинга айдди: «Не жиҳатдин бу бол маътал қилиб турур?» Шайхлари айдилар: «Ғолиб, бу яқинда муҳаммадий келиб турур. Бу анинг аломати турур». Хон ҳукм қилдики: «Қўр-қўрдин юруб


истасангизлар, тақи муҳаммадий бўлса, олиб келингизлар!» Мулозимлар чиқиб қўр-қўрдин тафтиш қилдилар эрса қўрдилар, қўрнинг тошинда тўрт ўзга суратлиг кишилар бошларини қўйи солиб ўлтурур эрди. Мулозимлар айдиларки: «Сизлар не киши турурсиз?» Булар айдилар: «Бизларни хон қошига олиб борингиз». Олиб келдилар эрса, хоннинг кўзи буларга тушди. Чун нури ҳидоят била Оллоҳ таоло хоннинг кўнглини мунаввар қилиб эрди, буларники қўрди, майлу муҳаббати кўнглунда пайдо бўлди, сўрдиларки: «Сизлар не кишилар турурсиз, не ишка юриорсиз, не ишка борурсиз?» Булар айдилар: «Бизлар муҳаммадий турурбиз. Худой таолонинг амри бирла келиб турурбизким, сизларни мусулмон қилгаймиз». Бу аснода хоннинг шайхлари фарёд қилиб айдилар: «Булар ёмон кишилар бўлур. Буларни сийламак керакмас, ўлтурмак керак». Хон айдилар: «Нечун ўлтурдурмен. Подшоҳ - мен. Сизларнинг ҳеч қайсингиздан парвойим йўқ турур. Қайсингизнинг динингиз барҳақ бўлса, анинг бирла бўлурмен. Агар буларнинг дини ноҳақ бўлса, сизларнинг бугундаги ишларингиз нечук ботил бўлуб маътал қолди. Сўзлашингиз, қайсингизнинг динингиз ҳақ бўлса анга тобе бўлурмен». Бу икки жамоат бир - бириси бирла баҳсқа тушдилар, қўп ғавво ва жадал қилдилар. Оқибат анга қарор бердиларким, икки танур қазгайлар, ҳар бирисини ўн ароба сўксўк (саковул) била қиздурғойлар. Бир танурга соҳирлардин, бир танурга булардин бир киши киргай. Ҳар қайси қўймай чиқса, анинг дини ҳақ бўлғай.

Тонгласи икки улуг танур қаздилар. Сўксўк ўтунлардин йиғиб қиздирдилар. Бирисини соҳирларга тайин қилдилар, яна бирисини мусулмонларга тайин қилдилар. Бу азизлар бир-бириси бирла муроёт қилишдилар: «Қайсимиз кирарбиз». Буларнинг бирисига Бобо Туклос дер эдилар. Тамом аъзоларини тук босиб эрди. Ул айдди: «Менга ижозат берингиз, мен кирайин. Сиз менга ҳиммат тутунгиз». Бу азизлар анинг ҳаққина фотиҳа ўқудилар. Ул бобо айдди: «Менга жиба (совут) ҳозир қилингиз». Жибани ҳозир қилдилар эрса, жиба кийди яланг этка (яланғоч баданга). Тақи Оллоҳ таоло ёдида талқин бошлаб танур тарафига мутаважжих бўлди. Айтурлар, бобонинг туклари ўро (тикка) қўпуб жибанинг кўзларидин чиқиб эрди. Бу ҳолатни барча қўрар эрдилар. Булар юриб танурга кирди. Бир қўй этини келтуруб танурга осдилар, оғзини беркитдилар.

Эмди келдик қонлар қиссасинга. Қонлар заруратдин бирисини чиқариб танурга солдилар. Ҳаминки тушқач, кули кўкли-яшилли бўлиб, ёлини танурнинг оғзиндан чиқар эрди. Бу ҳолатни хон бошлиқ барча халойиқлар кўрди эрса, қўнгуллари кофир динидин узулуб мусулмонликга майл қилдилар. Ва тақи бобонинг талқин айтқон овози танурдин мутгасил келур эрди. Қўй эти шишди теган маҳалда танурнинг оғзини очдилар. Бобо муборак юзлариндин терларини суртгач: «На ошқундигиз? Агар бир замон таваққуф қилсангиз эрди, ишим тамом бўлуб эрди», - теб танурдин чиқди. Кўрдиларки жиба чўғ бикин (каби) қизил бўлуб эрди. Аммо Худойи таолонинг қудрати бирла бобонинг бир туки қўймайин чиқди. Бу ҳоли хон бошлиқ барча халойиқлар кўрди эрса, шайхларнинг этақларини тутуб мусулмон бўлдилар. Алҳамдулиллаҳи ала динил исломи.

Беркахон замонида ўзбек тоифаси мусулмон бўлуб эрдилар. Бу йўлки, Ўзбекхон мусулмон бўлди, андин бери ўзбек тоифасининг исломи тағйир (ўзгариш) топмади. Айтурлар, Ўзбекхон йиғирма йил подшоҳлик қилди. Андин сўнг ҳақ раҳматига восил бўлди. Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъуна.

Давоми кейинги сонда.



Зулфия ҚУРОЛБОЙ қизи



Ҳикоя

Даврон хирмонга қоровул эди.

Айни пишиқчилик, бугдой ўрими вақти... Эртадан кечгача иккита комбайн кетма-кет бункерини тўлдириб, оғироёқ аёлдай лапанглаб келиб-кетиб туради. Донни ташишга ажратилган машиналар шунча елиб-югурсалар-да, улгура олмайдилар. Терлаб, бўғриқиб кетган комбайнчилар юк машиналар етиб келишини кутмасдан бугдойни ерга тўкиб кетишадди.

Давроннинг вазифаси ана шу ерга тўкилган бугдойни қўриқлаш эди. Бригадир унга: “Мавсум тамом бўлгунча хирмондан бир қадам ҳам жилмайсан”, деб тайинлаган.

Бошида бу иш ёкмаганди. Кундузи-ку, майли, бир амаллаб чидайди. Лекин шундай кимсасиз, ҳайҳотдай далада ётишнинг ўзи бўладими? Ҳамма бола-чақасининг олдида бўлса-ю, ёлғиз у... тунлари юлдуз санаб ётса!..

Бригадир хирмонга келганида у бир-икки тихирлик қилди. Менга тўғри келмас экан, деди. Девдай эркакка қоровуллик ҳам ишми, деди. У деди, бу деди. Лекин барибир бригадирни кўндира олмади. “Шу девдай бўлганинг учун ҳам сени хирмонга қўйдик-да”, деб кутулди бригадир.

Даврон ҳали-вери тақдирга тан бермасди. Бригадир йўриғига юрмаса, бор-е деб ҳаммасига қўл силтаб кетиб ҳам қоларди. Аммо...

Ўша куни у дон ташийдиган юк машиналарнинг ҳайдовчилари билан чайла олдидаги тол соясида гаплашиб ўтирганди. Толдан уч-тўрт қадам наридан лоток — бетон ариқ ўтган. Суви лойқа-бўтана эди-ю, жазирама иссиқда таннинг роҳати. Даврон ҳайдовчилар билан ҳар куни шу лойқа сувда чўмилиб, тол соясида гурунглашиб ўтирарди.

Ҳаво ҳар кунгидан ҳам иссиқ ва дим эди шу куни. Фир этган шабада эсмасди. Даврон шериклари билан икки марта чўмилиб чиққан бўлса-да, яна терлаб-пишиб кетаётганди.

— Яна бир мартадан калла ташламаймизми? — деб сўради у шерикларидан. — Кун нақ ёндирипти-я!..

Ҳайдовчилар унинг таклифига рози бўлишмади.

— Бир рейсдан бориб келайлик, кейин чўмиламиз.

— Силарни кутиб ўтирмайман!

Машиналар чанг-тўзон кўтариб йўлга тушишди. Давроннинг ҳайдовчиларга ҳаваси келди. “Ҳар қалай менга ўхшаб ғирт бекорчи эмас улар”, деб қўйди ўзига ўзи.

Кейин кийимларини ечиб чайла устундаги якка-ю ягона михга илиб қўйиш учун шу томонга юраркан, беҳосдан бетон ариқ ёқалаб келаятган аёлга кўзи тушди. Шоша-пиша кийимларини кийиб олди.

Яқин келганидан кейин билинди, оқ рўмол ўраб

юзини кўзига довр бекитиб олган аёл ёш ва хушрўй эди. Қалдирғоч қанотидек қайрилма қошлар... Қирғоқларига билинар-билинемас сурма чизилган чақноқ кўзлар...

Буларнинг барчаси “ёш аёлга тегишлиман”, дегандай кўзларни куйдирарди.

Сувга тушиб қўймаганидан Даврон ичида хурсанд бўлди. Нақ шарманда бўларди-да ўзиям.

— Кўшни... — Аёл майин, ширали овозда мурожаат қилди унга. — Тоза сувимиз тугаб қопти. Қарзга ярим челак сув бериб туринг, илтимос...

— Сув?! Ана чайлада, бакда турибди. Олаверинг, — деди Даврон.

Аёл кулиб қўйди.

Даврон шундагина аёлнинг чеҳрасига тикилиб қолганини фаҳмлади. Дарҳол нигоҳларини олиб қочди.

Икки-уч дақиқа ичида аёл бакдан сув қуйиб олиб, чайладан чиқди.

— Мана, ярим челак олдим, — деди у ҳамон ҳайкалдай қотиб турган Давронга яқин келиб.

— Кўпроқ олавермайсизми? Бу... нима бўларди? Опкелинг, пақирингизни беринг, ўзим... — Даврон челакка қўл узатди.

Аёл ортга тисланди.

— Бакда сув оз қопти ўзи. Сизлар ҳам сувсиз қолманглар тагин.

Аёлнинг самимияти Давронга дадиллик бахш этди.

— Сизам шу атрофданмисиз?..

— Ҳа, эрим лалми тарвуз эккан. Хув, анави дўнглик бор-ку, шунинг орқасида еримиз, чайламит бор.

— Сизам қоровул экансиз-да, а?

— Ҳам қоровул, ҳам кетмончи... — деди аёл ерга қараб. — Май ойдан буён жўякдаги ўтларни чопамиз, ўлсин... ҳеч адо бўлмайди.

— Биринчи йил деҳқончилик қилишларингизми?

— Ҳа, эрим ўқитувчи эди, ҳеч биримиз икки бўлмади. Бу йил бир ўзимни деҳқончиликда синаб кўрай-чи, деганди.

— Тарвузлар пишиб қолгандир... — атай ўсмоқчилади Даврон.

— Ҳа, йўқ, — аёл челакни сўл қўлидан ўнг қўлига олди. — Ҳандалак эккандик, бир жўяк, шулар пишди. Эрим ҳандалакларни бозорга опкетди. Айтгандай, эримни танисангиз керак, Абдурасул деган киши...

— Танисам керак, — деди Даврон ўзини ўйлагандай кўрсатиб. — Абдурасул... Абду... Қайси қишлоқдан-сизлар ўзи?

— Равотдан.

— Ҳа, равотлик Абдурасулни танимасак, энди таниймиз-да.

— Сув учун раҳмат.

Аёл кетишга чоғланди.

— Тўхтанг, бир пас шошмай туринг! — Даврон шундай деганча югуриб чайлага кирди-да, ичида ярим челақ сув қолган бакни кўтариб чиқди. — Бизга ҳозир “водовоз” келади. Ҳамма идишларни тўлдириб олсам бир ҳафтага етади.

Даврон аёлнинг норозилигига қарамай бакдаги сувни унинг челагига ағдарди.

Сувнинг заррин томчилари сачраб аёлнинг этагини ҳўл қилди.

Аёл ўнғайсизланиб ортга тисланди.

Сув челақдан тошиб, ерга тўкилди.

— Эссиз... шунча сув... — деди аёл.

— Сувдан қийналасизларми, дейман-да?

— Мен ўлгур сувни кўп исроф қиламан-да.

— Ювиш-чайишга ариқдаги сувни тинитиб ишлатсангиз ҳам бўлади-ку.

— Лойқа сув юз терисини шўрлатиб юборади... Мен бора қолай бўлмаса, гап билан бўлиб анча туриб қолдим.

Аёл куч билан силтаниб челақни ердан кўтарди.

— Мен обориб бера қолай! Йўл анча олис...

Даврон аёлнинг йўлига кўндаланг бўлди.

— Йўғ-е, ўзим... Оғирмас...

— Келинг, энди... — Даврон аёлнинг розилигини кутмай челақни унинг қўлидан олди.

— Ўзим кўтариб кетаверардим. Қизиқ бўлди-да... —

Аёл у билан ёнма-ён юраркан, ердан бош кўтармасди.

— Исмингиз нима?..

— Баҳорой.

— Баҳорда туғилганмисиз? — Даврон кулиб қаради.

— Э, йўқ, айна қиш чилласида туғилганман. Исминим отам қўйган. Э... Бу дунёда ўзи ҳамма нарса телба-тескари. Дадам мени ўғил бўлишимни жудаям хоҳлаган экан. Лекин мен қиз туғилганман. Онам исминни Ёркиной қўймоқчи бўлганлар. Лекин дадам Баҳорой қўйганлар. Мен эса... Ана шунақа!.. Сизнинг исмингиз нима?

— Даврон.

— Янгамники-чи?

— Холдон. Лекин мен Холида дейман. Уни жаҳли чиқади, ўзимнинг исим билан атанг, дейди. Лекин мен барибир Холида деявераман. Ана шунақа!..

— Нега?!

— Билмайман...

Иккаласи бирдан жимиб қолишди.

“Ҳозир болаларингиз нечта, деб сўрайди... — деб ўйлади йигит юраги пўкиллаб. — Ана, лаблари қимир-ляпти... ана... ҳозир!..”

Фоли тўғри чиқмади.

Баҳорой гап жиловини бутунлай бошқа томонга буриб юборди.

— Лалми тарвуз ширин бўлади-ю, аммо меҳнати кўп бўларкан-да, а? Сизам қовун-тарвуз экканмисиз ҳеч?..

— Э, йўқ, бизди танглаймиз буғдой билан кўтарилган...

Баҳорой ер остидан Давронга қараб қўйди.

Нима учундир қизғин суҳбатнинг тафти босилгандек бўлди.

Дўнгликдан ошиб ўтишгач, полиз четидаги чайлага кўзи тушди йигитнинг.

Аёл юришдан тўхтаб, Давронга юзланди.

— Бўлди, у ёғига ўзим кетаман...

Даврон итоаткорлик билан челақни ерга қўйди.

— Сув учун раҳмат. Бирор кун қарзимизни қайтарармиз.

— Эвазига тарвуз берақолинг.

— Майли. Пишсин, олди билан сизга бериб юбораман.

— Ўзим келаман тарвузхўрликка, майлими?..

— Ихтиёрингиз...

Улар жилмайган қўйи хайрлашдилар.

* * *

Кунлар ўта бошлади.

Даврон алланечук хаёлчан, паришон бўлиб қолганди. Ҳайдовчилар билан очилиб гаплашмас, уларнинг ҳангомаларига, шармсиз лагифаларига зўрма-зўраки кулиб қўярди-ю, хаёли бошқа ёқда эди. Хирмондан ярим-бир чақирим нарида дўнглик қорайиб турар, йигитнинг фикри-хаёли шу дўнглик ортидаги чайла атрофида кезиб юрарди. Ўша томонга югуриб кетиб қолишдан ўзини зўрға тийиб юрганга ўхшарди.

Бир хаёли ҳайдовчилардан бирини олиб: “Тарвуз-хўрликка келдик, қарзингизни қайтаринг”, деб бостириб бор, дерди. Лекин иккинчи бир хаёл хушёр эди, кўз олдида уйда қолган хотини Холдон-Холиданинг сиймосини кўндаланг қўйиб, қани кетиб кўр-чи, дегандай йўлига гов бўларди.

“Менинг хотиним бор. Унинг ҳам эри... болалари бўлса керак. Болалари бормикин?.. Тўққан хотинга ҳечам ўхшамайди”, деб ўйларди у тунлари алламаҳалгача хирмон атрофида кезиб юраркан.

Кеча ойдин, кимсасиз.

Юлдузлар чарақлаб турарди.

Чор-атрофда чигирткаларнинг тунги қўшиғи янграрди.

Бундай сирли оқшомда сирли назокатга бой саргузаштлар истайди кўнгил...

Афсуски, бунинг иложи йўқ.

Дўнглик ортидаги чайлада ҳеч нарсадан беҳабар, пишиллаб ухлаб ётган сулув... ёлғиз эмас! Ёнида давангирдай эркак ётгандир ҳойнаҳой...

Даврон кўксини чўдек нарса куйдираётганини ҳис этди. Бу аҳволда яшаш қийин-ку, деб қўярди ўзига ўзи.

Бир куни...

Кечки пайт эди.

Сочилган буғдой донларини йиғиб-териб юрган Даврон дўнглик устида турган аёл қорасига кўзи тушди.

Аёл бу томонгами ё бошқа томонгами қараб турганини фарқлай олмади.

Лекин аёлнинг дўнглик устида тургани рост эди!

Давроннинг юраги ҳаприқиб кетди.

Кўёш аёвсиз олов пурқарди.

Хирмонжойда ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ.

Комбайнларнинг шовқин-сурони анча олисдан эшитилиб турарди.

Даврон қўлидаги курагини отиб юборди-да, уст-бошининг чангини қоқиб, сочини бармоқлари билан тараб-тараб қўйиб дўнглик томон ошиғич тарзда юриб кетди.


Яқинлашгандан кейин билди, аёл у томонга эмас, машина йўлга қараб турган экан.

Ҳафсаласи пир бўлиб, бўшашиб кетди йигит, лекин ортига қайтишни хаёлига ҳам келтирмади.

— Ҳорманг, қўшни!

Қўлини кўзи устига соябон қилиб тупроқ йўлга тикилиб турган аёл “ял” этиб унга қаради. Юзига табассум югурди.

— Келинг, қўшни.



— Дўнглик устида туриб қўл силтаганингизга мени чақиряписиз деб ўйлаб югуриб келавердим, — ҳазиллашди йигит.

— Ҳечам-да! Қўл силкиганим йўқ! — Аёл нозлангандек бўлиб эътироз билдирди.

Даврон рағбат сезиб яна давом этди.

— Бирдан кўзим тушиб қолди. Аввал эътибор бермаган эканман. Қарасам, биров қўл силкиапти...

— Э, бўлди, ёлгон гапирманг, одамни уялтириб. Мен эримни йўлига қараётгандим.

— У киши бирор ёққа кетганмиди?

— Ҳа, тарвузнинг олди пишган экан. Бозорга опкетганди.

— Тарвузнинг олди пишгани сизники дегандингиз-ку.

— Деганим эсимда, ҳаққингизни олиб қўйганман.

Ҳозир чайлага бориб опкеламан.

Баҳорой дўнгликдан пастга эна бошлади.

— Сиз овора бўлманг, ўзим бораман.

Баҳорой тўхтаб, ёнламаси галати қараб қўйди унга.

Даврон бу қарашнинг маъносини тушунди. Аммо ўзини гўлликка солиб индамай аёлга эргаши.

Бироқ чайлага киришга ботинолмади. Анча бериди тўхтаб, аёлга юзланди.

— Мен ҳозир... — Баҳорой шундай деди-да, чайла ичига кириб кетди.

Бир оздан кейин кўзигача тўсиб ўралган рўмолини ечиб елкасига ташлаганча қўлида каттагина тарвузни кўтариб чиқиб келди.

— Мана, сизнинг ҳаққингиз...

Даврон аёлнинг юзи бунчалар оппоқлигини тасаввур ҳам қилмаганди. Ҳайратдан донг қотди. Лекин дарров ҳушини йигди.

Аёлнинг қўлидан оғир тарвузни олиб ерга қўйди. Зум ўтмасдан тарвузни яна қўлига олиб, аёлга узатди.

— Бу ерга тарвуз учунмас... Сизни кўргани келдим, — деди у алаҳсираётгандек тугилиб.

Баҳорой ерга қаради.

— Бу сиззи ҳаққингиз! — деди-ю югуриб чайлага кириб кетди.

Даврон бир зум нима қилишини билмай, тараддуланиб туриб қолди. Ён-верига аланглади. Яқин ўртада ҳеч зог кўринмагач, юраги гурс-гурс урганча чайла томон юрди. Аммо чайлага етар-етмас бирдан чўчиб ортига тисарилди. Чайланинг нариги томонидан отилиб чиққан баҳайбат ит занжирини узгудек бўлиб қаттиқ вовулларди.

Баҳорой ичкаридан чиқиб, итни тинчлантирди.

— Чатоқ экан-ку бу... — деди Даврон қип-қизил тилини осилтирганча ириллаётган итга қараб қўяркан.

Баҳорой чайла устунни ёнида, Даврон ундан сал бериди туриб қолишди.

Иккаласи ҳам нимагадир саросималанишарди.

— Эрим... келиб қолади... — деди аёл аста.

— Ҳайдаяписизми?... — Аёлнинг кўзларига тикилди йигит.

Баҳорой нигоҳларини олиб қочди.

— Бир пас гаплашиб ўтирсак девдим... — Йигит аёл томон юрди.

— Эрим келиб қолади...

— Қачон кетганди ўзи?

— Кечадан аввал куни.

— Икки кундан буён ёлғиз ўзингизми?! Кўрқмай-сизми?!

— Сиртлон бор-ку...

— Билганимда... кеча келган...

— Унақа деманг!

— Дегим келяпти...

— Уят бўлади!

— Балки шундайдир, лекин... — Йигит чайла устунига суянди. Юзида ҳорғин ифода кезинди.

— Хотинингизни... яхши кўрмайсизми?... — Ботиниб-ботинмай сўради аёл.

— ...

— Нега индамайсиз?

— Билмайман!

— Менимча шу кеча-кундузда уришиб қолгансизлар...

— Рост, лекин бу сабаб эмас.

— Унда...

— Гапирманг! — Даврон аёлнинг яқинига борди. — Гапирманг!.. Ҳеч нарса деманг...

Ҳуши бошидан учган Баҳорой эркакнинг иссиқ нафаси олдида ожиз қолди...

* * *

Хирмонжойни кўриқлаш Даврон учун энди зерикарли бўлмай қолди.

У кун бўйи Баҳоройнинг хаёли билан яшарди, ишларди. Кеч тушишига яқин дўнглик атрофида айланишиб қоларди. Абдурасулнинг кажавали мотоциклига тарвуз ортиб бозорга жўнашини пойларди.

— Соғиниб кетдим... — дея қулоқларига шивирларди аёл ҳар гал кутиб оларкан.

— Кун бўйи хаёлимдан кетмадинг... — дерди йигит унга жавобан. Кейин андак истеҳзо аралаш кулиб:— Акамиз тарвузини ортиб бозорга кетдиларми? — дерди.

— Эримнинг устидан кулманг, — дерди Баҳорой оғриниб. — У мени деб юрибди.

Давроннинг жаҳли чиқади.

— Сени дегани шуми? Бийдай далага бир ўзингни ташлаб кетгани нимаси?

— Рашк қиялписизми?

— Албатта.

— Агар билсангиз, у биздан авло!

Даврон миқ этмади.

Аёл ҳақ эди.

Ичида тан берди. Яна бир аёл бор, у ҳам биздан авло, дегиси келди. Аммо барибир нимадир алам қилиб кетаверди. “Қизиқ, — деб ўйлади у. — Мени қўйнимда ётиб эрининг тарафини оляпти”.

Бу ўй баттар ғашини келтирди. Аёлни силтаб юборди.

— Нимага силтайсиз?... Нима қилдим?..

— Эринг бир ҳафталаб бозордан келмайди, нималар қилиб юрганидан гўё беҳабардай гапирасан-а?! Ўзига ўхшаганлар билан топишиб олиб... билмадим, ҳозир қайси...

— У мени деб яшаяпти! — Бу сафар аёл қатъият билан гапирди.

Даврон аёлни итариб юбориб, ирғиб ўрнидан турди.

Баҳорой хўнграб йиғлаб юборди.

Тундай қоп-қора сочлари елкаси узра паришон ёйилди...

Орадан икки кун ўтди.

Давроннинг арази икки кунга етди.

Қолаверса, буғдой ўрими ниҳоясига етиб қолган, зоғи билан ҳафта-ўн кундан кейин хирмонжойни қорувуллаш керак бўлмай қолади. Бригадир уни яна қаерга ишга юборади, номаълум. Лекин бу ерлардан кетиши аниқ. Шундай экан... Даврон аёлдан кўнгил узолмади.

Икки кун давомида у Баҳоройни ўйламайман, дегани билан ўйламасдан тура олмади. Бир дақиқа бўлсин аёлнинг чеҳраси кўз олдидан нари кетмади.

Бригадир бирор кун уйингга бориб келақол, дея рухсат берганди, бормади. Атай бормади. Хотини Холдон-Холида билан келиш олдидан уришиб қолишганини ўзига ўзи рўқач қилди. Аслида боргиси келмаётганди. Боргани билан... Хотинининг дардчил кўзларини кўриш, кўриб ич-ичидан эзилиш учун борадимми? Уришганлари шунчаки баҳона... Айтишга арзигулик жанжал ҳам бўлгани йўқ аслида. “Хирмонжойга қоровулликка кетадиган бўлдим. Овқат-повқат обориб турарсан”, деди Даврон ўша кун. Хотини бир оз ўйлаиб туриб: “Йўқ, боролмайман-ов”, деди. “Нега боролмайсан? Қолиб кетаётган ишинг кўпми шунча?!” деди Даврон жаҳли чиқиб. Ичиди эса тилига ортиқча эрк бериб юбормаганига шукр қилди. “Йиғлаб қоладиган боланг борми?!” деб юборганида нима бўларди? Худо бир асради. “Бормасанг борма, менам уйга келмайман!” Бор гап шу. Эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетганини айтмаганда!

Ҳозир борса, ҳозироқ, эртага борса эртага хотини ҳеч нарса бўлмагандай кутиб олиши аниқ. Лекин... Давроннинг боргиси келмасди.

Унинг эс-ҳуши дўнглик ортидаги қоронғу чайлада йиғлаб қолган аёлда эди. “Сочларини ёйганда жудаям чиройли бўлиб кетарди,— деб ўйларди йигит аёлнинг оппоқ чеҳрасини юзинчи, ҳатто мингинчи марта кўз олдига келтираркан. — Эсдан оғиб, хотирамни йўқотган тақдирдагина уни унутишим мумкин. Икки кун мобайнида англаб етган ҳақиқатим шу бўлди...”

Даврон айланаб юриб беихтиёр дўнглик олдига бориб қоларди. Бу биринчи марта эмасди. Икки кундан бўён беш-олти марта дўнглик олдига келиб кетди-ёв!

Охири бўлмади. Кечки пайт Даврон қандай қилиб дўнглик устига чиққанини, қандай қилиб пастга, то чайла олдига довуриб югуриб борганини билмай қолди.

Нимқоронғи чайла ичига тўшалган шолча устида ўтирган Баҳоройнинг ҳайратдан кўзлари катта-катта бўлиб кетди.

Даврон ранг-кути ўчганча ҳансираб турарди.

— Сени хафа қилиб қўйдим, биламан... Мен ўзи шунақа, сал жиззакироқман, — шоша-пиша, ҳаприқиб гапира бошлади Даврон аёл пойига тиз чўккан ҳолда. — Агар, истасанг, ҳозироқ сенга уйланаман! Фақат... Фақат... Эҳ!..

Даврон гапиролмай қолди. Боши қуйи солинди.

Баҳоройнинг юзи оқариб кетди.

— Сиздан хафа эмасман... — деди бир оздан кейин, — Айб ўзимда, ҳар нарсани гапиравермаслигим керак эди. Лекин нима қилай... — Аёлнинг миждаларига ёш қалқиди.

Йигит ҳамон энтикар... Юраги гуп-гуп урар... Баҳоройнинг хушрўй чеҳрасидан кўз узолмасди...

— Ит боғлиқми? — Сирли овозда сўради Даврон.

Бу уларнинг “пароли” эди. Ит боғлиқ бўлса Абдуракул бозорга кетган бўлади. Уч кундан кейинми бозордан кела солиб итнинг занжирини ечиб юборарди Абдуракул.

Баҳорой “ҳа” дегандек унсиз бош ирғади.

— Эринг билан ажрашсанг дегандим... — Эҳтиётлик билан сўзлади шунда Даврон. — Менам хотиним билан...

— Болаларингиз йўқми?

— Қандай билдинг?..

— Билдим-да... — Аёл жимиб қолди. Хўрсинди.

— Истасанг эртагаёқ...

— Иложим йўқ...

— Тушуна олмаяпман...

Аёл ўрнидан турди.

Чайла бурчида турган мойчироқни ёқди.

Атроф ғира-шира ёришди.

Бир зумдан кейин аёл чироқ пилигини кўтарди.

Чайла ичи энди хийла ёришди. Шундан сўнг Баҳорой аллақерларни тимирскилаб-тинтиб бир тугун топиб, уни Давроннинг олдига қўйди.

— Нима бу?..

— Эрим шу пайтгача нимани, қанчага сотган бўлса, ҳаммасининг пули шу тугунда. У эрталаб қанчадан сотишини, тушдан кейин қанчадан сотганини, ҳамма-ҳаммасининг ҳисобини беради менга. Ўлай агар, мен ундан бир оғиз ҳам сўрамайман, тарвузни ё бошқа нарсани қанчадан сотдингиз деб! Нима десам оғзимдан чиққанини муҳайё қилади. Шу қовун-тарвуз экишни ҳам аслида мен ўлгур айтгандим. Қўлига кетмон ушламаган муаллим одам мени бир оғиз гапим билан деҳқончиликка ўтиб кетди. Деҳқончиликда тажрибаси йўқ, кўп қийналяпти бечора... У қўрқади, ташлаб кетиб қолади деб қўрқади!.. — Аёл жимиб қолди.

Ўртага оғир сукунат тушди.

Баҳорой қаттиқ ҳаяжонга тушганидан тез-тез нафас оларди.

Даврон ниманидир фаҳмлагандай бўлди.

— Сизларда ҳам фарзанд... — Даврон сўзини тугата олмади.

Аёл тугунни отиб юбориб ўзини йигитнинг қучоғига ташлади.

— Менам она бўлишни истайман!.. Менам бешик тебратишни истайман!.. — дерди у титраб-қақшаганча йигитга печакдек чирмашиб. — Ҳеч бўлмаса ҳомиладорлик қандай бўлишини билайин... Кўнгил айниш қандайлигини билайин... Армонимни ушалтиринг, акажон!..

Даврон аёлни қаттиқ бағрига босди. Қовжироқ лабларига лабини босди...

— Балки... кейинчалик келишиб қолармиз, — деди йигит бироздан кейин. — Бирор ўзгариш бўлса...

— Йўқ.

— Ҳеч иккиланмасдан жавоб берасан-а!

Аёл аввалдан ўйлаб, қатъий ҳукм чиқариб қўйган одамдай хотиржам ва дангал жавоб берди:

— Ҳа!

Улар яна апоқ-чапоқ бўлиб кетишди.

Эри бозорга кетган кунлари энди аёлнинг ўзи дўнглик устига чиқиб кўриниш берарди.

— Эрта ё индинга буғдой ўрими ҳам тугайди... — деди йигит бир оқшом.

Аёлдан садо чиқмади.

— Ухлаяпсанми?

Жимлик.

— Эрта-индин бу ерлардан кетсам керак. Балки келишармиз. Сен эрингга, мен хотинимга тушунтирсам...

— Йўқ, йўқ, йўқ! — деди аёл қизгинлик билан. Чайла қамишлари орасидан сизиб ўтаётган ой шуъласи Баҳоройнинг елкаси билан битта бўлиб ёйилган сочларида жилоланди.

— Мабодо бола бўлиб қолган бўлса нима қиласан?

— Ишингиз бўлмасин!

— Эрингга ҳам шунақа шартакилик қиласанми?

— Ишингиз бўлмасин!

Баҳорой кийиниб ташқарига чиқди.

Бир оздан кейин Даврон унинг ёнига келди.

Иккаласи ҳам бир сўз демасдан анча вақт чайла олдида ёнма-ён туришди. Йигит аёлнинг паришон сочларига, нафис матодан тикилган узун кўйлагининг этаклари тунги сабода ҳилпирашига разм соларкан, юраги бирдан гупириб кетди. Томоғига нимадир тиқилди. Бир лаҳза ҳатто нафас ололмай қолди. “Ё, тангрим, — деди у ичида ҳаяжондан титраб-қақшаб. — Ё тангрим!.. Шундай хурлиқони бағримга босдим, у меники! Мана, у ёнгинамда турибди!.. Бундан бошқа яна нима керак менга?! Қаерда, ким билан яшашидан қатъий назар, у бор!.. Мен ҳар лаҳза ҳар дақиқида унинг шу дунёда борлигини ҳис этиб тураман!.. Яна нима керак менга...”

Даврон аёлни тушунгандай бўлди. Баҳорой бўлса... саррин шабадага юзини тутар, киприklarини пирпиратар, ларзага тушган йигит ҳаяжонини сезмаётгандек тутарди ўзини.

Ёдуга чўмилган тун шуъласида аёлнинг юзи янада жозибали кўринарди.

Йигит уни кучоқлаб олди.

— Дўнгликка чиқамизми? — деди аёл пичирлаб.

— Ундан нарига ҳам ўтамиз... — жавоб берди йигит.

— Аввал дўнгликда бир оз ўтирамиз.

Баҳорой шундай деганча унинг қўлидан тутиб дўнглик томон бошлади.

Иккала томонни ажратиб турган, унча баланд бўлмаган тақир тепалик устида улар анча ўтиришди. Аҳён-аҳёнда бир дуқма ташлаб қўйишарди-да, яна жим қолишарди. Уларнинг шундоқ рўпарасида, пастда кимсасиз, бепоён, ой нурига беланган дала ястаниб ётарди.

Бир маҳал шабада сал кучайгандек бўлди-ю, аёлнинг сочларини тўзгитиб-учириб йигитнинг юзига урди.

Даврон аёлнинг елкасига, сочларига юзини босди. Энтикди. Чуқур хўрсинди.

— Бугунги оқшом бир бошқа, а? — деди Баҳорой.

— Осмонга қаранг, осмон юлдузларга тўлиб кетган-а?

— Менинг юлдузим бағримда!..

— Эртага оқшом бунақа бўлмаса керак.

— Нега?

— ...

— Нима гап? Нега индамайсан?

— Эртага эрим келади...

— Икки-уч кундан кейин яна кетади-ку!

— Йўқ. Энди анча вақт кетмаса керак. Пишган тарвузлар тамом бўлди.

— Қаерда бўлсам ҳам келаман!..

— Келмасангиз ҳам хафа бўлмайман.

— Кўнглига қаттиқ тегади демайсан ҳам...

— Биз далада учрашгандик, далада ажрашамиз!

Кўнглим сезиб турибди, биз бошқа учрашмаймиз!..

Даврон индамади.

Унинг кўнгли алланечук хижил бўлиб қолганди...

* * *

Давроннинг тахминича, ўрим мавсуми уч-тўрт кундан кейин тугаши керак эди. Айрилиқ онлари яқинлашганини сезиб турса-да, ҳали фурсат бор деб ўйларди у. Ҳеч бўлмаганда, яна бир кун... яна бир оқшом!..

Лекин бугун ўрими эртаси куниек тамом бўлганини эшитиб галати бўлиб қолди. “Бир-икки кун уйингда дам олгин-да, кейин далага чиқ”, дея бригадир рух-

сат берган бўлса-да, у хирмонжой атрофида айланишиб юрди. Дўнгликка яқин борди. Бироқ дўнгликка чиқишга ботинолмади. Баҳоройнинг эрига дуч келиб қоладигандек бўлаверди. Аммо кейингисига ўзини тутиб туролмади. Тепалик устига югуриб чиқди. Нигоҳлари полиз четида кўққайиб турган қамиш чайла томон “отилди”. Баҳорой чайла ичида шекилли, кўринмади. Миқтидан келган бир киши тарвуз жўякларини оралаб юрарди.

Даврон тепалик устида туриб-туриб, бошидан иссиқ ўтгач руҳсиз кайфиятда пастга эна бошлаганда жўяк оралаб юрган Абдурасул уни бирров кўриб қолди.

Даврон кечга яқин уйига кириб келди.

Дарвозадан ичкарилайётганда уйдан шошиб чиққан хотини уни кўрди. Аммо аёл оғзини рўмол билан тўсганча югуриб ошхона томонга ўтиб кетди.

Даврон таажжубланганча уйга кирди.

Беш дақиқалардан кейин хотини ҳам келди. Унинг бугдойранг юзи оқаринқираган, кўзлари ёшланган...

Аста келиб эрининг кўксига бош қўйди у.

Давроннинг қўллари титради...

— Суюнчи беринг... — деди аёл эрининг кўксига бош қўйган кўйи.

— Тинчликми?..

— Бизнинг ҳам юзимиз ёруғ бўладиган бўлди!.. — Холдон-Холида кўзлари чақнаганча эрига юзланди. — Кўнглим айниб юрибди...

— Йўғ-е! Ростданми?!

— Шундан гумонсирарганим учун далага бормайман дегандим-да. Сиз бўлсангиз...

Даврон ўнғайсизланиб ерга қаради.

У қувонганидан дам кулар, дам нимадир эсига тушиб хижолатдан қип-қизариб кетар, аммо иккала ҳолатда ҳам кўз олдидан жозибали бир сиймо нари кетмасди...

* * *

Тонг саҳарда Баҳорой нимадандир безовталаниб чўчиб уйғонди. Ичидан ёқимсиз бир нарса кўтарилиб, бўғзи ачишарди. Ўрнидан тура солиб чайла ортига ўтди. Ўтиши ҳамон оғзи-бурнидан фарғара отилди...

Абдурасул хотинининг халатини олиб чиқиб, елкасига ташлади.

— Келманг, бу ёққа! Наридан боринг!.. — дея қўл силтади Баҳорой. Ўхчийвери унинг кўзлари ёшланган, юзи қизариб кетганди.

Абдурасул чайлага кирди. Аммо ўтиришга сабри чидамади. Хотинининг ўхчиши бежиз эмасдай туюлди... Юраги ҳаприқиб чайла ичида у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

Ниҳоят, юз-қўлини чайган Баҳорой ичкарилади.

— Эрталабдан... Нима бўлди? Наҳотки, мўъжиза юз берган бўлса!.. Айтсанг-чи, тезроқ!

— Кечкурун овқатни кўп еб қўйибман чоғи. Ошқозоним оғрияпти... — Баҳорой эрининг кўзларига қарамасликка тиришди. — Мен ётаман, ошқозоним қаттиқ оғрияпти.

— Майли, ётақол. Лекин кечкурун овқатни кўп емадинг шекилли.

— Едим! Кўп едим! Кейин камлик қилгандай писта чақдим...

— Писта борми бизда?!

— Анув кунни ўзингиз бозордан опкелгандингиз-ку! — Баҳорой ўрнига чўзилиб, кўзини чирт юмиб олди.

Абдурасул бир оз довдираган кўйи ташқарига йўналди.

Салдан кейин унинг чайла ёнида чирс-чирс қилиб ўтин синдиргани, қумғонга сув қуйгани эшитилди.

Аёл оғриқ азоб бераётгандек афтини бужмайтириб ётганди. Эрининг бирдан кириб қолишидан чўчиб кўрпани юзига довр тортди. Кўрпа ичида ётиб... хушхоллик билан кулиб кўйди! Ҳозирданоқ дўппайиб қолгандек қорнини силади. Киндигининг атрофини бармоқлари билан авайлаб босиб-босиб кўйди. Бирон нима борлиги сезилмасди. Аёл гоҳ қорнини ичига тортса, гоҳ чиқариб гупдай шиширмоқчи бўларди. “Қимирлайди... дейишарди, — дерди у ичида ўзига ўзи. — Нега бу... Назокат янга иккиқат бўлса, қорнидаги бола бир ойликдаёқ қимирларкан. Худди капалак қанот қоққандек нимадир пир-пир этади, дегувчи эди. Ё мен янглишдимми?”

Нафаси қайтган аёл кўрпани силтаб юборди.

Ётганда кўнгил айнаши билинмас экан, деган фикрга келди у. Ўрнидан турди. Кийинди. Кўрпа-ёстиқларни йиғди ҳамки, кўнгли айнамади.

Баҳоройнинг ҳафсаласи пир бўлди. Руҳи тушди.

Киприкларига марварида томчилар инди.

Аммо орадан роппа-роса беш соат ўтиб, тушликка бирор егулик тайёрлаш учун қозонга ёғ солаётган аёлнинг бирдан яна ўхчигиси келди. Энгашиб турганди, оғзидан ғағара отилиб кетай деди. Шоша-пиша бошидан рўмолини юлқиб олиб оғзи-бурнини тўсди. Шундан кейин сал тинчлангандек бўлди.

Амал-тақал қилиб картошкани қовуриб, димлаб кўйди-да, ўчоқ олдиан нари кетди. Аммо ёғ ҳиди димоғидан кетмасди. Ҳавони ёғ ҳиди тутиб кетгандек эди. Аёл чайлага кирди. Ҳамон кўнгил айнаши хуруж қилаётган ва бундан жуда-жуда беҳаловат бўлиб қолган бўлса-да, кўзлари қувончдан порлаб турарди!

Афсуски, чайлада ҳам узоқ ўтиролмади. Қозондан таралаётган ёғ ҳидига чидай олмади.

Полиз этагидаги ўтларни ўриб юрган эрининг олди борди. Бу ердан аллақандай ўлакса ҳидига қоришиқ балчиқ ҳиди анқирди. Бийдай дала ёқимсиз ҳилларга тўлиб кетгандек эди. Баҳорой бу ерда ҳам узоқ тура олмаслигини сезди. У тагин ўхчиб юбориб эрининг олдида сири фош бўлиб қолишидан чўчирди.

— Мен ўтин териб келаман, — деди у ва шарт бўлиб ортига қайтди.

— Сиртлонни ола кет, — деб қолди Абдурасул.

Баҳорой итни эргаширганча дўнглик ёнидан ўтиб пастликка эна бошлади. Куриб-қовжираб ётган ўт-ўланларни фикрлатиб босганча аста-секин полиздан анча узоқлашиб кетди. Ғумайлару қамишлари чайқалиб турган хилват ерга етгандан кейин сал эркин нафас олди. Бир кунга етадиган ўтинни апил-тапил йиғиб қўймоқчи бўлиб энди эгилган эди, бўғзида ғалати таъмини сезди. Билса, ҳавода қандайдир ачқимтил ҳид кезинган, шунинг учун яна кўнгли ағдарила бошлаган экан. Бу ерда у ҳеч кимдан қисинмади. Обдон қайт қилиб ичини бўшатди. Анча энгил тортди. Ҳомиладор эканлигига иқроор бўлди. Иқроорлик туйғуси кўнглини яйратди. Илк бор ўзини аёл ҳис этди. Илк бор ўзини она ҳис этди. Бу туйғу бошқа жамики туйғулардан улугвор ва илоҳий эди!

Вужудининг аллақаерига қуёш кириб олган-у, у аёвсиз олов пуркаётгандек аъзойи-бадани қизиқиб кетди.

Атрофда сукунат ҳукм сурарди. Борлиқ пуштиранг нурларга тўлиб кетганди.

“Қилт” ётган шабада йўқлигидан ўт-ўланларнинг шитирлаши ҳам эшитилмасди.

Аёл ўт-ўланлар устига тиз чўкди. Қуёшни кутиб олишга чоғланаётган уфққа юз тутди. “Танграм... — дея пичирлади у Худо гўё уфқдан мўралаб тургандек кўзлари ёшланиб. — Танграм... — Юраги ҳеч қаёққа сигмаёт-

гандек гупиллаб урар, мудраб ётган вулқон беҳосдан уйгонгандек ич-ичидан нимадир ўқдек кўтарилди-ю, бўғзига келиб тиқилди, сўзлашга имкон бермади. — Танграм... — Базўр учинчи марта шу сўзни пичирлаб такрорлади. — Ўзингга шукр!..” Яна беш дақиқа чамаси тиз чўккан кўйи ўтиргач, аёл аста ўрнидан турди. Ортига қайтди. Танглайи қуруқшаб, оғзи яна таъмсизланаётган бўлса-да, руҳан энгил эди. Қадам ташлаб эмас, учиб бораётгандек ҳис этарди ўзини.

Дўнгликка яқинлашаётганда йўл четида ўсган сачратқига кўзи тушди. Яна ўша Назокат янгадан эшитгани, жоизки, ичида ўрганиб юрганларини эслади. Яъники, сачратқи кўшиб қайнатилган сувни илиқлашгунча совутиб, кейин чақалоқни ювинтирса, барра вужудни яра-чақа босмас эмиш. Юришдан тўхтаб бир дам туриб қолди. Бир хаёли “Сачратқини узиб ол”, деди. Иккинчи бир хаёл аёлни шаштомдан қайтарди.

Чайла олдида шу томонга қараб турган эрини кўриб қадамни тезлатди...

* * *

Орадан анча кун ўтди.

Бу вақтга келиб куз охираб қолганди.

Эр-хотин қолган-қутган қовун-тарвузларнинг етилишини кутаётган эдилар.

Даврон бир неча марта келди. Аммо вақтни тўғри мўлжал олмаганидан, Абдурасулнинг қорасига кўзи тушган он ортига қайтиб кетди.

Ниҳоят сўнгги келганида у чайла олдида Баҳоройни ёлғиз кўриб қолиб, дўнгликдан ошиб ўтди.

— Ниҳоят, сениям кўрар кун бор экан-ку! — Даврон уни елкасидан тутиб ўзига қаратди. — Ўйламайман дедим, барибир ўйладим. Бормайман дедим, барибир келдим...

Баҳорой қорни тўқ одамдек анча лоқайд қаради.

— Айтгандим-ку... келмасангиз ҳам майли деб!..

— Соғинмадингми?.. — Ёз оқшомларини эслатгувчи сўзни такрорлади йигит. Ўпмоқчи бўлди.

Аёл юзини терс бурди.

— Эрим келиб қолади.

— Қачон кетганди?

— Бугун келиши керак!

— Қачон?.. Қачон учрашамиз?! Соғиндим...

— Учрашмасак яхши бўларди.

— Менга қара! — Йигит аёлнинг юзини кафтлари орасига олиб кўзларига тикилмоқчи бўлди. Лекин Баҳорой силтаниб ўзини четга тортди. — Ҳомиладормисан?!

Баҳорой қаттиқ сесканиб тушди.

Йигит яна сўзини такрорлади.

— Йўқ, — деди қатъий овозда Баҳорой. — Йўқ!

— Аввалгидек эмассан... Шунга балки...

— Ўн икки йилдан буён иккиқат бўлмаган хотин энди...

— Ҳа, нима қипти, мана... — Даврон базўр тилини тийиб қолди. Акс ҳолда...

— Кетинг, — деди Баҳорой негадир овози титраб. — Кетинг!..

Шу пайт яқинлашиб келаётган мотоцикл овози эшитилди. Баҳорой шайтонлаб қолай деди.

— Кетинг! Кетинг, дедим-ку сизга! Ана, эрим келиб қолди! Кет, дегандан кейин кетиш керак-да!

Даврон аллақачон чайладан отилиб чиқиб дўнглик томон кетаётган бўлса-да, Баҳорой ҳамон жазавага тушиб маломат қиларди.

— Нятингиз шумиди? Шумиди нятингиз?! Шарманда қилдингиз-ку мени!.. Худо ҳаққи, тезроқ кетинг!

Мотоциклнинг тўхтагани, Абдурасулнинг қадам товуши эшитилди.

Ҳаёти остин-устун бўлиб кетадиган дақиқалар яқинлашганини ҳис этган ва бундан дағ-дағ қалтирашга тушган Баҳорой осмондан тош ёғилаётгандек бошини қўллари билан тўсиб, чўк тушиб ўтириб олди. Кўзини чирт юмди: нима бўлса бўлди!..

Бироқ орадан беш-олти дақиқа ўтган, Абдурасул чайла ичига кирган бўлса-да, Баҳорой кутган Даҳшат юз бермади.

Аёл аста бош кўтарди.

Абдурасул эгнидаги эски костюмини ечиб чайла устунига илаётган эди. Унинг бугдойранг юзи мурданикидек оқариб кетганини кўрди аёл. Ўрнидан туришга мажолли йўқ эди. “Мана, ҳозир!.. Мана, ҳозир!..” деганча Баҳорой бошигами, елкасигами кучли зарб келиб тушишини кутди. Бироқ...

— Овқатинг борми? — деб сўради қўлини ювиб келган Абдурасул нигоҳлари билан сочиқни изларкан. Эр-хотин индамай ўтириб овқатланишди.

Абдурасулнинг оқарган юзида аччиқ изтироб ва бадгумонлик чизиқлари пайдо бўлган, хотинининг юзига қарамас, апил-тапил овқатланиш билан ўзини нимадандир чалғитаётгандек эди.

Овқатланиб бўлгач, Абдурасул ўрнидан турди. Ҳалигина ечган костюмини елкасига ташлаб дўнглик томон бир-бир босиб юриб кетди.

Шу оқшом Абдурасул тақир тепаликда ўтириб тонг оттирди.

Эртаси куни кечга яқин улар қишлоққа, уйларига кўчиб келишди.

Ашқол-дашқолларни айвон супасига қўйган Абдурасул яна кўча томон юрди.

— Қаёққа?.. — Журъатсизлик билан сўради Баҳорой.

— Чайлага... — Овозидан дарғазаблиги сезилмади унинг. Аммо овози жуда, жуда хазин, хазин эди...

Аёл уйда ёлғиз қолди. Мамнунлик билан қорнини силади, енгил хўрсинди. Кейин ичкарига кирди, хоналарни бир-бир айланди. Ҳовлига чиқди. Молхона тарафга ўтди. Эрта баҳордан далага чиқиб кетганлари боис ҳовлию уй ичлари ивирсиб ётар, юмушлар тиқилиб кетган, бироқ Баҳоройнинг эгилиб оёқ остида тўнтарилиб ётган челақни олиб қўйишга ҳам ҳуши келмасди. Кўз олдига эрининг оғир, ҳорғин, изтироб ифодаси балққан пажмурда чехраси, тик қарашга, ичини куйдираётган газабини сочишга ботинолмаётган кўзлари бир сония бўлса ҳам нари кетмасди. Бирдан уят ҳисси чулғаб олди аёлни. Бу ҳис анчадан буён кўнглини яй-

ратган туйғудан-да кучли ва шиддатли эди. Ўзини ҳар қанча чалғитишга уринмасин, қудратли туйғу исканжасидан қутула олмади; бу туйғу уни куни-тун таъқиб ётар, ором бермасди. Оқибат шу даражага етдики, Баҳорой юрагини эзаётган тошдай оғир ҳисдан қутулиш учун... ҳар қандай қурбонликка рози бўлиб қолди.

“Мен хато қилдим! — дея иқрор бўлди аёл бир куни. — Мен фақат ўзимни ўйладим... Юзим шувит... Наҳотки кейин тортадиган азобларим, хўрликларим эвазига қилган гуноҳим ювилиб кетмаса?.. Ахир!.. Мен... Мен...”

Декабрь охирлаб қолди.

Кечикиб бўлса-да, биринчи қор ёққан, кунлар анча аёзлаган эди.

Аёл қалбига инган аёзга ортиқ дош бера олмаслигини ҳис этди. Ва кунларнинг бирида... қўллари титраганча қорнини сириб боғлаб юрган рўмолини ечди: “Назокат янга бехосдан сирпаниб йиқилганда боласи тушган экан...”

Баҳорой музлаган супадан пастга сакради!

Ўзида ҳеч ўзгариш сезмади. Супага чиқиб яна сакради пастга. Бу сафар ҳам ҳеч нарса юз бермади.

Учинчи марта сакраганида оёғи сирпаниб кетиб йиқилиб тушди. Бир зумда юзи кўкариб кетди унинг. Аммо аёл бунга парво қилмади. Инқиллаб, қаттиқ кучанганча ўрнидан туриб тагин супа устига чиқди...

Сал вақт ўтиб Баҳоройнинг белида оғриқ пайдо бўлди. Оғриқ суст эди. Белдан бошланиб қорин бўшлигини қамраб оларди... Кейин бирдан йўқ бўлиб қоларди.

“Ўғил боланинг дарди суст бўлади, белдан бошланади, дер эди Назокат янга”, дея эслади аёл. Ша заҳоти яна оғриқ сезилди белида. Баҳорой ҳузур билан кўзларини юмди.

У тўлғоқ азобини бошидан кечираётган эди.

Кўп ўтмасдан оғриқ шу даражада кучайиб кетдики, Баҳорой ўзини қўйгани жой тополмай қолди. “Дод” деб юбормаслик учун тишини тишига босганидан ёноқлари туртиб чиқди. Афти хунукдан-хунук буришиб кетди. Шу ҳолида бориб дарвозани қулфлаб келди. Кейин ичкари уйга кириб эшикни ҳам тамбалади.

Оғриқ зўрайиб борарди.

Аёл уй ичида у ёқдан бу ёққа бориб келар, оғриқ ҳаддан ташқари зўрайиб кетганида бирдан букчайиб ўтириб қоларди. Гоҳ тишини тишига босса, гоҳ қонатиб юборгудек даражада лабини тишларди. Зўриққанидан пешонасидаги, кўзларининг атрофидаги томирлари бўртиб кетди. Пешонасидан маржон-маржон тер оқди. Аммо...

Барибир, дош бера олмади. Мижжаларига ёш қалқиди. Бироқ! Нигоҳларида фавқулодда бир ҳайрат қотиб қолганди. “Оғриқ ҳам шунчалар ҳузур бағишлайдими? Ё раббий!..”



Муҳаммад ОЧИЛ

“ХААМ БОТЛАДИ”

Ҳажвия

Жамол Жўшқин бош муҳаррир хонасига бостириб кирди.

— Хўш-ш! — деди у қалин қошларининг ҳар бир мўйини игна қилиб. — Не сабаб... Эҳм, бу кварталда каминанага мукофот ёзилишида фаромушга йўл қўйилди?! Йигирма йилдан ошқик остонаи тахририят тупроғини ялаб келётган мендай жафокаш журналист, жўшқин шоирга-я?!

Бош муҳаррир мийиғида кулди.

— Бу сафар шундай бўлиб қолди. Хафа бўлмайсиз энди, шоир?

Жамол Жўшқин тепакал бошини орқага илқис ташлади.

— Нечун? Хафа бўлдим, инчунун! Қуни кеча келган мишиқи мухбирчаларга мукофот бор-у, аксинча мендай... Ўзингиз ҳам гувоҳсиз, мозийга алоқадор муҳаррирсиз! Ёдингизда бўлса, бир пайтлари «Жамол Жўшқин бораёпти!» деган мужда тарқалгудек бўлса туман раҳбарияю, хўжалик бошлиқларига каминани нон-туз, иззат-икром билан қарши олишарди! Шундай экан...

— Ҳа, балли! — бош муҳаррир унинг гапига баңд ташлади. — Бу илгари эди! Ҳақиқатан, бир пайтлар жафокаш журналист, жўшқин қалам соҳиби ёдингиз! Ҳозирда-чи? Тан олиб, айтинг... Яқин беш-олти йил мобайнида ўқиганда юракни жизиллатадиган, ўқувчи ёдида қоладиган очеркми, фельетонми, бадихами, лоқал бирор-бир лавҳами... ёзганингизни эслай оласизми?! Сизнинг қўлингизда тажрибасини ўтаб, хат-саводини чиқарган, ёзиш малакасини эгаллаган ўша «мишиқи мухбирчалар», хафа бўлманг-у... сиздан ўтиб кетишган! Ё, ёлғонми? Хўш-ш...

Жамол Жўшқин муҳаррир хонасидан ели қочган пуфакдек бужмайиб чиқди. Тепакал боши, ажин шудғор тортган манглайи, қўшқат бақбақасигача сизиб чиққан совуқ терни гўштдор кафти билан сидираркан, порози пўнғиллади:

— Ҳали Жамол Жўшқиннинг юлдузи сўнмаган! Ёзиш қанақа бўлишини сенларга бир кўрсатиб қўймасамми?! Шундай қиров қўнмаган мавзуларда қалам тебратадики, оғизларинг сабзи ўрадек очилиб қолсин! Бўлди, қарор қатъий, шикоятга ўрин йўқ! Энди хонадондан хуррак эмас, фақат қоғоз шитирлаши-ю, қаламининг қитирлаши эшитилади, холос... Ҳа-ҳа, ҳали сенларни боламасамми!

Эртаси дам олиш куни эди.

— Айни муддао! — деди Жамол Жўшқин тақвим варағини йиртгач, хомуза тортиб кўрпага кираркан. — Демак, бугун эрта ётилиб, саҳарда қарға қағилламасидан ёзув столига ўтирилади. Тушликкача тўрт-беш қоғоз, кечки томдан сўнг яна... нима мавзуда ёзишни эса, яхшиси эргалаб мушоҳада юритади.

Дарҳақиқат, эртаси каллаи-саҳарда кўз очилган тўғри келди.

— Бўла қолинг, — дея хотини турткиларди уни, — ҳамсоялар чақиршайпти!

Жамол Жўшқин елкасига тўн ташлаб, дарвозани очса, бир-икки эмас, биратўла беш-олти қўни-қўшни қатор туришган экан.

— Қани, қалпоқни шляпага алмаштириб чиқинг, шоир! Хув-в, кунжакдаги магазинчи Мўмин мўйлов наҳорга ошга айтган...

Жамол Жўшқин манглайини тириштирди: «Оббо, режа бузиладиган бўлди-да! Маҳалла-қўйчилик, бормаса одамгарчиликдан эмас?! Кейин бу, Мўмин мўйлов дегани шаҳарда тўртта бойвачанинг биттаси, қурғурнинг палови зап мазали бўлса керак, ҳойнаҳой».

Жамол Жўшқин адашмаган экан. Каттагина лаганга гумбаз қилиб уюлган серғўшт, серёғ ош урвоқ ҳам бўлмади. Шу боис тафт босдисига икки донагина юмшоқ, седанали нон нишодага ботириб ейилгач, хазми-таоми учун тўрт чойнак чой сипқорилди.

— Ҳар ҳолда ёмон бўлмади! — мамнун ҳолда кекирди Жамол Жўшқин қўшнилари билан хайр-маъзур қиларкан. — Чунки ижод иши кишидан ҳаминша катта куч талаб қилади. Энди, столга ўтириб...

— Хў-ў, шоир... А, бу кутавериб, кўзлар қартайиб кетди-ку!

Жамол Жўшқин таниш овоздан сергак тортди. Қараса, дарвозасининг тагида жўраси Жомурод полвон машинасининг эшигини очиб тавозе қилиб турибди.

— Ҳозир, тўғри мол бозорга борамиз, — деди у қучоқлашиб кўришаркан. — Чунки қўй-қўзи ҳақида ёзавериб устаси фаранг бўлиб кетгансан. Хуллас, оғайнижонингга ўзи арзон-у, аммо гўшти пичоққа илашадиган иккитагина қўчқорча сотиб олишга қўмақлашсан! Келинга йўлиқиб ўтирма, ўзим руҳсат олганман...

Жамол Жўшқин икки ўт орасида қоврилди. Борса, турган гап, чошгоҳгача ёзиладиган тўрт бет ижод намунаси сувга уриб кетиши аниқ. Бормаса, жондан азиз улфати... Қурғурни бекорга Жомурод жўмард дейишмайди. Қалби, қўли, дастурхони... баробарига кенг очик! Ундан кейин сени биров «устаси фарангсан!» деб мақтаб турса, йўқ дейиш маданиятли, ижод кишисига асло ярашмайди. Боради-ю, дарҳол узр сўраб қайтади...

Харид қилинган қўш қўчқорнинг ирғишлаб, шох ташлашини кўриб Жомурод полвоннинг завқи келди.

— Ў-ў! Айтдим-ку, мол танлашга мутахассисан, деб! Шундай экан, буни ювмасак инсофсизлик бўлади. Бир сикдан кабобу...

Бироқ полвоннинг таъкидлашича, ҳеч қачон кабобни «етим» қилмаслик керак экан. Бунинг учун газзагига, албатта, «шайтоннинг суви»дан оз-оз татиб дегандай... Бошида бош чайқаб турган Жамол Жўшқин тўртинчи пиёладан сўнг очилди, илҳоми бирдан кулф урди:

– Йигит бўлсанг мустақил

Канда қилмай юзта қил!

Қалай, зўр-а?! Шунинг учун оламиз... Бўпти! Лекин, сенга бир сирни айтгайми? Хўп десанг, мен ҳали уларга кўрсатиб қўяман! Боплайман, барини... Полвон, мени уйга тез етказ! Зарур юмушим бор! Йўқ, олдин мириқиб ухлаб, куч йиғиб, кайфни қочириб...

Жамол Жўшқин кундузги оромдан бош кўтарганда, қуёш аллақачон уфқ томон ошиқётганди.

– Ҳали фурсат бор! – деди Жамол Жўшқин бармоқларини кирсиллатиб, ҳузур қилиб кершаркан. – Энди саҳарга қадар илҳом парисини суҳбатга тортади. Зўрлаб бўлса ҳам мақсадига етиши лозим! Ана шундагина уларни боплайди...

Жамол Жўшқин ниятини амалга ошириш учун, олдин муздеккина сувда ювинди, бир пиёлагина қайноқ чой хўплагач ижодхонаси томон йўл олди. Ёзув машинкасига инган гардларни хафсала билан артаркан, ўзига-ўзи қатъиятлик билан деди:

– Энди, сени бу столдан тўп отиб ҳам турғиза олишмайди! Хўш-ш, қайси долзарб мавзуда...

Шу аснода эшик гийқиллаб очилиб, хотинининг шодон овози янгради.

– Бир яйрайдиган бўлдингиз! Акам келдилар... Ўзим ҳам билгандай, ўнг қовоғим учгани учун нўхат ивйтиб қўйгандим. Тезроқ чиқа қолинг, акамнинг феълини биласиз-ку!

– Ҳа, бу илонбош-қайноғанинг феъл-атвори чарсроқ! – студан аранг қўзғалди Жамол Жўшқин. – Қовоқ уйганингни фаҳмласа сўкиб юборишдан ҳам тоймайди. Лекин бемазанинг дангаллиги ҳам бор. Тўй қилганда «жиянчага биздан подарка!» деб катта бир хўкизни етаклаб келганди! Шундай бўлгач, эркалиги ярашади-да... Балким кўп ўтирмас...

Аmmo қайноға-меҳмон тун яримга яқинлашганда кетишга «ижозат» сўради.

– Бизга энди рухсат... Куёв, сенга нима бўлган? Хаёлинг қочиб турибдими, дейман?! Илгари бу «беш кўтарар», «дурак» деган ўйинларни титиб қўярдинг? Маззанг бўлмаса айт, дўхтир-сўхтирга кўрсатай! Яна бу киши мухбир, типографияда ишлармиш?! Куёв дегани, асли «ёв» бўларканда-а?! Ҳе, ўргилдим ўша сени...

Жамол Жўшқин изза бўлганча изига қайтди. Ёзув столига қайтадан мук тушаркан, ўпкасида йиғилган «гина»ни чуқур сўлиш билан юзига итқитди.

– Ҳэ-э, ўша... Сендай хотин уруғини! Гапинга яраша жавобни қойиллатиб чаплардим... режалаштирган ишларим бор-да! Йўқ, чалғимай ижод қилишим зарур. Қалам соҳиблари асосан тунда ижод қилишади. Унда мен ҳам бошладим...

Туйқусдан қўшни хонадан ўғлининг қийқириғи қулоққа урилди.

– Ур-ра! Футбол... Яшасин Зидан!

Жамол Жўшқиннинг қўлидан қалами сирғалиб тушди. Оббо! Шу ўйинни икки ҳафтадан буён кутаётганди... Роса ола-тасир жанг бўлиши аниқ! Тўғри, футболни кўриши унчалик шарт эмас...

Кўнгли сезган экан. Ўйин қизигандан қизиди. Жамол Жўшқин ўелига қўшилиб бақиравериб, полни тепавериб толиқиб қолди. Сўнг нафасини ростлаш учун диван болишига бошини қўйди. Қанча вақт пинакка кетганини сезмади. Хотинининг қистови билан жойига ўтиб ётаркан, уйқусираганча гудранди.

– Бугунча бўлмади! Лекин эртадан бошлаб... Ҳа, ҳали уларни шундай бопласин!..

Зум ўтмай Жамол Жўшқин отаётган хурракдан хобхона ларзага келди.

Ориф ТУХТАШ

ҚЎШНИ ҚИЗГА

(Ҳазил)

Соғинч-ла яна қайтдим,
Гўзал она-қишлоққа.
Сенинг исмингни айтдим,
Томдаги қизгалдоққа.

Дардларимни қолдирмай -
Тўкиб, дилни бўшатдим.
Томда туриб, билдирмай
Айвонингга тош оғдим.

Тош ҳам юмалаб бориб,
Тўхтади остонангга.
Ётдим майсани ёриб,
Кўринмай, деб онангга.

Итгинанг қурғур тошни -
Борди-да ҳидлаб кўрди.
Ва шарт кўтариб бошни
Қовлимиз томон хурди.

Онанг ҳам келиб бирдан,
Тошни олиб қўлига,

Огоҳдайин бу сирдан
Отди келган йўлига.

Ҳайиқмоқлик ўршига,
Қувониб кетдим бирам.
Ахир қувонмай нега -
Палахмон тош қизлар ҳам?!

...Кўксимга сиғмай ҳамон,
Юрак шундай ғам ейди:
Сен қизни ҳам биз томон -
Отворишса қанийди!

ВОАЖАБ!

«Самимийлик худди
хотинга ўхшар...»
Олқор ДАМИНнинг
«Самимийлик» шеърдан

Самимийлик жуда серқиёс,
Хотинга ҳам тенгласа бўлар.
У ҳақида ёзилган шеърни -
Кўзни юмиб тингласа бўлар.

Шеър тугайди. Сизда ҳаяжон,
«Кел бағримга о, самимийлик!
Қучоғимни тўлдир!» дейсиз-у
Чиқар бу сўз носамимийдек.

Самимийдир ҳатто шоирнинг
Ўқишга шеър ҳозирлагани.
Лекин... ўйга солар кишини -
Шеър самимий ёзилмагани!



O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,



«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati

Jamoatchilik kengashi raisi:

Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Mirkamol ODILOV

Minhojiddin MIRZO

Ahmad USMONOV

Farmon XUDOYBERDIYEV

Botir UBAYDULLAYEV

Bosh muharrir

Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari

Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib

Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

O'rozboy ABDURAHMONOV

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yildan chiqib boshlagan.

© "Yoshlik" № 5 (203) 2005 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

MUNDARIJA

G'URUR

Abdug'ani SULAYMON. *Vatan sevgisi nadir?* 1

SUHBAT

«Meni inson ruhiyatining cheksiz g'alayonlari qiziqtiradi ...» Yozuvchi Xayriddin SULTON bilan suhbat 3

NAZM

Baxtiyor GENJAMUROD. *Navolarga sig'mas sarkash tuygular* 6

Ismatilla MAMANOV. *Sen yig'lama, muhabbat* 28

MEROS

Dada Qo'rquq dostoni 20

ADABIY ALOQALAR

Svetlana VASILENKO. *Jarangdor ism. Qissa* 22

AOCHAKO'L ILHOMLARI

Arofat USMONOVA 31

Iroda ADAMBOEVA, Umar SHARIF, Ne'mat QILICHEV, Go'zaloy MATYOQUBOVA, Shahlo SHUKRULLO qizi 32

BIRINCHI UCHRASHUV

Ne'matulla MAMAJONOV. *Uzr. Hikoya*..... 29

NASR

Normurod NORQOBILOV. *Belbog'. Hikoya* 16

O'tamish hoji ibn Muhammad Do'stiy. *O'tamish hoji tarixi* 34

Zulfiya QUROLBOY qizi. *Gunoh. Hikoya* 40

TOMOSHABOG'

Jek LONDONning ahli qalamga andak maslahatlari..... 30

ELPUG'ICH

Muhammad OCHIL. *Hali boplaydi. Hajviya*..... 46

Orif TO'XTASH. *Hazil she'rlar* 47

Muqovalarimizda

1-betda: Respublika nafis san'at litseyining o'quvchisi, shoira Dildora QURBONOVA.

2-betda: Shu yilning 8-9 iyul kunlari Zominning so'lim O'rikli soy dam olish maskanida bo'lib o'tgan Respublika yosh ijodkorlarining VII seminar-tanlovidan lavhalar.

Fotolar muallifi

N. MUHAMMADJONOV.

3-betda: Taniqli adabiyotshunos olim, akademik Baxtiyor NAZAROV.

4-betda: O'zbekistonda kuz.

Manzili: 700000, Toshkent, Javoharlari' Neru, 1-uy, Telefon: 133-40-83

Bosishga 17. 10. 2005 yilda ruxsat berildi.

Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0.

Indeks 822 ISSN 0207-9137

Jurnal 2003 yil 29 dekabrda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan 072 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi deb izohlanishi shart.

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi bosmaxonasida chop etildi.

Buyurtma № 171

Manzil: Toshkent. sh. X. Sulaymonova ko'chasi, 33-uy.